

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ



**“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ
НОГУМАНИТАР ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**ДИНШУНОСЛИК
ФАНИДАН**

МАЪРУЗА

АНДИЖОН-2017

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Андижон машинасозлик институти
Ўқув-услубий Кенгашида кўриб чиқилган ва макулланган
Кенгаш раиси _____ К.Эрматов
(Ўқув-услубий Кенгашининг _____ -сонли баённомаси
« 25 » _____ 2017 йил)

«МАКУЛЛАНГАН»

«Нашинча сазим» факультети Кенгашида
Мухокама қилинган ва мақулланган
Кенгаш раиси _____ М.Қўчқаров
(Факультет Кенгашининг 11 -сонли баённомаси
«24» 08 2017 йил)

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси
Мажлисида муҳокама қилинган ва тавсия этилган
Кафедра мудирининг _____ М.Каримова
(Кафедра мажлисининг _____ -сонли баённомаси
« 27 » 07 2017 йил)

Тузувчилар:

АндМИ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудир, ф.ф.и. М.Каримова
АндМИ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси ассистенти З.Гоффоров

Такризчилар:

АДУ "Фалсафа" кафедраси мудири. Ф.Юлдашева
АндМИ "Ижтимоий фанлар" кафедраси доценти М.Назаров.

Мазкур матнда “Диншунослик” фанидан ишчи ўқув дастури асосида барча мавзулар режалар билан ёритилиб талабалар ва ўқитувчилар учун тайёрланган.

“ДИНШУНОСЛИК” ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-2 мавзу Диншунослик фанига кириш. Диннинг ибтидоий шакллари

1. Диншунослик фанининг мақсади ва вазифалари, диннинг функциялари.
2. Дин ижтимоий онг шакли эканлиги.
3. Кишиларнинг жамиятга диний, илмий, фалсафий ёндошишлари. Ибтидоий диний онг асослари.
4. Тотемизм, Анимизм, Шомонизм (Магия), Фетишизм.
5. Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси ва уларнинг диний тасаввурлари, урф-одатлари. Бошқа диний маросимлар

“Диншунослик” диннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихини, унинг ижтимоий, гнесологик, психологик илдизларини, турли хил динлар таълимотининг вужудга келиши ва шаклланишини ўргатувчи фандир, таълимот ва ўқув предметидир, у дастлабки диний тасаввурларнинг пайдо бўлишидан уруғ-қабила, миллий ва жаҳон динлари пайдо бўлган даврда юз берган жараёни ҳамда жамият тараққиётида дин билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий, ходисаларни, маънавий омилларни-мафкура ва ақидалар, урф-одат ва маросимлар, масжид ва диний ташкилотларнинг талаб ва тартибларини ўрганиш, таҳлил қилишни кўзда тутди.

1-мақсад талабаларни дин ва диний таълимотларнинг диний талқинидан ташқари илмий тушунча, таълимот, назария, фалсафий хулосалар билан қуроллантиришдан иборат. Бунинг учун ҳозирги замон фани ютуқлари асосида диннинг келиб чиқиши, эволюцияси, ҳозирги ҳолати, инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида тутган ўрни ҳақида илмий-назарий таълимотлар билан қуроллантириш кўзда тутилади.

2-мақсад Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда VIII асрдан бошлаб ислом ягона ҳукмрон динга айланганлиги, халқимиз турмуш тарзига чуқур кириб борганлигини ҳисобга олиб, унинг шахс, оила, жамият ҳаётида тутган ўрни, маданият ва маънавият, санъат ва адабиётни бойитишга қўшган ҳиссаси хусусида талабаларни илмий-фалсафий билимлар асосида фикр юритишга ўргатилишдан иборат.

3-мақсад талабаларда ибтидоий динлардан тортиб то жаҳон динларигача бўлган динларнинг шакллари, таълимотлари, йўналиш ва оқимлари мазҳаб ва секталари ҳақида умумий илмий тасаввур ҳосил қилиш орқали ўзлари мустақил фалсафий хулосалар чиқара олиш малакасини ҳосил қилишдан иборат.

Юқоридаги мақсадларга эришишда И.А.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги янги тахрирдаги Қонун, Жиноят, Фуқаролик, Оила, Ёшлар кодексларидаги дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги кўрсатмалар, қоидалар дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

“Диншунослик” курсининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1-дан, Олий ўқув юрти талабаларига шу соҳада чуқур билим бериш орқали курс доирасига кирган масалаларни таҳлил этишда илмийлик ва объективлик услубини қўлланиб, уларга диний қарашлар тараққиётига, инсон камолатига хизмат қиладиган жиҳатларини ажратиб олиш, мустақил фикр юритиш орқали илмий-фалсафий дунёқарашга асосланган дунёвий иймон ва эътиқодни шакллантиришдан иборат.

2-дан, ибтидоий дин шаклларида тортиб то уруғ, қабила ва миллий динларгача, уларда жаҳон динларининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг ижтимоий, гнесологик ва психологик илдизларини тарихий далиллар асосида ҳар томонлама илмий таҳлил қилиш ва умумлаштиришдан иборат.

3-дан, курсни ўрганиш жараёнида диннинг таърифи, тавсифи, диний ва илмий категория (асосий тушунчалар), диннинг моҳияти ва унинг кишилик жамияти тараққиётидаги турли босқичларда тутган ўрни; жамиятни, шахсни маънавий камол топтиришда миллий ва диний қадриятларнинг аҳамияти; исломнинг Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон халқлари маданияти ва маънавиятига таъсири каби масалаларни фалсафий таҳлил қилишдан иборат.

4-дан, талабаларни исломнинг диний манбалари-Қуръон, Ҳадис, шариат ҳақида умумий илмий тушунчалар бериш, хусусан Ҳадис шу покликни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган ватандош бобокалонларимиз ҳаёти ва ижоди билан таништириш; Ҳадисларнинг тарбиявий аҳамиятини кенг ёритиш; тасаввуф таълимотини такомиллаштиришда ҳамюртларимиз ижодини баён этишдан иборат.

5-дан, ҳозирги даврда мустақил мамлакатимизда виждон эркинлигининг тўлиқ қафолатланганлигини исботлаб беришдан, исломдаги реал қадриятларни тиклаш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларни тавсифлашдан нихоят, миллий ва диний қадриятларнинг соғлом авлодни, жумладан талабаларни камол топтиришга бағишлашдан уларда илмий дунёқарашни шакллантиришдан иборат.

Жамият шаклланишининг дастлабки даврларида пайдо бўлган дин халқлар ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ривожланган, мослашган, секин-аста диний тизимни вужудга келтирган. Натижада муайян ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, тарбиявий вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олган. Бундай вазифалар жамият тараққиётининг юқори босқичларида айниқса яққол кўзга ташланиб муайян қолипга тушиб, ҳар бири махсус қоида, ғоя, мафкура, дастур системасига айланган.

Биринчидан, ҳар қандай дин ўз динидагилар учун тўлдирувчи, овутувчи (компенсаторлик) вазифасини бажаради. Масалан, инсонда диний эҳтиёж ҳосил бўлишини олиб қарайлик. У ўз ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан бўлган муносабатлари жараёнида шахсий ва ижтимоий эҳтиёж, мақсадларга етишиши қийин, иложсиз бўлиб кўринганда бундай маънавий эҳтиёж вужудга келган. Чунки инсон ҳаётида қувончли ёки ташвишли онларда, орзулар рўёбга чиқиши иложсиз бўлган пайтда инсониятнинг динга эҳтиёжи жамият бўлиб яшаш талабларида бошланган; дин бу ўринда маънавий эҳтиёжни қондирувчи, тасалли берувчилик вазифасини бажарган. Ҳозир ҳам хожатманд диндорлар учун шундай.

Иккинчидан, динлар ўз таълимот тизимини вужудга келтириб, унга эътиқод қилувчи шахс ва жамоани шу таълимот доирасида сақлашга ҳаракат қилади. Буни динларнинг бирлаштирувчилик (интегративлик) функцияси дейилади. Бунда дин муайян ижтимоий, этник ва маънавий ҳаётнинг ўз таъсири доирасида бўлишини кўзда тутди. Масалан, ислом ўтмишда Марказий Осиё халқларининг ижтимоий ҳаётига, ахлоқий муносабатларига, ҳаттоки адабиёт ва санъатига ўз таъсирини кўрсатган. Булар орқали элат ва халқларда турли хил бирлаштирувчи муносабатлар қарор топган.

Учинчидан, дин диндорлар ҳаётини тартибга солиш, назорат қилиш (регулятивлик) функциясини ҳам бажаради. Ҳар қандай динларнинг муайян урф-одат, маросим ва байрамлари бўлиб, уларни ўз вақтида, диний таълим ва талаб асосида бажарилиши шарт қилиб қўйилади.

Тўртинчидан, дин диндорларнинг бирлигини, жамият билан шахснинг ўзаро алоқасини таъминловчи хусусият - алоқа боғлашлик вазифасига ҳам эгадир. Бунда конкрет бир динга эътиқод қилувчи киши шу диндаги бошқа кишилар билан боғлиқ бўлиши, урф-одат ва ибодатларни жамоа бўлиб адо этиш кўзда тутилади. Черков, мачит ва диний ташкилотлар диннинг бу функциясини амалга оширишга кўмаклашади, айти пайтда, бу ҳолатни назорат қилади.

Бешинчидан дин (иегитимловчилик) қонунлаштирувчилик функциясини бажаради, Диннинг бу функцияси назарий асосини йирик америкалик социолог

Т.Парсонс ишлаб чиқди. Унинг фикрича, «ҳар қандай ижтимоий система муайян чекловларсиз мавжуд бўла олмайди. Бунинг учун у қонун даражасига кўтарилган ахлоқ нормаларини ишлаб чиқиши керак. Дин бундай нормаларни қонунлаштирибгина қолмай, уларга бўлган муносабатни ҳам белгилайди».

Булардан ташқари дин функцияларининг фалсафий, назарий жихатлари бор ҳам бўлиб, булар инсоннинг яшашдан мақсади, ҳаётининг маъноси, динда дорилфано (ўткинчи), дорулбақо (абадий) деб тавсифланадиган дунё ҳақидаги масалаларига ўз муносабатини билдиришдан иборат. Динлар тарихида сиёсий функцияга ҳам эга бўлган; ҳозир деярли барча динлар бундай функцияни бажармайди ёки бу функция сезиларли эмас. Бироқ ҳозир диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга уринишлар айниқса ваҳҳобийларда авж олган.

Ҳар қандай диннинг конкрет тарихий шароитда бажарадиган функциялари йиғиндиси унинг ижтимоий ролини белгилайди. Диннинг ижтимоий ҳаётга таъсири ҳамма вақт ҳам бир хил бўлган эмас. У вақтга, ўринга, шароитга қараб сезиларли даражада ўзгариб боради.

“Диншунослик” курсининг амалий аҳамияти, олий мактаб талабаларининг шу соҳадаги билим доираларини кенгайтириш, уларни қизиқтирган масалалар юзасидан эркин фикр юритиш ҳамда илмий ва диний таълимотларни ҳозирги фанлар ва талаблар нуктаи назаридан туриб ўрганишдан иборат.

Фалсафанинг бошқа таркибий қисмлари каби “Диншунослик асослари” ҳам дунёқараш билан боғлиқ масалаларни ечиб беришга қаратилган. Бунда у фан-техника тараққиётининг улкан ютуқларига, олам ва унинг ривожланиш қонуниятларига суянади.

“Диншунослик” ўзининг ўрганиш ва илмий текшириш объектига эга. У диннинг пайдо бўлиши, ижтимоий моҳияти ва жамиятдаги ролини тадқиқ қилиш билан бирга диний эътиқодларнинг пайдо бўлиши ва яшаши, уларнинг жамият тараққиётидаги эволюциясини илмий жихатдан ўрганади. “Диншунослик” курсининг вазифаси динни фалсафий, табиий-илмий, тарихий ва психологик нуктаи назарлардан ҳар томонлама таҳлил қилишдан ва бу таҳлил берган далилларни умумлаштиришдан иборат. Илмий фалсафа диннинг моҳиятини, унинг ижтимоий, гносеологик ва психологик илдизларини очиб беради; диний қарашлар ва тасаввурларни тарихий нуктаи назардан тавсифлайди, баҳолайди. “Диншунослик” предмети табиий-илмий, инсоншунослик ва ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро узвий боғлиқликда ривожланади. Унинг этика, эстетика, тарих, этнография, археология, психология, хурфикрлилик ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан мустахкам боғлиқлиги диншунослик назариясини бойитади.

“Диншунослик” курсининг Ўзбекистон халқлари тарихи билан узвий боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Зеро Марказий Осиё халқларининг тарихи умуман дин, хусусан ислом тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, фан ва маданият тарихий тараққиётида кейинги минг йилликда ислом таълимотининг таъсири кучли бўлган. Ўзбекистон халқлари тарихи предмети қадимги замонлардан ҳозирги давргача жамият тараққиётидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланиш босқичларини ўрганса, бу жараённинг барча жихатларида мавжуд динларнинг аралашуви, ёхуд кучли таъсири бўлган. Хусусан, Марказий Осиё халқлари ҳаётида исломнинг кириб келиши ва ҳукмрон мафкурага айланиши бу халқлар тарихида катта из қолдирган.

Олий мактаб талабалари учун янги ўқув предмети сифатида ўқитилаётган Маданиятшунослик, маданият тарихи ва назарияси билан диншунослик асослари курси ўзаро узвий боғлиқдир. Чунки маданият тарихи билан дин тарихи бир-биридан ажралмаган, аксинча ўзаро таъсир ўтказиб келаётган жараёндир. Бу тарихий тараққиёт

ходисаларнинг объективлигини, ривожланиш қонуниятла-рини ўрганиш ҳар иккала ўқув предмети учун ҳам аҳамиятлидир. Бир-бирини тўлдирувчи Ўзбекистон халқлари тарихи билан “Диншунослик” ўқув предметлари ёшларни бу соҳадаги зарур билимлар билан қуроллантиради.

Психология фани тармоқлари мураккаб ҳодиса бўлган динни инсон руҳияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилган. Бунинг натижасида дин психологияси фани шаклланган ва ривожланган.

Муайян жамиятда диний таълимотни тарқалишидаги, унинг кишилар онига таъсир даражаси, ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётга таъсири ва ролини аниқлаш мақсадида социалогик тадқиқотлар ҳулосаларига мурожаат қилинади. Кейинги икки аср давомида динни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганувчи дин социалогияси ривожланди. Диннинг таърифи, тавсифи, таълимоти ва ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ўрганишда турли ёндашувлар мавжуд, масалан: 1) илоҳиёт фани жихатидан; 2) танқидий атеистик; 3) илмий нуқтаи назардан. Кишилиқ жамияти учун ҳар қайси ёндашув натижасида тўпланган илмий, амалий, тарихий, фалсафий маълумотлар жуда катта аҳамият касб этади.

Булардан ташқари диншуносликнинг дин антрапологияси, дин феноменологияси, дин этнологияси, дин тарихи, дин географияси, дин типалогияси каби соҳалари мавжудки, уларнинг ютуқларидан диншунослик фанини ўқитиш ва ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Дин турли мактаблар ва йўналишларга мансуб бўлган хорижий диншунослар ва файласуфларнинг диққат-эътиборида бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Масалан, даниялик файласуф ва психолог (руҳшунос) Жеймс бундай деб ёзган эди: “Диний тажриба моҳиятан диний ҳиссиёт бўлиб, у барча динлар ва ҳамма диний нуқтаи назарларнинг муҳим хусусиятларини ташкил этади. Барча тасаввурлар унга нисбатан бўйсунувчи ва шартлидир”. Жеймс “ҳиссиётни диннинг энг чуқур манбаи деб номлаб тўғри ҳисоблаган, фалсафий ва художўйлик кайфияти эса асл нусханинг бошқа тилга таржимаси сифатида иккиламчи устқурмадан бошқа нарса эмас” деб таъкидлаган эди. Бу фикрга асло қўшилиб бўлмайди.

Дунёвий диншунослик таълимотининг асосчилари ҳам диний онда ҳиссиёт, эътиқод ва тасаввурларнинг муҳим ўрин эгаллашини яхши англаганлар ва уни талқин этишнинг илмий принципларини белгилаб берганлар. Чунончи Плеханов диний ҳиссиётни диннинг зарур жихатлари деб ҳисоблаган эди. Унинг фикрича, ҳаётда яхшилиқ билан ёмонлик деб аталадиган “мангу муаммолар” мавжуд экан, одамлар ахлоқий камолотга интилиб, ана шу икки тушунча орасида гангиб қоладилар; бундай фурсатда диннинг моҳияти ўзининг юксак ахлоқий идеалларини намоён этади. Бироқ, бу ўринда ҳам қўрқув билан таъкиб этиб турган ахлоқийлик тушунчаси охиратдаги уйдирма ҳаёт тушунчаси билан қоришиб кетади.

Диннинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганишнинг илмий асослари дунёвий диншуносликда қуйидагича баён этилади:

1. Диний тушунчалар, таълимот ва тасаввурларнинг пайдо бўлишини изохлашда инсоният тараққиётининг шарт-шароитини ҳисобга олиш зарур.

2. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини, унга мос равишда ижтимоий, сиёсий муносабатларга асосланган ҳолда инсониятнинг маънавий камолотини, уларнинг ташқи дунё тўғрисидаги тасаввурларининг ва билимларининг даражасини яхши билиш керак.

3. Табиат сирлари олдида ибтидоий одам ожизлиги оқибатида ташқи дунё тўғрисида, унда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан нотўғри қарашлар, ғайритабиий ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларнинг туғилишига олиб келганлигини ҳисобга олиш лозим.

4. Мехнат тақсимотининг пайдо бўлиши асосида золимлик ва мазлумлик, бойлик ва қашшоқликнинг юзага келиши билан дин хукмрон синфларини ҳимоя қиладиган маънавий қуролга айланганлигини назарда тутиш керак.

5. Табиатшунослик илми далилларини, фан-техника ютуқларини ҳисобга олиш ва улардан табиат, жамият ва тафаккур сирларини тушунишда фойдаланиш лозим.

Бу илмий асослар билан бир қаторда диншунослик асосан табиатшуносликка суяниши керак деган ғояларни ҳисобга олиш диннинг пайдо бўлиш сабабларинигина эмас, балки унга бўлган муносабатни ҳам тўғри талқин этишда назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Диннинг пайдо бўлиши ва ривожланишини илмий асосларда ўрганиш яна:

- а) объективлик;
- б) конкрет-тарихий шароитни ҳисобга олиш;
- в) илмийлик;
- г) қиёсийлик;
- д) умуминсоний қадриятлар билан боғлиқлик, яъни ворисийлик;
- е) дин мавжудлигини, умуман ғносеологик, ижтимоий-иқтисодий ва психологик сабабларни ҳисобга олишни тақозо этади.

“Дин” тушунчаси ифода этган ижтимоий ходиса кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли жараён ифодасидир. Ундан ўтмишдаги ғоят оғир ва ҳозирги мураккаб шароитларда ҳар хил ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар турли мақсадлар йўлида фойдаланишга интиланлар.

Дин тушунчаси ўзбек тилига араб тилидан кириб келган бўлиб, ишонч, инонмоқ маъносини билдиради. Бизнинг фикримизча, дин реал воқеликдаги, ижтимоий ҳаётдаги нарса ва ходисаларни табиатдан, жамиятдан ташқарида мавжуд деб ҳисоблайдиган, уларни ўзига хос тарзда акс эттирадиган маънавий эътиқод ва амалнинг бир туридир. *Эътиқод* сўзи ҳам араб тилидан кириб келган бўлиб, чуқур, мустаҳкам ишонч маъносини англа-тади. Демак, диний эътиқод деганда мустаҳкам, чуқур ишонч, маслак, ишониш тушунилади. Илоҳиёт, яъни диний таълимот нуқтаи назардан “дин”, “диний эътиқод” тушунчалари табиат, жамият, инсон, унинг онги ҳаётнинг маъноси, мақсади ва тақдири уни бевосита қуршаб олган моддий оламдан ташқарида бўлган, айни замонда инсонларга бирдан-бир “тўғри”, “ҳақиқий”, “одил” ҳаёт йўлларини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий кучга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қарашлар, таълимотлар мажмуидан иборатдир.

Ислом нуқтаи назаридан дин “Аллоҳ йўли” дир. Диний иймон ва эътиқод эса шу йўлнинг тўғрилиги, ҳақлигига ишончдан иборат бўлган руҳий ҳолатдир.

Диндор ўз тасаввурида ўзининг тоат-ибодатга оид ҳаракатлари орқали илоҳий куч билан бевосита алоқа боғланиш ўрнатади. Дин муайян таълимотлар, хис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўлганлиги учун улар диннинг элементлари (қисмлари) деб аталади. Бу таркибий қисмлар бир-бирлари билан узвий боғлиқдир; диннинг мавжудлиги бу таркибий қисмларнинг ҳаммасини тақозо қилади. Диннинг таркибий қисмлари орасида диний онг, диний тасаввурлар етакчи ўрин эгаллайди. Бинобарин, диний маросимлар, диний психология, диний бирлашмалар эса диний тасаввурларни мустаҳкамлайди ва узоқ даврларда яшаши учун хизмат қилади.

Ибтидоий одамларнинг диний эътиқодлари тотемизм, анимизм, фетишизм, шомонлик, магия (сехргарлик) шаклларида тарқалган; уларнинг элементлари ҳозирги замон динларида ҳам учрайди.

2.Тотемизм - хиндлар тилидаги “О тотем” (унинг уруғи) деган сўздан келиб чиққан. Тотемизм ибтидоий ғоят содда диний эътиқоднинг бир тури бўлиб,

қадимги замондаги уруғ-қабила аъзоларининг муайян бир хайвон, ўсимлик билан ғайритабиий алоқаси, яқинлиги, қон қариндошлиги бўлган деб, бу хайвон ва ўсимликларни муқаддаслаштиришдан иборатдир. Тотемизмнинг муайян кишилар гуруҳининг табиат, бинобарин, ташқи муҳит билан боғлиқлигини ифодаловчи дастлабки шаклларида эди. Ҳар бир қабила ёки уруғ ўз шароитини ҳамда имкониятларини кўзда тутиб, баъзи хайвонларни овлар ва улар ҳақида етарли маълумотларга эга эди. Бундай хайвонларни яқиндан билиш уларнинг уруғ билан яқинлиги ёки қон-қариндошлиги бўлса керак, деган ўринсиз тасаввурни келтириб чиқарган. Натижада баъзи хайвон-лар, кейинчалик эса ўсимликнинг баъзи навлари ҳам муайян уруғ аъзоларининг аجدоди - тотемидир, деган нотўғри тасаввур шакл-ланишига олиб келган. Шу боисдан кейинчалик уруғ аъзолари тотемнинг “ёрдамига” кўз тикканлар, уни муқаддаслаштириб, ўз хомийлари деб ҳисобланганлар, сеҳр йўли билан унга таъсир қилишга уринганлар. Тотемга сажда қилинган, у ҳимоя қилинган, эъзозланган, уни отиб ўлдириш, истеъмол қилиш ман этилган. Фақат айрим ҳолларда, яъни тантанали кунларда тотем ҳисобланган хайвон ёки ўсимликни махсус расм-русмга риоя қилинган ҳолда истеъмол қилиш мумкин бўлган. Уруғ аъзоларида шундагина тотемнинг куч-қуввати кишиларга ўтади ва у келгусида ҳам уруғнинг хомийси бўлиб қолади деган ноўрин тасаввур бўлган.

Тотемизм эътиқодлари туб австрияликларда кенг сақланганлигини уларнинг уруғлари номларидан пайқаш мумкин. Улар уруғларни конкрет хайвонлар (кенгру, ок хўкиз, қора хўкиз каби ёки айрим ўсимликлар) номи билан атаганлар.

Тотемизмнинг элементларини ҳозирги динларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, ҳиндуизм динида фил, сигир, маймун, илон кабилар муқаддас хайвонлар ҳисобланган. Ўзбекларда қалдирғоч, мусича, лайлак, кўк қарғани муқаддас қушлар деб эъзозлаш ҳам тотемизмнинг кўринишларидан биридир. Марказий Осиё халқларида, шу жумладан ўзбекларда мучалга қараб вақт ҳисобини чиқариш тотем эътиқоди билан боғлиқдир. Масалан, ота-боболаримизда одамларнинг ёшини яъни туғилган кунидан бошлаб қанча яшаганлигини мучал орқали, муайян хайвон номлари билан аталган йил ҳисобидан келтириб чиқариш одати бўлган.

Мучал мўғил, хитой ва бутун туркий халқларда кенг тарқалган йил ҳисоби бўлиб, унда йил ойлари 12 хайвон номи билан аталади: сичқон (муш), мол (бақар), йўлбарс (паланг), қуён (ҳаргўшт), балиқ (наханг), илон (мор), от (асп) қўй (гўсфанд), маймун (ҳамдуна), товуқ (мурғ), ит (сак), тўнғиз (хўк) шулар жумласига киритилган.

Халқимизда, айниқса мусулмонларда тотемнинг элементларидан бўлган мучалга эътиқод қилиш хали ҳам қисман давом этмоқда.

Динлардаги, чунончи исломдаги айрим хайвонларнинг гўшт-ларини ҳаром ҳисоблаб, ейиш ман этилиши ҳам тотемизм унсур-ларидандир.

3. Анимизм-(лотинча-анимус-жон, руҳ демакдир) қадимги замон динларидан бири, киши руҳининг мавжудлигига ишонишдан иборат. Анимизм табиатдаги буюмларни илоҳийлаштиради, ҳар бир жисмда руҳ бор, танадан ташқарида ҳам жон бор, деб ҳисобланади.

Анимистик тасаввурлар барча халқлар тарихидаги динларда жон ва руҳ ҳақидаги тушунчаларнинг шаклланишида маълум рол ўйнаб келган. Анимизм ҳар бир кишида унинг ҳаёти ва онгининг манбаи бўлган жон бор, деб талқин қилган. Дастлабки анимистик тасаввур жонни соя ёки нафас билан айнан, деб билар эди. Масалан, Шимолий Америка халқларида соя билан жон, қадимги арабларда жон билан қон, Гренландияда эса нафас олиш билан жон битта ном билан аталади. Анимизм одамда олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш, предмет ва ҳодисалар хусусиятларини чуқур ўрганиш, жон ва руҳларнинг тирик одамлар сингари қобилиятга эга деган фикрлар пайдо бўлиши муносабати билан таркиб топган. Шу даврда жоннинг гўё

ўлмаслиги ҳақидаги тасаввур пайдо бўлган. Чунки қадимги одамлар ўз таналарининг тузилиши тўғрисида тўлиқ бир тушунчага эга бўлмай, ҳаттоки уйқу ва туш кўришининг сабабларини ҳам изохлай олмаганлар. Шундан сўнг ибтидоий одамлар инсон танасини бошқарадиган қандайдир алоҳида бир куч бўлиб, одам ўлгандан сўнг у куч, яъни жон танадан чиқиб кетади деган тасаввур ҳосил бўлган. Натижада жоннинг танани тарқатгандан кейинги фаолияти қандай кечиши ҳақида ўйлай бошлаганлар. Ибтидоий одамлар ўзларини табиатдан ажратиб қўймаганлар. Шунинг учун улар ўзлари билан бир қаторда ҳайвон, ўсимлик, ҳатто меҳнат қуроллари, кейинчалик, сув, ўрмон, момақалдиروқ ва бошқаларда ҳам жон бор, деган тасаввурларни келтириб чиқарганлар. Буни фанда гилозоизм деб атайдилар.

Жон ва руҳларга ишониш барча динларга хосдир. Диндорларнинг фикрича, жон барча кишиларда бўлиб, ҳудуд энг олий руҳ ҳисобланади. Фаришта, шайтон кабилар ҳақидаги тасаввурлар ўз моҳиятига кўра мураккаблаштирилган анимизмдир. Одам ўлгандан сўнг танадан чиқиб кетадиган жон бор, деган тасаввур чуқурлаша борган. Демак, одам ўлганда жон чиқиб кетиб, яшай берар экан, унинг ўзи абадий яшайди деган тушунча пайдо бўлган. Абадий руҳ тўғрисидаги тасаввур ана шу йўсинда шаклланган. Руҳларга ишониш арвоҳларга ишонишни келтириб чиқарган.

Жон ва руҳларнинг ўлмаслиги ҳақидаги қадимий анимистик тасаввурларнинг элементлари ҳозирги барча динларда сақланиб қолмоқда. Масалан, диндорлар тасаввурларида ўлган кишиларнинг арвоҳини йўқлаш, уларни тирик одамлар сингари ҳамма нарсадан хабардор, деб тушуниш мавжуд. Шу туфайли жон ва руҳларга атаб қурбонлик, хайр-худойи қилиш, садақа бериш одатлари ҳамон учраб туради. Баъзан мурдани кийимлари билан дафн этиш, ёнига сув, овқатлар қўйиш одатлари ҳам анимизмнинг кўринишидир. Ўзбекларда арвоҳлар ҳақидаги тасаввурлар, уларни эслаб пайшанба оқшоми арафасида чироқ ёқиш, қабрстонларга бориб Қуръон сураларидан ўқиш анимизмга бўлган эътиқоднинг шакллари.

Шомонизм - ибтидоий жамоа тузуми емирилиши даврида пайдо бўлган анимистик эътиқод ва ибодатнинг кенг доирасига кирадиган қадимги диний эътиқодлардан бири. Унинг ўзига хос хусусияти - кишилар орасида гўё турли руҳлар билан муносабатда бўла оладиган шомонлар қобилиятига ишонишдир. Шомонларга, шунингдек, келажакни олдин айтиб бериш, касални даволаш, ўлганларни охиратга узатиш, табиатда хоҳлаганча ўзгартишлар қилиш каби хусусиятлар ўринсиз тақалади. Ўтмишда шомонларнинг руҳ билан алоқаси шомон дўмбираси ёки мўъжизавий мусиқа ижросида турли расм-русумларни бажариш жараёнида жазаваси тутиб, ҳолдан тойганча бажарилган. Шомонизм ўтмиш динлар сарқити сифатида баъзи ҳолларда учраб туради.

Магия (сеҳргарлик)-инсонга, ҳайвонга ёки табиат ҳодисаларига ғайритабиий йўл билан таъсир кўрсатиш мақсадида бажариладиган ҳатти-ҳаракатдир.

Сеҳргарлик ҳаракатининг шакллари турлича бўлиб, улар турмушнинг ҳар хил соҳаларида қўлланилган. Муҳаббат магияси, даволаш магияси, ишлаб чиқариш магияси, душманни енгиш магияси каби сеҳргарлик ибодат ва ҳаракатлар анча кенг тарқалган. Меҳнат билан боғлиқ бўлган магия ҳаракатлар ибтидоий одамлар ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаган, яъни улар тирикчиликка керак бўлган нарсаларни топишдан олдин шу буюм ёки ҳодисага боғлиқ бўлган магия ҳаракатларни бажарганлар.

Ибтидоий жамоа ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг даражаси, пастлиги, кишилар ҳаётининг уруғ ва қабила муносабатлари тор доираси билан чекланганлиги, табиат кучлари олдидаги ожизлик диннинг илк шаклларида ўз инъикосини топган. Бу ожизлик ибтидоий одамнинг содда, юзаки тасаввурларига асосланган сохта, сеҳргарлик усулларни қўлланишга мажбур этган. Ожизлик, қадимги одамларнинг ҳар доим мўъжизага ишониш билан ҳаёлдагина мақсадга эришишига мадад берган.

Ибтидоий динлардаги хаёлий инъикос махсули бўлган тоғ, сув, бўрон қуёш, момақалдиروқ худоси каби тасаввурлар турли-туман бўлсада, улар олий ва паст табақаларга ажратилган эмас. Бундай ажратиш синфий жамиятга ўтилгандан сўнг юз бера бошлади.

Жамият тараққиётига мос равишда ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам ўзгариб, ривожланиб борган. Ишлаб чиқаришни ташкил этувчи ва бошқарувчи кучлар-кишилар ҳам табақаланишда давом этган, дунёқарашлари кенгая борган.

5.Фетишизм-(фетиш-француз тилидаги “фетико”-ясалган тумор, бут, санам деган сўзлардан олинган) моддий буюмларда гўё ғайритабиий хусусиятлар борлигига ишониб, жонсиз нарсаларга сиғинишдир. Ибтидоий одам онгида ҳар хил моддий буюмлар - тоғ, ғоя тош, дарахт, кейинчалик турли хайвонларнинг суяги, пати, тумор, санам ва хоказоларда ғайритабиий кучлар бор, деган тасаввур пайдо бўлган. Ўзлари вужудга келтирган бундай уйдирма кучларга ўзлари сиғина бошлаганлар. Ибтидоий дин шаклларида бири бўлган фетишизм барча халқларда диний тасаввурлар шаклланиши билан узвий боғлиқдир.

Фетишизм политеистик (кўп худолик), хатто монотеистик (якка худолик) динларида ҳозиргача сақланиб келмоқда. Масалан, христианларда крестга (бутга) сиғиниш, исломга қадар даврда турли ўсимлик турларини-седана, кўзтикан, қалампирмунчоқ, аччиқ қалампир, исирик, чилонжийда, дарахтлардан-ёнғок, чинор, арча ва бошқалар муқаддаслаштирилиб, бошқа буюмларга, шу жумладан одамларга таъсири ёки ёрдами бўлиши мумкин деган асоссиз тасаввур пайдо бўлган. Бундай хусусиятни тоғ-тошларга, турли буюмларга ҳам хос деган ғайритабиий фикрлар шаклланган.

Фетишизм диний ибодатнинг ажралмас қисмидир. Ҳозирги вақтда баъзи соддадил, мутаассибларнинг турли тумор, кўзмунчоқ ва хоказоларни тақиб юришлари, “муқаддас” мазорларни зиёрат қилиши, дарахтларга латта-путталарни осилиши, исчиқариши шундай жисмларни илоҳийлаштириш, уларнинг уйдирма мўъжизавий кучига ишониш фетишизмнинг диний эътиқоддаги энг характерли кўриниши ва қолдиғидир.

3- мавзу: Миллий динлар

Режа

1. Миллий динлар.
- 2.Яҳудийликнинг вужудга келиши ва таълимоти.
- 3.Веда ва веда динлари.
- 4.Конфуцийлик.
- 5.Зардушт таълимоти.
- 6.Даосизм – фалсафий таълимот.

Яҳудийлик милoddан аввалги 2000 йилларнинг охирларида Фаластинда вужудга келган. Яккахудолик ғоясини тағриб қилган. Яҳудий сўзининг келиб чиқиши ҳақида турли қарашлар бор.

Яҳудий халқининг бир номи Бану Исроил бўлиб, *Исроил*-Яъқуб пайғамбарнинг иккинчи исми, бону-болалар маъносини беради, яъни-“Исроил авлодлари”.

Яҳудий халқига нисбатан ишлатиладиган яна бир атама *еврей* сўзи замонавий адабиётларда “яҳудий” сўзининг айнан таржимаси сифатида ишлатилади. Аммо икки сўзнинг этимологияси турлича: *еврей* қадимий сомиий тиллардаги *ибрий* сўзининг ўзгарган шаклидир. Ибрий сўзи (араб.абара-ябуру-кечиб ўтмоқ фелидан) “кесиb” ўтганлар маъносини беради. Тарихдан малумки – Яҳудий қабилалари Урдун дарёсини

кечиб ҳозирги Фаластин ҳудудига келганлар. Шунинг учун уларга ибрийлар номи берилган.

Библиянинг ибтидо қисмида яҳудийларнинг Нух пайғамбар ўғли Сом авлодларидан бўлган Ибрдан тарқалганлиги тўғрисида сўз юритилган. Балки шунинг учун уларнинг Ибрий ёки Иброний дейилган бўлиши мумкин.

Яҳудийлик таълимоти 4-асосга таянади.

2. Оламларни яратувчи ягона ҳудо- Яҳве га имон келтириш. Яҳудийлик таълимотига кўра Яҳве оламларни яратишни якшанбада бошлаб, жума куни тугатди, шанба куни эса дам олди ва Яҳудийларга ҳам дам олишни буюрди. Шунинг учун Яҳудийлик динида **шанба** куни улуғ кун ҳисобланади.

3. Яҳудийлар ер юзидаги халқларнинг “энг мумтози” ва у дунёда берилажак иномларнинг энг ҳақлиси эканлиги. Улар ўзларини Ҳудо томонидан сайланган муқаддас халқ эканлигини, Яҳудийнинг руҳи Ҳудонинг бир қисми ҳисобланишини даво қиладилар.

4. **Мессия**- ҳалоскорнинг келиши ҳақида. Унга кўра охир замонда Яҳве Яҳудийлар орасидан бир ҳалоскорни чиқаради ва у қуйидаги вазифаларни бажаради: 1. Дунёни ислоҳ қилган ҳолда қайтадан қуради. 2. Бутун Яҳудийларни Синион атрофида тўплайди. 3. Уларнинг барча душманларининг жазолайди.

5. Оҳират кунига ишониш. Яҳудийликда оҳират ҳақидаги тасаввурлар асосан Тальмутда баён этилган. Унга кўра Яҳвега чин эътиқод қилганлар оҳиратда мукофатланадилар.

Яҳудийлик таълимоти бўйича Мусо пайғамбар тур тоғида Яҳве билан учрашганда ягона Ҳудо томонидан 10 та лавҳа туширилган. Ушбу лавҳаларда мазкур дин асосини ташкил этган 10 та насиҳат бор.

1. Яҳве дан бошқани илоҳ деб билмаслик.
2. Бут ва расмларга сиғинмаслик.
3. Бекордан бекорга Ҳудо номи билан қасам ичмаслик
4. Шунба кунини ҳурмат қилиш ва Ҳудо учун бағишлаш.
5. Ота-Онани ҳурмат қилиш.
6. Ноҳақ одам ўлдирмаслик.
7. Зино қилмаслик.
8. Ўғирлик қилмаслик.
9. Ёлғон гувоҳлик бермаслик.
10. Бировнинг мулкига кўз олайтирмаслик.

Таврот. Мусога тегишли бўлган 5 китоб Таврот деб аталади ва қуйидагиларга бўлинади:

Борлиқ.
Чиқиш
Левит.
Сонлар.
Иккинчи қонун.

Борлиқ мил.ав. 1400 йилларда Ҳудонинг буйруғига кўра Мусо пайғамбар таъмонидан ёзилган. Унда Ҳудо оламни қай йўсинда яратгани, одамзотнинг гуноҳга ботгани бунинг натижасида оламга азоб ва ўлим келиши ҳақида хабар берилади. Шунингдек унда дунёдаги халқларнинг вужудга келиши ва жаҳонга тарқалиши баён қилинган.

Чиқиш китобида Мусо пайғамбарнинг туғилиши ҳаёти Миср Фравн тамонидан қаттиқ зулмга тортилган Яҳудийларни Яҳве амри билан ҳалос қилгани унга тур тоғида Яҳве тамонидан 10 та васиятнинг берилиши ҳақидаги ривоятлар келади.

Левит китоби турли-туман, урф-одатлар ва диний маъросимларга оид кўрсатмаларнинг ўз ичига олган. Унда қурбонлик ҳақида сўз юритилиб, Худо йўлига ҳайвонни қурбон қилиш баён қилинган.

Сонлар китобига кўра Яхудий халқининг Мусо пайғамбар бошчилигидаги мисрдан чиқишининг иккинчи куни уларга уришга яроқли барча эркакларни ҳисобини олишга буюрди. Бу китобда Мусо пайғамбар раҳбарлигида Яхудийларнинг қабила, уруғ авлодлар бўйича асосий намоёндалар номлари санаб ўтилган.

Иккинчи қонун қонун китоби 34 бобдан иборат. 27,31,34 боблардан ташқари қолган қисмлар биринчи шоҳ номидан ёзилган. Библияда келтирилган ривоятга кўра биринчи авлиё Ҳилкира номи билан Иосия подшоҳлигининг 18-йилида яни мил.ав 621 йилда Қуддус ибодатхонасида қонун китобини топган.

Яхудийликдаги оқимлар. Яхудийликдаги оқимлар ҳақида сўз юритганда уларни қадимий оқимлар ва замонавий оқимларга бўлиш керак. Қадимий оқимларга Садуқийлар, Фарзийлар, Ессейлар киради. Замонавий оқимларга эса Сионизим киради.

Садуқий номи Подшоҳ Довуд пайғамбар даврида яшаган руҳоний Садуқ исми билан боғлиқ. Кўплаб мансабдор руҳонийлар Садуқий бўлганлар. Қонунда руҳонийлар, қурбонликлар, ибодатлар ҳақида сўз боради лекин охират ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Фарзий номи қадимий Яхудий тилидаги тушунтириш сўзидан олинган бўлиб улар Мусонинг қонунини шарҳлаганлар ва оддий одамларга ўргатганлар. Фарзийлар Мусо томонидан бери оғзаки анана давом этиб келяпти деб ҳисоблайдилар.

Сионизм бу оқимнинг мақсади Яхудийларнинг Худо томонидан танлаган мумтоз халқ эканини тарғиб этиш ва уларнинг ўзлари яшаб турган турли ўлкалардан чиқиб Фаластинда миллий бирлашишга эришишдир. Сионизм жаҳон Яхудий миллати олий миллат каби ғояларни илгари суради.

Яхудийларнинг маросимлари ва байрамлари. Яхудийларнинг йиллик байрамлари ичида энг этиборлиси **Пасха** байрамидир. Бу байрам Ҳристианларникидан фарқли ўлароқ Яхудийларнинг мисрдаги қулликдан қутилиб чиққанлари билан нишонланади. Қадимий яхудийларда **пасха** деб кўзичоқ гўшти билан шаропдан иборат кечки овқат айтилган.

Яхудийлар Пасха байрамидан кейинги 7-кун давомида тузсиз, ҳамуртуришсиз патир Маца танавул этадилар. Мацани танавул қилиш билан ҳар бир Яхудий Мусо бошчилигидаги ўз ота боболарининг чеккан машақатларини ҳис этадилар. Бу байрам яхудийларнинг қуёш-ой календари бўйича нисон ойининг 14 куни нишонланади (бу сана апрел ойининг ўрталарига тўғри келади).

Пасхадан кейинги 50-куни яхудийлар **Шабуот** ёки **Шевуот** байрамни нишонлайдилар. Бу байрам дастлаб деҳқончилик байрами бўлиб, кейинчалик Синай тоғида Мусога Худо тамонидан Торанинг берилишини нишонлаб ўтказиладиган байрамга айланган. У Яхудийлар календари бўйича Сивана ойининг 6 – 7 кунлари нишонланади.

Кузда Яхудий календаридagi тишрий ойининг 1-2 кунлари янги яил байрами **Рош Ашона** нишонланади. Бу байрам яхудийлар учун покланиш байрами ҳисобланади. Улар қурбонлик қилинган кўчқор шохидан ясалган сурнайларни чаладилар, чўнтақларини тўнтариб яхшилаб қоқадилар.

Тишрий ойининг 9- куни гуноҳлардан покланиш байрами Йомкипур нишонланади. **Рош Ашона** ва **Йомкипур** байрамлар ўртасида рўза тутадилар. Рўза кунлари ювинмайдилар эску туски кийимлар кийиб йиғлаб тавба қиладилар

Пурим байрами Яхудий байрамларнинг ичида энг қувноғи ҳисобланади. Бу байрам Яхудийларнинг **Ҳомом** зулмидан қутилганликлари шарафига боҳорда нишонланади. Уларнинг ҳамондан ўз амакиси Мўрдихай тарбиялаган Эсфир исмли

қизча қутқарган. Шнинг учун бу куни Яхудийлар “Тамонга ланатлар бўлсин” “Мўрдихайга Худонинг раҳматлари” ёғилсин.

2 *Ведизм*. Мил. ав. иккинчи минг йиллик ўрталарида Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмига, ҳозирги Панжоб ҳудудига ғарбдан Ҳиндикуш довони орқали ўзларини **орийлар** деб аталган жангари халқлар бостириб кела бошладилар. Бу халқлар Эронга кўчиб келган кўшни қабила тилларига жуда яқин бўлган, ҳинд-европа тилларидан келиб чиққан тилда гаплашар эдилар. Ҳарбий жиҳатдан катта маҳоратга эга бўлишлари билан бирга шеърятга ҳам уста эдилар. Шу йўл билан улар бу минтақада мавжуд дунёқарашни ўзлари хоҳлаган тарафга ўзгартира олардилар. Улар ўзлари билан муқаддас ёзувлари – Ведалар (санскр. – *муқаддас билим*)ни ҳам олиб келган эдилар.

Ҳинд адабиёти жуда бой, уч ярим минг йилдан ортиқ тарихга эга. Вақт ўтиши билан ундан анчагина қисми умуман йўқолиб кетди. Аммо бу адабиётнинг бошланиши Ведалардир. Бу бошланиш бўш, саёз бўлмай, аксинча, жуда ҳам пухта ва ажойиб эди. У кейинчалик ўз ўрнида катта дарёлар пайдо бўлган кичик ирмоқни эмас, балки улкан денгизни эслатади. У доимо асос-манба бўлиб қолаверади. Албатта, Ригведадан олдин қандайдир бошланиш бўлган бўлиши мумкин. Лекин биз бу ҳақда ҳеч нарса билмаймиз. Ригведа ўз соҳасида нафақат энг кўзга кўринган китоб, балки Ҳиндистоннинг ўша давр воқеалари ҳақида хабар берувчи ноёб манба ҳамдир.

Ведалар таркибига турли даврларда ёзилган бир неча китоблар кирган бўлиб, улар ўз ичига ибодат, маросимлар, фалсафий таълимотлар, тарихий хабарларни олган эди. Ведалар тўрт йирик тўпламдан иборат:

- 1.Ригведа («мадҳиялар ведаси»);
- 2.Самаведа («қўшиқлар ведаси»);
- 3.Яжурведа («қурбонликлар ведаси»);
- 4.Атхарваведа («афсун ва жодулар ведаси»).

Ригведа. Ригведанинг қадимий ҳиндлар маданиятида шунингдек, умумҳинд-европа маданиятидаги ўрнини тушуниш учун китобнинг асли пайдо бўлиш тарихига назар солиш лозим. *Орий* қабилаларининг кўчиб келишлари кўп асрларга чўзилган ва жуда кенг микёсни қамраб олган узоқ жараён бўлган. Ригведада бу қабилаларнинг Ҳиндистонга кўчиб келишларидан олдинги ҳаракатлари ҳақида аниқ эсдаликлар учрамайди. Аммо *орийлар* бу ерда биринчи пайдо бўлганларида уларда фақатгина жанг аравалари эмас, балки худоларга айтилган, уларнинг жанговор руҳини қўллаб қувватлаган, уларнинг душман устидан ғалаба қилишлари, шон-шухрат, бойлик, эркак авлод қолдириш, тараққий этиш учун бўлган интилишларини акс эттирган мадҳиялар ҳам бор эди. Бу мадҳиялар руҳоний оилаларида оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга узатилди. Ригведада зардуштийликнинг муқаддас китоби Авесто билан жуда ҳамоҳанг афсона ва маросимлар бор. Баъзи ноаниқ афсонавий шахслар бу икки манбани бири-бири билан қиёслаш ёрдамида аён бўлади.

Ригведа ягона асар, тўплам сифатида Ҳиндистон ҳудудида, асосан, Панжобда, Ҳинд дарёси ҳавзасида мужассам бўлди. Ҳиндистон тарихи бўйича қадимий сана ҳисобланмиш мил. ав. VI аср буддизмнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ведалар эса ундан анча аввал қайд этилган. Шундай қилиб, Ригведа Шимолий Ҳиндистонда мил. ав. иккинчи-биринчи минг йилликларда юз берган воқеалар ҳақида маълумот берувчи ягона манба бўлиб қолмоқда. Бу ёдгорлик жуда ноёб бўлганлиги сабабли у фақат ўзини-ўзи шарҳлайди.

Веда – «муқаддас билим», Ригведа – «мадҳиялар ведаси» маъноларини беради. Веда ўша даврда яшаган инсоннинг ўзи ва уни ўраб турган олам: худолар, жин-шайтонлар, фазо, маросимлар, ижтимоий тузум, миллий қадриятлар ва бошқалар

ҳақидаги билимнинг барчасини ўз ичига олади. Ригведа худоларга айтилган мадҳияларнинг тўплами, яъни, диний ёдгорлик бўлиб, унинг муаллифлари, *риши* куйловчиларнинг асосий вазифалари худоларни *орийлар* томонига оғдириш бўлган. Улар мадҳияларни куйлаб худоларни мактаганлар, уларнинг қаҳрамонлик ва шарафларини улуғлаганлар, уларни қурбонлик келтириш маросимларига таклиф этганлар ва шундан сўнг улардан *орийлар*ни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳаёт фароғатларини ато этишларини сўраганлар. Худоларга таъсир этишнинг энг асосий йўли – уларга мадҳия айтиш бўлган. Ригведа қадимги юнон дostonлари «Илиада» ва «Одиссея»нинг биргаликдаги умумий ҳажмига тенг келади.

Самаведа. Бошқа ведалар орасида Ригведага кўпроқ боғлиқ бўлгани бу Самаведадир. У ҳозирги даврга икки таҳрирда етиб келган (çākṁhā айнан. шаҳобча): Каутхума (Kauthuma) ва Ранаяния (Rānāyāniya). Каутхума тўплами 1810 шеърдан иборат бўлиб, ундан фақатгина 76 таси Ригведада учрамайди. Ундаги шеърлар, асосан, Ригведанинг VIII ва IX мандаласидан олинган бўлиб, тантанали қурбонлик маросими пайтида ўқилади. Тўплам икки қисмдан иборат: биринчи кичикроқ бўлган ҳажми Агни, Индра илоҳиятларига, иккинчиси Сомага қурбонлик келтириш маросимида айтиладиган қўшиқлардан иборат. Шеърлар орасида ички боғлиқлик бўлмай, уларнинг тартиби маросимларнинг боришига қараб белгиланган. Бу шеърлар оҳанг билан қўшиқ тарзида айтиш учун мўлжалланган. Ушбу веданинг мақсади диний маросимларда айтиладиган қўшиқларни ўргатишдан иборат. Ҳиндистонда ҳозиргача ведаларни куйга солиб куйловчилар – *самавединалар* сақланган бўлиб, уларнинг турли мактаблари мавжуд. Кейинги пайтларда қадимий мусиқий анъананинг давоми деб даъво қилинаётган замонавий ижро санъатини ўрганиш бўйича кўп ишлар қилинди.

Яжурведа қолган ведалардан фарқли ўлароқ, тўлалигича *шраута* (қурбонлик маросими) билан боғлиқ. Унинг асосий қисмини қурбонлик усуллари – *яжус* ташкил қилади. Мазкур яжуслар маросимнинг маълум бўлимларида ижро этилиб, бу шеърларни маросимнинг боришидан келиб чиқиб тушуниш мумкин.

Яжурведанинг матни турли маросим ўтказувчи брахманлар мактаблари томонидан таҳрир қилинган шаклларга эга. Улардан Яжурведанинг асл нусхасини ажратиб олиш жуда қийин, аммо улардаги умумий жиҳатларни аниқлаш мумкин: тўлин ойли тунда, янги ой чиққанда, Агни учун ўтказиладиган қурбонлик маросимлари.

Ҳинд анъанасига кўра веданинг бу мактаблари Қора ва Оқ Яжурведага бўлинган. Қора Яжурведанинг турли мактабларга хос бўлган Катхака, Капиштхала-Катха, Майтрайани, Тайттирия каби таҳрирлари мавжуд. Унинг «қора» деб аталишига сабаб унда шеърӣ яжус ва мантралардан ташқари насрий изоҳлар – *брахмана* қисмини ўз ичига олганлигидир. Оқ Яжурведанинг Вajasанейи номли биргина таҳрири бор. Унинг фақат яжус ва мантралардан иборат бўлиб, насрий изоҳлардан холи бўлганлиги учун «соф, оқ» деб аталади.

Яжурведанинг таркиби уч асосий босқични ташкил этади.

- | | |
|------|-------------------------|
| I. | Маросим. |
| II. | II. Яжус ва мантралар. |
| III. | III. Брахмана шарҳлари. |

Атхарваведа мил. ав. 1-минг йилликлар бошларига бориб тақаладиган қадимий ҳинд афсунларини ўзида акс эттирган. У бошқа ведалардан мазмун ва моҳият жиҳатдан фарқли ўлароқ, ўзининг қадимий ҳинд жамиятида мавжуд бўлган барча тарафларни, нуқсон ва камчиликларни ўзида акс эттирган.

Атхарваведа «Афсунлар ва жодулар ведаси» деган маъноларни англатади. У афсонавий руҳоний Атхарвана («Олов руҳонийси») номи билан боғлиқ. Бунга сабаб ўша даврда афсун ва жодулар олов устида бажарилганлигидир.

Даставвал веданинг уч тури мавжуд бўлган: Ригведа («Мадҳиялар ведаси»), Яжурведа («қурбонлик услублари ведаси»), Самаведа («қўшиқлар ведаси»). Бу уч веда ҳам худоларнинг абадийлигини таъминловчи ичимлик тайёрланадиган *сома* ўсимлигига бағишланган қурбонлик маросимлари билан боғлиқ. Ҳинд анъанасига кўра бу маросим «шраута» деб аталади. Атхарваведада веда дини руҳонийларининг асосий ибодати ҳисобланган Сомага қурбонлик қилишга умуман эътибор қаратилмаган. Шунинг учун ҳам у юқоридаги уч ведага эътиқод қилувчилар томонидан тан олинмаган. У оила атрофида марказлашган маросимлар билан кўпроқ боғлиқ. Шундай қилиб, Атхарваведа ўзидан аввалги учта ведадан ўз маросимларининг негиз ва моҳияти билан фаркланади. Унинг асосида узок ўтмишга бориб тақаладиган халқ сеҳргарлик маросимлари ётади.

Атхарваведанинг қачон пайдо бўлганлиги масаласи аниқликдан анча йироқ. У энг қадимий ҳисобланмиш Ригведадан анча кейин яратилган.

Атхарваведа олти минг шеърдан иборат 371 мадҳияни ўз ичига олади. Улар 20 та китобда жамланган.

Ведалар таълимоти. Ведаларда бутун табиатнинг илоҳийлиги ҳақидаги таълимот илгари сурилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ҳиндистон кўпхудоликнинг ўчоғи ҳисобланади. Ундаги тасаввурларда қатор бири иккинчисидан юқори бўлган, иккинчиси, аксинча, пастроқ бўлган илоҳиятлар сиймоси намоён бўлади. Бироқ, бу даражалар тўхтовсиз алмашиб туради. Илоҳиятлар орасида «энг улуғи, энг кичиги, энг қариси, энг ёши» бўлмай, улар барчаси улуғликда тенгдир. Энг юқори ҳокимият ҳам кўпчиликка тегишли. Бир вақтнинг ўзида бир худо бутун борлиқнинг ҳукмдори бўлиши ва шу билан бирга у иккинчи бир худога тобе бўлиши мумкин. Масалан, Индра ва барча худолар Варунага тобе бўлган бир пайтда, Варуна ва бошқа барча худолар Индрага бўйсундилар. Худди шу муносабат бошқа худоларга ҳам тегишли. Бу белги веда илоҳиётига ҳам хосдир.

Веда худолари. Ведаларда худолар – осмон худолари, қуёш худолари, ҳаво худолари, ер худолари, аёл худолар каби худолар тоифаси ҳақида мадҳиялар баён этилган.

Осмон худолари. Улар сирасига Дяус, Варуна, Индра каби турли осмонларни бошқариб турувчи худолар киради. Бироқ, Варуна кейинчалик сув ва денгизлар худосига айланиб кетган.

Қуёш худолари. Ригведада қуёш энергиясининг турлича намоён бўлишидан беш худо юзага келганлиги ҳақида сўз юритилган. Уларнинг энг қадимийси Митра («дўст») дир. Суря қуёшнинг ёрқинроқ намоён бўлган кўринишидир. У юнонлардаги Аполлон каби етти от бириктирилган ғилдиракли араваларда тасвирланган. Савитри эса қуёшнинг қувват берувчи кучида намоён бўлади. Пушан мурувватли ҳисобланиб, қуёшнинг маҳсулдорлик фаолиятни ўзида намоён қилади. Уларнинг яна бири Вишну ведаларда зикр қилинган ва кейинчалик унут бўлиб кетган худолар орасида абадий ҳисобланган, ҳозирги пайтда бутун Ҳиндистонда улуғланади.

Ҳаво худолари. Улардан ташқари бу худолар қаторига Ашвина ва Савитар номи билан аталувчи икки тонг худоси ҳам қўшилади.

Уларнинг бошида осмон подшоси ва орийларнинг миллий худоси Индра туради. У аввало иккита сариқ отга қўшилган ғилдиракли аравада турувчи жанг худосидир. У орийлар уруғининг етук сардори рамзидир. Даставвал, Индра Ҳинд анъаналарида чакмоқ худоси сифатида намоён бўлган. Бироқ, босқинчилар томонидан кўп йиллар давомида олиб борилган урушлар уни уруш худосига айлантирди. Ёмғир худоси Панжания, шамол худоси Вайюлар ведаларда аниқ тасвирланмаган. Улар тез-тез Индра билан умумлашган ҳолда тасвирланади. Улардан яна бири Рудна бўлиб, одамларнинг

унга нисбатан чексиз қўрқувлари уларни доимий равишда Руднага бағишлаб мадҳия ва дуолар ўқишга ундаган. У Ригведада Шива («ёқимли») номи билан зикр этилади. Кейинчалик, Шива Вишну билан биргаликда «икки худо» сифатида унутилган Ҳиндистон худолари туркуми ўрнини эгаллади.

Ер худолари. Ер худоларининг энг улуғи ерда қуёшнинг, ҳавода чакмоқнинг, ер устида оловнинг мужассамлашуви ҳисобланган олов худоси Агнидир. Агни ҳақидаги афсоналар Ҳиндистондан ташқарида вужудга келган. У одамларнинг қурбонликларини худоларга етказувчи руҳоний сифатида тасаввур қилинган. Бирор қурбонлик унинг воситасисиз худоларга етиб бормади деб ҳисобланган.

Аёл худолар қаторига тонг ва тонг нури маъбудаси Ушас, дарё худоси Сарасватилар кирган. Сарасвати кейинчалик брахманизмда сўз худоси сифатида тасвирланган.

Веда ибодатлари. Веда ибодатлари икки турга бўлинади. Биринчиси, дуолар, иккинчиси худоларга атаб қилинадиган қурбонликлар ёки бошқа бир нарсаларни тақдим қилишдан иборат. Даставвал дуо китоблари бўлмаган пайтда ибодатлар фақат қурбонликлар шаклида амалга оширилган. Унда маъбудларга қуйдирилган мой, нон, ва ниҳоят, сув ёки сут билан аралаштирилган сома ичимлиги тортилган. Шунингдек, ҳайвонлар (масалан, от) ҳам қурбонлик қилинган. Вақт ўтиши билан бу маросимлар мураккаблашиб борган. Қурбонлик банда билан худо ўртасидаги савдо, келишув маъносида қабул қилинган. Масалан, инсон бир нарсага муҳтож бўлса, худога қурбонлик қила туриб ундан ўз эҳтиёжини қондиришни сўраган. Кейинчалик Ригведа, Атхарваведа каби мадҳия ва дуоларни ўзида жамлаган китоблар пайдо бўлгач, ибодатнинг иккинчи кўриниши – худоларга атаб дуо ва мадҳиялар ўқиш одат тусига кирган.

Брахманлик веда динларининг бир шаҳобчасидир. Вақт ўтиши билан ведалардаги қўшиқлар оммага, ҳатто руҳонийларга ҳам тушунарсиз бўлиб қолди. Бу қўшиқлар ҳали ўзгаришга учрамай, муқаддас тил ва муқаддас матнлар пайдо бўлди. Ниҳоят, бу тилни ўрганиш учун кишилар алоҳида гуруҳлар тузиб, махсус вақт ажратдилар. Натижада ўз ҳаётларини ибодат қилиш, илоҳиёт илмини ўрганиш, мураккаб маросимларни ўтказиш ва халқ руҳоний ҳаётини бошқаришга бағишлаган брахманлар *кастаси* (табақаси) вужудга келди. Динга хос бўлган хусусиятлардан бири – илоҳий тилнинг ўзгартириб бўлмаслигидир. Худди шу бир тилнинг эскириб амалдан қолиши ва фақат муқаддас тилга айланиб қолиши брахманизмнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллардан биридир.

Орийлар умуман бошқа маданиятга, ҳаёт тарзига эга бўлган турли халқлар билан учрашиб, мутлақо бошқа табиий шароитга дуч келдилар. Улар кўчманчиликдан энди ўтроқ ҳаётга ўтиб, давлатдаги ҳукмрон синфга айландилар. Шундан сўнг уларнинг эски динлари – ведизм мазкур жараёнлар таъсирида тараққий этди. Бу тараққиёт динни фалсафий жиҳатдан чуқурлаштириш, руҳонийлар табақасининг мавқеини кўтариш, ибодат ва маросимларни мураккаблаштириш, илоҳлар сифатини мураккаб томонга ўзгартириш ҳисобига бўлди. Шундан кейин ўзгартириш тақиқланган диний ақида вужудга келди.

Зикр этилган фактлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, брахманизмда халқнинг эмас, кўпроқ маълум руҳонийлар табақасининг манфаатлари ҳимоя қилинади.

Брахманликнинг асосий элементлари брахманлар ва ведаларга тегишли сутралардир. Сутралар санъатнинг алоҳида кўриниши бўлиб, яққол ажралиб турувчи усталик билан соф санскрит тилида ёзилган. Унда мавжуд вазиятга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда маълум табақага юқори ўрин берилади.

Брахманлар ўз номларини тузган динларигагина эмас, жой номи (Брахмания) сифатида, бутун бошли фан ва санъатга (брахманизм шеърояти, тиббиёти, математикаси каби) ном қилиб бердилар. Улар ўзларининг келиб чиқишларини етти руҳоний оиланинг бошлиқлари бўлган етти ришидан деб ҳисоблайдилар.

Мадҳияларнинг илк муаллифлари бўлган шоирлар, тилшунослар ва ҳозиржавоб кишилар ўз касбларини авлодларига узатганлар. Веданинг ўзида айтилишича, «ражарши» («риши-подшоҳ»)лар баъзан шундай мадҳияларнинг муаллифлари бўлганлар.

Брахманлар табақаси *орийлар*нинг Ҳиндистон ҳудудига кириб келишларидан олдин шаклланган деган фикрлар ҳам мавжуд. Аммо улар илк даврда катта мавқега эга бўлмаганликлари учун уларнинг қачон ва қандай қилиб асосий нуфузга эга бўлган даврларини билиш муҳим. *Орийлар* Ҳиндистон бўйлаб ҳарбий юришларини давом эттирганлари сайин камроқ қаршиликка дуч келардилар. Натижада кшатрийлар (жангчилар) табақаси тобора эътибордан четга чиқиб, босиб олинган ерлардаги халқлар орасида тартиб ўрнатиш учун диний руҳий жиҳатдан таъсири кучлироқ бўлган бошқа табақа – брахманларнинг нуфузи ошиб борди. Чунки брахманлар диний маросимлардан ташқари ҳуқуқ, урф-одат каби соҳалардан ҳам хабардор эдилар.

Брахманнинг ҳаёти тўрт муайян белгиланган босқичдан иборат. Хусусан, унинг ҳар бир куни машаққатли ибодат, ўрганиш ва вазифалар билан тўла. Брахманнинг диний ҳаёти унинг туғилиши биланок эмас, балки унинг балоғат ёшига етиб, муқаддас боғични қабул қилиши ва «бахшида қилиш» маросимидан кейин бошланади. Шундан кейин брахманнинг ёшлиги бирорта донишманд брахманнинг қўлида ведаларни ёдлаш, унинг уйида муқаддас оловни доимо тутиб туриш, устозининг хизматини қилиш, жумладан, унинг учун садақа йиғиш билан ўтади. Брахман бу босқичда «брахмачарин» деб номланади. Узоқ вақт давом этадиган бундай таълимотдан сўнг у иккинчи босқичга ўтади. Брахман «грихастха» деб номланадиган бу босқичда уй хўжайини вазифасини бажаради. У уйланиши, оилани боқиши (хусусан, ўғил етиштириши), амалий ҳаёт илмини эгаллаши ва ўзининг фуқаролик бурчларини бажариши лозим. Қонун уй хўжайинининг ўзини қандай тутишини соат сайин қатъий равишда диққат билан кузатиб боради. Қачон ва нимани ёйиш, нимани ичиш, қачон ибодат қилиш, марҳумларни қандай дафн этиш, меҳмонларни қандай кутиш, овқатни қандай тайёрлаш, қарияларга, аёлларга, ёш болаларга қандай муносабатда бўлиш ва бошқа кўп нарсалар белгилаб қўйилган.

Брахман «ванапрастха» (ўрмон зоҳиди) деб аталувчи ҳаётининг учинчи қисмида оиласи билан ёки ёлғиз ҳолда ўрмонга кетиши керак. Бу ерда у «ўз нафсини жиловлаб» илдишлар ёки меваларни еб, диний амалларни жидду жаҳди билан бажариши керак. Бу босқичда брахманга бир қатор машаққатларни бошдан кечириш тавсия этилади: у тупроққа қоришиб думалаши ёки кун бўйи оёқ учларида туриши ва ё навбат билан туриб ўтириши мумкин. Жазирама кунда ўзини «беш олов иссиғига» дучор қилиши, ёмғирли пайтда очиқ жойда яшаши, қишда эса ҳўл кийимда юриши керак.

Брахман ҳаётининг тўртинчи босқичи «санияси» (зоҳид) таркидунёчилик ёки диний қашшоқлик давридир. У ҳаётнинг барча ташвишларини ортга ташлаб, хурсандчилик, қайғу, орзу-ҳавас ва жисмоний эҳтиёжларни тарк этиб, ҳамма нарсага бефарқ бўлган брахман бир мақсадга – «Олий Брахмага етишиш, яъни у билан қўшилиб кетиш, бу дунё ва ўлгандан кейинги абадий бахтга эришишга» интилиши керак. Брахман таркидунёчилик босқичида фақат садақадан тушган нарсалар ҳисобига кунига бир марта овқатланиб кун кечиради.

Зикр этилган – «брахманнинг муқаддас тўртлик қонуни» деб аталмиш ҳаёт тарзини фақатгина диний қоидалар билангина боғлаб тушунтириш мумкин эмас. Ҳиндистон тарихида кўплаб бундай ҳодисаларни кузатиш мумкин. Фақатгина олий табақадан чиққан кишилар эмас, оддий халқ вакиллари ҳам баъзан шон-шухрат истаб, ўз иродасини чиниқтириш мақсадида ёки ўзини бошқалардан кам билмай, ўзларини ана шундай ҳаёт кийинчиликларида солганлар. Қадимда кишилар кузатган мазкур ҳолатларни Ҳиндистонда ҳозир ҳам тез-тез учратиш мумкин. Будда ҳаётини

ўрганишда учрайдиган кўпгина ҳодисалар ўша даврда ҳам брахманлар «тўртлик қонунига» амал қилганларини кўрсатади.

3 Конфуцийчилик фалсафий ғоя сифатида майдонга келган. Унинг асосчиси Конфуций (Кун Цзи) мил. ав. 551 йилда туғилиб, мил. ав. 479 йилда вафот этган.

Конфуций отасидан эрта ажраб, онаси қўлида тарбияланади. Онаси ҳам кўп ўтмай дунёдан ўтади. Конфуций илм таҳсилани олгач, 19 ёшида уйланади. Биринчи марта у омборчи вазифасига ишга тайинланади. У бир неча йиллар давомида турли подшоҳлар қўл остида ишлагандан кейин ёшларга таълим беришга киришади. Янги устознинг онг ҳақидаги фикрлари, чуқур маъноли сўзлари мамлакат бўйлаб кенг тарқалади. Шундан сўнг Конфуций хузурига мамлакатнинг турли минтақаларидан илмга чанқоқ ёшлар оқиб кела бошлайдилар. У илм истаб келувчиларга ҳеч қачон рад жавобини бермас эди. Конфуцийнинг 3000 га яқин шогирдлари орасида 72 энг кўзга кўринган издошлари орасида мамлакатнинг обрўли хонадонларидан бўлган кишилар билан бир қаторда камбағал, оддий кишилар ҳам бўлган. Конфуций мактаби қадимги Хитойда аста-секин катта таъсир доирасига эга бўлиб борди. Унинг кўплаб шогирдлари қадимги Хитой подшоҳликларида эътиборли мансабларни эгалладилар. Конфуций ёшлар тарбиячиси ва устози сифатида кенг шуҳрат қозониб, илк Хитой маърифатпарвари номига сазовор бўлган бўлса, у томонидан таклиф қилинган ислохотларнинг амалга оширилишида бунинг акси бўлди.

Гарчи Конфуций ўзининг иш фаолиятида подшоҳлар хизматида бўлган пайтларида баъзи ислохотларни амалга оширишга ҳаракат қилган бўлса-да, аммо унинг кўпчилик таклифлари амалдорлар ва ҳукмдорлар томонидан қўллаб-қувватланмади. Конфуцийнинг асосий эътиборини тортган нарсга ўз замонасининг камчиликлари ва айбу нуқсонлари эди.

Оддий халқнинг ночорлиги, амалдорларнинг золимлиги, ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар, қадимги маънавий анъана ва қадриятлардан узоқлашиш – буларнинг ҳаммаси Конфуцийнинг кескин танқидий қарашларининг юзага келишига туртки бўлди. У мавжуд муаммони ҳал қилишда янгича қарашларга таяниш лозимлигини англаб етди. Бироқ у ўз фикрларининг жамоатчилик томонидан қабул қилиниши учун ҳамма эътироф қилган обрўга эга бўлиш керак эди. Конфуций худди ана шу обрўни узоқ ўтмишнинг ярим афсонавий образларидан топди. Конфуций вафотидан бир неча аср ўтгач, унинг таълимоти халқ ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланди.

Конфуцийнинг фалсафий қарашлари. Конфуций комил инсон (*цзюнь-цзи*) ҳақидаги ғояни яратди. Цзюнь-цзи, яъни юксак маънавиятли инсон икки асосий хусусиятга эга бўлиши керак: инсонийлик ва масъулият (аждодлар олдидаги қарз)ни ҳис қилиш. Комил инсон, энг аввало, ишончли ва фидойи бўлиши лозим. У бунинг учун тинимсиз, ўзини аямасдан ўз ишончи, ҳукмдори, ўз отаси ва ўзидан катта барчага бирдай хизмат қилиши ва доимо камолот сари интилиши зарур.

Конфуцийчиликнинг илк кўринишида ахлоқ масаласи биринчи ўринга қўйилган, диний эътиқод эса иккинчи даражали саналган. Диний масалалар, ақидаларга конфуцийчилик анча совуққон муносабатда бўлган, баъзи ўринларда уларни инкор қилган. Конфуций ҳам ўз вақтида қадимги Хитойда кенг тарқалган руҳларга эътиқод масаласига шубҳали муносабатда бўлган. «Луньюй» (Конфуцийнинг фалсафий фикрлари ва суҳбатлари мажмуаси, конфуцийчиликнинг асосий манбаси)да келтирилишича, Конфуций ғайритабиий нарсалар ва руҳлар тўғрисида гапиришни ёқтирмаган. Шунингдек, у тақдир, инсон умри, ўлим ҳақида сўз юритишдан қочган. Ундан: «Ўлим нима?» – деб сўраганларида, у: «Биз тириклик нима эканлигини билмаймиз-у, ўлим нима эканлигини қаердан била олар эдик», - деб жавоб берган.

Бироқ, қадимдан давом этиб келаётган диний қадриятлар, урф-одатларга Конфуций ҳурмат билан муносабатда бўлган.

Конфуцийнинг яна бир таълимоти – «Сяо» бўлиб, у инсон ўз ота-онасига муносиб бўлиши ҳақидаги ғояни ўзида мужассам қилган. Конфуций фикрича, инсон

учун *Сяо*дан муҳимроқ нарса йўқ. У: «*Сяо* ва *Ди* (уканинг акага, кичикларнинг катталарга ҳурмати) инсонийликнинг асосидир» деган. *Сяонинг* асосий маъноси нима, фарзандлик хизмати қандай бўлиши керак, деган саволга Конфуций шундай жавоб берган: «Ақлли ва ота-онангни боқишга яроқли бўлишингдир. Чунончи, одамлар уйларида итлар ва отларини ҳам боқадилар-ку? Агар ота-оналарига ортиқ эҳтиром кўрсатмасалар, ҳайвонларни боқишларидан нима фарқи қолади?».

Сяо таълимотининг «*Ли қонунлари*»га кўра, фарзанд ота-она ҳаётлик чоғида мутлақо уларнинг ихтиёридадир. То улар дунёдан ўтгунича ўзига-ўзи эгалик қилишга ҳақли эмас. Агар ота-она вафот этса, фарзанд қандай иш билан машғул бўлишидан қатъи назар, барча ишни ташлаб уч йил аза тутиши шарт. Конфуцийчиликнинг *Сяо* таълимоти асрлар мобайнида Хитой маданияти, ахлоқий нормаларига катта таъсир ўтказиб келди.

Оила ва никоҳ тушунчаси. Конфуцийчилик Хитойда оила масалаларига ҳал қилувчи таъсир ўтказди. Конфуцийчилик таълимотига кўра, оила никоҳдан, ёшларнинг келишуви билан бошланмайди. Балки, оила эҳтиёжлари учун никоҳ амалга оширилади. Конфуцийчилар урф-одатларига кўра, авлодлар ўз аجدодлари руҳи олдида қилишлари керак бўлган барча маросимларни ўз ўрнида, мунтазам равишда бажаришлари лозим.

Хитойда илк Чжоу ва Инъ даврларида ўтганлар руҳлари тириклар учун мадад бўлиши керак деб эътиқод қилинса, Конфуций таълимоти бунинг аксини, яъни тириклар ўтганлар олдида қарздордирлар деган ғояни илгари сурди. Конфуций ўзидан олдин жамиятда мавжуд бўлган ўтганлар руҳлари ҳақидаги ақидаларни тамоман ўзгартириб юборди.

Модомики, тирикларнинг асосий вазифаси ўтганларни рози қилиш, уларга хизмат қилиш экан, бутун оила мана шу асосий ғояга хизмат қилувчи бир жиҳозни ташкил қилади. Мана шунинг учун ҳам ҳар бир оила бошлиқлари ўз аجدодлари олдидаги қарзларини адо этишлари учун оила наслини давом эттиришлари керак.

Конфуцийчиликнинг Хитойда тарқалиши. Конфуций фикрича, дунёдан бефарзанд ўтиш ва ўзидан насл қолдирмаслик нафақат шу инсоннинг ёки шу хонадоннинг, балки бутун жамиятнинг фожиясидир.

Конфуцийчиликнинг ёйилиши секин кечди. Конфуцийнинг ўзи эса замондошлари томонидан тан олинмай вафот этди. Унинг шогирдларига ҳам осон бўлмади.

Гарчи конфуцийчилар ўз таълимотларини қадимги Чжоу ақидаларига боғлиқ урф-одатлар, маросимлар, ахлоқий меъёрлар асосига қурган бўлсалар-да, улар мазкур ақидалар орасида ўз муносабатлари, қолаверса, ҳар бир масала юзасидан ўз хулосаларини ҳам бериб баён қилар эдилар. Мана шу нарса конфуцийчиликнинг муваффақиятга эришишига сабаб бўлди. Ундан ташқари унинг муваффақиятига сабаб бўлган омиллардан яна бири конфуцийчиларнинг ўзлари фойдаланган қадимги китоблар, шеърлар, рисоаларни йиғиб ўқувчиларига ўргатганликларидир. Бу ишнинг асосий қисми Конфуцийнинг ўзи томонидан бажарилган эди. У турли подшоҳликларда мавжуд бўлган уч мингдан ортиқ қадимий қўшиқлар, ёзувларни жамлаб, уларни қайта таҳрир қилган эди. Конфуций ва унинг шогирдлари томонидан таҳрир қилинган асарлар кейинчалик конфуцийчиликнинг асосий манбаларига айланди.

Мил. ав. IV-III асрларга келиб Конфуций таълимоти анча кенг тарқалди ва катта таъсир доирасига эга бўлди. Хань сулоласи даврига келиб (мил. ав. III-II асрлар) конфуцийчилик давлат мафкураси даражасига кўтарилди. Хань подшоҳлари Конфуций таълимотларини тўлиқ қабул қилмаган бўлсалар-да, унинг кучини, жамиятда эгаллаб улгурган мавқеини эътироф қилган ҳолда ундан давлат бошқарувида фойдаландилар.

Конфуций номининг илоҳийлаштирилиши. Конфуций ўзи яшаб ижод этган жой – Цуйфуда вафот этгандан кейин унинг қабри яқинида бир ибодатхона қурдилар. Ибодатхонага Конфуцийнинг шогирдлари ва яқинлари томонидан унинг барча

табаррук нарсалари ва унга тааллуқли ашёлар: ёзган асарлари, мусиқа асбоблари, рўзгор анжомлари, араваси ва бошқа нарсалари келтириб қўйилди. Вақт ўтиши билан файласуфнинг обрўси ошиб, таълимоти кенг тарқалгани сари ушбу ибодатхона ҳам зиёратгоҳга айланиб борди. Цуйфу яқинида Конфуций шогирдлари ва издошлари макон тутган каттагина қишлоқ барпо бўлди. Лу подшоҳлиги ҳукмдорининг ўзи Цуйфуга келиб Конфуций ибодатхонасида унинг хотирасига қурбонлик қилди. Ибодатхонанинг аҳамияти ошгани сайин унинг ер мулклари билан бойиди. Бу жой оддий маҳаллий ибодатхона шаклидан Хань сулоласи даврига келиб бутун мамлакат миқёсидаги муқаддас зиёратгоҳга айланди. Мил. ав. 195 йилда биринчи Хань подшоҳи Лю Бан шахсан ўзи Конфуций ибодатхонасида унга атаб «тай-ляо» (Хитойда энг олий қурбонлик – қўй, хўкиз ва чўчка) учлик қурбонлиги келтиради.

Мана шу асрдан бошлаб Конфуций номи Хитойда илоҳийлаштирилди ва унга атаб мунтазам қоидалар асосида қурбонликлар қилинадиган бўлди.

Хань сулоласи даврида Конфуцийга князлик унвони берилди. X-XIII асрларга келиб, Сун сулоласи даврида унга императорлик унвони, отасига эса князлик унвони берилди. Кейинроқ Юань ва Мин сулолалари (XIII-XIV асрлар) даврида унга яна ҳам юксакроқ даража – «Ҳақиқий донишманд», «Миллатларнинг буюк устози» унвонлари берилди.

Хитойнинг деярли барча шаҳарларида Конфуцийга атаб қурилган ибодатхоналар пайдо бўлди. Бундай ибодатхоналар сони мингга яқин эди. Дастлабки пайтда ибодатхонанинг қурбонлик қилинадиган жойида оддийгина Конфуций номи ёзилган лавҳа осилган эди. Хитойга буддизм кириб келгач, лавҳа ўрнини энди Конфуцийнинг ҳайкали эгаллади. Цуйфудаги ибодатхонадан бошқа ҳаммаси бир хил шаклга эга эди. Унда Конфуций ҳайкали ёнига 86 шогирдининг номи битилган лавҳа ёки ҳайкаллар қўйилган. Цуйфудаги ибодатхонада уларнинг сони кўпроқ.

Файласуфга атаб қилинадиган қурбонликлар ва бошқа муҳим маросимлар тартибга солинган. Ҳар ойнинг биринчи ва 15-кунларида икки марта Конфуций ҳайкали олдида одатий қурбонликлар, йилда – баҳорда ва кузда икки марта алоҳида тантанали маросимлар ўтказилар эди. Тантанага келган император ва уларнинг мулозимлари донишманд тимсоли олдида туриб, унга: «Сен буюксан, эй мутлақ донишманд, сенинг фазилатларинг кўп, таълимотинг бекиёс, ўтганлар орасида сенга тенги йўк!» – каби ҳамду санолар билан мурожаат қилганлар.

Конфуций номи ўрта асрларга келиб Хитойда илоҳийлаштирилди. Унинг тимсоли подшоҳлар бошидаги тожлардан ўрин олди.

Даосизм фалсафий таълимот сифатида Хитойда мил. ав. биринчи минг йилликнинг ўрталарида конфуцийчилик билан деярли бир вақтда пайдо бўлди. Бу таълимот даставвал бир мунча мавҳум характерга эга бўлиб, дин билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Ушбу таълимот тарафдорлари ҳам конфуцийчилар каби ўз замоналаридаги ҳаракатларга қарши бўлганлар. Даосизм тарғиботчилари ҳам ҳукмдорлар орасидаги тинимсиз урушларни қоралар эдилар. Улар ҳам бошқа бир қатор фалсафий таълимотлар қатори орқага – «Олтин аср»га – қайтишга чақирай эдилар.

Даосизм ўзининг илк кўринишида назариядан кўра кўпроқ амалиётга алоқадор эди. Бу шаманизм, фолбинлик, табиблик билан боғлиқ эди. Чунончи қадимги даволаш услублари фалсафа, айниқса, даосизм фалсафаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шаманлар даволаш услубларида инсон танасидаги жараёнларни ташқи фазовий кучлар, ҳар хил руҳлар таъсири билан боғлаб, жодугарлик ва сеҳрдан кенг фойдаланганлар.

Даосизмда мил. ав. IV-III асрларга келиб назарий асарлар пайдо бўла бошлади. Бундай асарларда ижтимоий-сиёсий ва ахлоқ масалалари даосизм учун унчалик муҳим саналмади. Бироқ даосизм вакиллари илк бор борлиқ, табиат, коинот ҳақидаги тушунчаларни ишлаб чиқа бошладилар. Хитойдаги Цзись файласуфлар академиясида даосизм назарийчилари: Тянь Пенъ, Сун Цзянь, Инъ Вень, Шень Дао, Хуань Юань ва

бошқалар тўпланган бўлиб, улар инсон ва уни ўраб турган борлиқ хусусида бетўхтов мунозаралар олиб бордилар ва рисоалар ёздилар. Бундай асарлар ҳозирги кунгача сақланмаган, бироқ даосизмнинг асосий манбаси саналадиган «Даодецзин» рисоласида ўз аксини топган. Мазкур рисола муаллифи Лао-Цзи ҳисобланади. Унинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар кам, борлари ҳам ноаниқ. Афсоналарга қараганда, Лао-Цзи онасининг қорнида бир неча ўн йиллар яшаб, кекса донишманд ҳолида дунёга келган. Шунинг учун уни «Лао-Цзи» – «Кекса донишманд», «Қари бола» деб атадилар.

Лао-Цзи мил. ав. VII да туғилган, Конфуцийнинг замондоши ҳисобланади. Қадимги Хитой ёдгорликларида Конфуцийнинг Лао-Цзи билан учрашганлиги, унинг донолигидан ҳайратга тушгани ва уни *аждаҳо* деб атагани ҳақида ривоят келтирилади.

Лао-Цзи таълимотига кўра, табиат, жамият ва бутун борлиқнинг асоси «Улуғ Дао» ҳисобланади (*дао*, *тао* «йўл», «ҳақиқат», «тартиб» демакдир). *Дао* ҳақидаги таълимот конфуцийчиликда бўлган. Чунки *дао* тўғрисидаги фикрлар конфуцийчилик ва даосизм шаклланишидан анча олдин мавжуд эди, шунинг учун ҳам ҳар икки таълимотнинг ўхшаш жиҳатлари кўп. Конфуций *дао*ни жамиятда муайян тартибларни яратувчи самовий қонунлар тажассуми деб ҳисоблаган. Бошқача айтганда, *дао* – ижтимоий меъёрлар, интизом ва ахлоқнинг йиғиндисидир. Даосизм вакиллари учун *дао* ўзгача мазмунга эга: *дао* умумий табиат қонуни ва ибтидо интиҳонинг ўзагидир. Умумий мазмунда *дао* – бутун борлиқ демакдир. *Дао*ни ҳеч ким яратмаган, барча нарсалар *дао*дан келиб чиққан ва унга қайтади. *Дао* ҳеч кимга кўринмайди, сезги аъзолари уни илғай олмайди. Нимани кўриш, эшитиш, сезиш, англаш мумкин бўлса, у *дао* эмас.

Даосизм динининг асосий моҳиятларидан бири бу *дао* ва у билан алоқадор табиат фалсафаси ҳамда космогония масалаларидир. Иккинчи асосий нуқта мавжудлик, ҳаёт ва ўлимнинг нисбийлиги ва шунга боғлиқ ҳолда узок яшаш, абадий ҳаётга эришиш тушунчасидир. Милоднинг биринчи асрлари – Хань асрига келиб, абадий ҳаёт масаласи даосизм олимларининг асосий муаммосига айланди. Учинчи ва сўнгги масала *увей* принциpidир. Даосизм фалсафасининг мана шу уч таълимоти Хань асрига келиб даосизм динининг шаклланишига асос бўлди.

Милодий иккинчи асрга келиб даосизм динида янги секталар пайдо бўлди. Улардан бири «Тайпиндао» («Буюк тенглик таълимоти») бўлиб, унинг асосчиси Чжан Цзуэ ҳисобланади. У халқ орасида сеҳр-жоду орқали барча касалликларни тuzатувчи ҳамда киши умрини узайтирувчи шахс сифатида шуҳрат топди. Унинг атрофига кўплаб одамлар йиғилдилар. Чжан Цзуэ одамларни 36 жанговор гуруҳга бўлган. Катта гуруҳларга «*да фан*» катта сеҳргарлар, кичик гуруҳларга «*сяо фан*» кичик сеҳргарлар бошлиқ этиб тайинланганлар. Сектада юқори бошлиқ Чжан Цзуэ («Буюк осмон раҳнамоси») саналади. Унинг икки укаси «Буюк ер раҳнамоси» ва «Буюк инсон раҳнамоси» деб талқин қилинади. Бу учталиқ даосизмдаги учталиқ таълимоти – осмон, ер ва инсон бирлигининг рамзий тимсоли эди. «Тайпиндао» сектаси таълимоти «Тайпинцзин» китобига асосланади.

«Тайпиндао» сектаси билан бирга яна бир «Удоумидао» («Беш доу гуруч таълимоти») сектаси ҳам мавжуд бўлиб, қадимги Хитой жамиятида катта таъсир доирасига эга бўлган. Унинг асосчиси машҳур даочи Чжан Дао Лин бўлиб, у ушбу сектанинггина эмас, балки бутун даосизм ибодатхонасининг асосчиси ҳисобланади.

Ушбу секталар тарихда ҳукмрон табақаларнинг адолатсизлигига қарши кўплаб сиёсий курашларга, қўзғолонларга бошчилик қилган.

Даосизм биринчи минг йилликда буддизм ва конфуцийчилик билан рақобатлашиб келди. VI асрга келиб, даосизм конфуцийчиликдан кейин иккинчи ўринни эгаллаган эди. XIII асрдан бошлаб даосизм таълимотининг аниқ асосларга эга эмаслиги ва илк даврдаги юксак таълимотлари турли хурофотлар билан алмашгани туфайли инқирозга юз тута бошлади.

XX аср бошларига келиб Хитойда турли даосизм секталарига қарши кураш бошланди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида даосизм тарафдорлари жуда озчиликни

ташқил қилди. Ушбу кичик гуруҳлар монахлар, тарғиботчилар ва башоратчиларни ўз ичига олар эди.

4-Мавзу. Буддавийлик

Режа:

- 1.Буддавийлик асосчисининг шахси. Буддавийлик таълимоти.
- 2.Буддавийлик манбалари. Буддавийликнинг Махаяна, хинаяна, ламаизм ва бошқа оқимлари.
- 3.Ҳозирги замонда буддавийлик.

Буддийлик диний таълимотининг асосий манбаи муқаддас китоб - “Трипитака” (уч-сават) деб аталган. Бу таълимотда Будда учта саватда таълимот қолдирган дейилади: биринчи савоб – Виноя-питака (панд - нашхаблар, ахлоқий меъёрлар); иккинчи сават – Сутра-питака (дуолар, дostonлар); учинчи сават – Абхидҳарма-питака (диний-фалсафий масалалар баёни) лардан иборат.

Марказий Осиё халқларининг қадимги тарихи ва маданиятида **буддийлик** муайян ўрин эгаллаган. У зардуштийлик дини таъсирида ва у билан ёнма-ён шаклланган динлардан бири бўлган буддийлик милoddан аввалги VI-V асрларда Хиндистоннинг шимолида вужудга келган; кейинчалик Жануби-Шарқий ва Марказий Осиё ҳамда Узоқ Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Унинг вужудга келиши хинд жамоаларида рўй берган муҳим ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар - уруғ-қабилачилик алоқалари ва тартибларининг емирилиши, синфий жамиятларнинг вужудга келиши ва йирик кулдорлик давлатларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. III-асрга келиб дунёвий жамият (император Ашока) нинг фаол қўллаб-қувватлаши натижасида мулкчилик даражасида ягона бўлган будда ташкилоти (монахлик жамоаси - сингха) ва диний ақидачилик шаклланган.

Буддийликнинг Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонда тарқалиши милoddан аввалги II асрларда бу ерлардаги қабилаларнинг авлодлари тугатган грек-бактрия подшоҳлигининг ўрнида қарор топган Кушон империясининг ривожланган даврига тўғри келади.

Кушон империяси ўзининг энг гуллаган даврида (милoddнинг I-III асрларида) ҳозирги Марказий Осиёнинг бир қисмини, Афғонистон, Покистон, Шимолий Хиндистон, эҳтимол Ўйғуристонни ҳам ўз ичига олган. Кушон подшоҳлиги даврида буддийлик Хиндистондан Марказий Осиёга, ундан эса Буюк ипак йўли орқали Хитой ва Узоқ Шарққа тарқалган.

Кейинги ўн йилликлар мобайнида олиб борилган археологик изланишларнинг натижалари ва тарихий маълумотларни умумлаштирган ҳолда тахмин қилиш мумкинки, исломгача бўлган даврда буддийлик Марказий Осиё ғоявий ҳаётининг муҳим таркибий қисмларидан бирини ташқил этган. Буддийлик фақат махсус ибодатхоналаргагина эмас, балки подшо саройларидан бошлаб, оддий камбағал деҳқон ва хунармандларнинг кулбасигача кириб борган диндир. Буддийликни қабул қилган Марказий Осиё халқлари диний ибодатлар учун ҳар хил махсус иншоотлар қурганлар.

Буддийлик билан боғлиқ обидалар, ибодатхоналар, хайкаллар, деворларга солинган расмлар Марказий Осиёда топилган қадимги тарихий обидалар орасида муҳим ўрин эгалланди. Буддийлик билан боғлиқ иморатлар, қурилишлар ҳозирда ҳам Шимолий Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг Жанубий туманларида, Тожикистонда ва Қозғистон жанубида маълумдир. Булар орасида энг йирик иншоот эски Термиздаги Ўратепа номли ғор ибодатхонасидир. Бу очик сариқ рангли катта тепалик бўлиб, унга кумтошли ғор бинолар ўйиб солинган; ер устида бинолар барпо этилган; буларнинг ҳаммаси бир бутун уйғун бўлган будданинг 20-25 ибодатхонасини ташқил қилиб, Кушон подшоҳлигида буддийликнинг муҳим аҳамиятга эгаллигидан

далолат беради. Девогларга солинган расмларни, хайкалларни, тоат-ибодат буюмларини, тангаларга, совға қилинган сопол идишларга битилган ҳар хил ёзувларни ўрганишлар Ўратепанинг милонинг I аср охири ва II асри бошларида бунёд қилинганлигидан, араблар босқинчилигидан кейин улар тугатилган ва кейинчалик вайронага айланганлигидан далолат беради.

Буддийлик таълимотида ҳар қандай борлиқ (моддийлик) барча кўриниш ва шакллардаги ҳар қандай ҳаёт-ҳамма мавжудотларга азоб берувчи ёмонликдир. Ёмонлик ва азоб-уқубатларнинг сабаби-инсоннинг ва барча тирик мавжудотларнинг бу дунёга қайта туғилиб келиш дунёси (сансара) га боғланганлиги, унга кўнгил қўйганлигидир. Унингча ҳар қандай инсоний туйғу, ҳиссиёт, эҳтирос ва истак азоб-уқубатни чуқурлаштиради; “борлиқ гирдобини” дан чиқиб олиш учун ғафлатдан уйғониш, дунё моҳиятини англаш, ҳаётга чанқоқликдан кўнгилхушликларга, лаззатларга, ҳокимиятга, бойликка интилишлардан воз кечиш лозим; фақат шундагина “нажот топиш йўли” га кириш мумкин. Илк буддийликда бундай нажотдан фақат зохид ёки монахгина умид қилиши мумкин эди.

Буддийлик таълимотига кўра, азоб-уқубатлардан халос бўлишнинг энг мақбул йўли роҳиблик (монахлик) жамияти (сангха) га ўтиш ҳисобланади. Роҳиблик бошқа динларга қараганда буддийликда барвақт вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда буддийлик мзхаабларидан бўлмиш хинаяна тарқалган мамлакатлар халқларининг ижтимоий ҳаётида ғоят салбий рол ўйнамоқда. Роҳиблар буддийликка эътиқод қилувчилар орасида ноўрин тарзда жуда катта обрў ва ҳурматга сазовар бўлиб, уларга итоат этиш ва айтганини бажариш зарур, деб ҳисобланади.

Буддизм таълимоти асосан уч қисмдан иборат:

ахлоқ;

медитация;

донолик;

3.Медитация.

1) Ахлоқ нормалари-«Панча шела» (Будданинг беш насиҳати)

-қотилликдан сақланиш;

-ўғирликдан сақланиш;

-гумрохликдан сақланиш;

-ёлғон қалбаки нарсалардан сақланиш;

-маст қилувчи нарсалардан сақланиш.

2) Медитация

-тўғри тушуниш, будданинг биринчи даватида сўз юритилган тўрт ҳақиқатни билиш ва унга ишониш;

-тўғри ният қилиш-дунёнинг лаззат-халоватларидан халос бўлишга, кераксиз фикрлардан сақланишга интилиш;

-ўзини тўғри тутиш-ўзиники бўлмаган нарсага кўз олайтирмаслик, ортиқча ҳиссиётга берилмаслик;

-тўғри англаш-ўз танаси ва руҳига ўзини йўқотиб қўймайдиган даражада назоратда бўлиш ҳамда бунда эҳтирослар ва изтиробларга чек қуйиш.

-тўғри ҳаракат қилиш-ўзидани ёмон туйғуларни жиловлаш.

-тўғри ҳаёт кечириш-номақул ҳаёт тарзидан сақланиш.

-тўғри фикр юритиш-камолотни тўрт босқичини кетма-кет босиб ўтиш.

-тўғри гапириш-ёлғондан, тухматдан, ҳақоратдан сақланиш.

3) Донишмандлик-бу буддизмни асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушунишдан иборат бўлиш.

Буддийлик таълимотида олам уч босқичли деб тавсифланган. Биринчиси энг юқори олам бўлиб, унда мутлақ осойишталик ҳукмрон. Унда фақат соф руҳгина

мавжуд эмиш. Бу олам руҳнинг маконидир. Буддийликнинг таълим беришича, мутлак илоҳий куч - руҳни мутлақо билиб бўлмайди. Биринчи оламда руҳ моддий оламдан ташқарида, у ҳеч ҳаракатсиз мутлақ осойишта ҳолатда яшар эмиш. Иккинчи олам, ривоятларга кўра, руҳий мавжудотлар билан тўла жаннат-бодисатвадир. Бу оламнинг ҳокими Амитабадир. Унинг оламида руҳ ўз гунохидан ҳалос бўлган, лекин энг олий оламга, нирванага, мутлақ бўшлиқ ва осойишталик оламига кўтарилмаган авлиёлар яшар эмиш. Буддалар кишиларга будда таълимотини ўрганиш, яхши йўлдан бошлаб бориш учун ерга юборилар экан. Учинчи олам энг қуйи олам бўлиб, унда одамлар ва ҳайвонлар яшар эмиш. Бу оламдаги руҳ гўё қафасда яшар экан, у ҳаёт давомида озод бўлиш ҳамда юқори оламга кўтарилишига ҳаракат қилади; руҳнинг юқори оламга кўтарилиши одамлар қиладиган савобли ишларга боғлиқ; агар одам буддийлик таълимотига эътиқод қилса, яхшиликка интилса, унинг жони қайта туғилишлардан сўнг жаннатга ва ундан нирванага кўтарилар эмиш. Ёмонликка мансуб гуноҳкор кишиларнинг руҳи эса қуйи дунёда азобланиб, қафас ичида юра берар, юқори оламга ҳеч кўтарила олмас эмиш. Агар инсоннинг дин таълимотига зид ишлари кўпайиб кетса, хирс ёки товламачиликка берилиб, ундан кутила олмаса, бундай одамнинг руҳи бир неча қайта туғилишлардан кейин дўзахга тушар ва унда абадий азобланар эмиш.

Буддийликда қайта туғилиш деганда янгидан пайдо бўлиш тушунилмайди, балки илгари ўлган одамларнинг жисмидан тарқалган дҳармаларнинг янги асосда бирлашиб, келажак авлодга ўтиши тушунилади. Шунинг учун буддийлик инсон ўз қилмишлари учунгина жавобгар бўлиб қолмайди, балки келажак авлод учун ҳам жавобгар деб ҳисобланган. Агар одам яхши бўлса, будда таълимотига тўлиқ риоя қилса, бой ва эътиборли бўлса, унинг дҳармалари асосида қайта туғилган одам ҳам бой ва бадавлат, софдил бўлади. Аксинча, одам ёмон бўлса, камбағал, қашшоқ бўлса, будда таълимотига риоя қилмаса, унинг дҳармаларидан пайдо бўлган одам ҳам камбағал, қашшоқ бўлар экан. Бунинг сабаби аввалги авлодлар ёмон ҳаёт кечиргани учун берилган жазодир, деб ҳисобланган. Буддийлик ўзининг бу таълимоти билан жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик ва эксплуатациянинг туб моҳиятини яширишга ҳаракат қилади. Бошқа динлар каби буддийлик ҳам ҳаётда пассив бўлишни, тақдирга тан беришни тарғиб қилади, зохидликни ёқлаб, эксплуатацияни оклайди.

Барча жаҳон динлари каби буддийлик ҳам ижтимоий тараққиёт натижасида ва турли мамлакатлардаги ижтимоий гуруҳлар тузумларнинг хусусиятларга қараб, турли мазҳабларга бўлиниб кетган.

«Хинаяна» буддизимнинг асосий йўналишларидан биридир. «Хинаяна» «кичик арава» маъносини англатиб, у диний йўналиш сифатида эрампиздан аввалги I асрда шаклланган. «Хинаяна» таълимотига кўра драхмалар табиатини ўрганишга ва нирванага маънавий йўл билан эришилади. Бу йўл жуда оғир. Шу сабабли фақат монахларгина нирвана ҳолатига етишиш мумкин. Бу йўналиш Шарқий Хиндистонда, Шри-ланка, Хиди-Хитой давлатларида тарқалган.

Махаяна йўналиши руҳий камолот ахдига риоя этувчи, Худога илтижо қилувчи роҳибларга инъомлар бериб, ёрдам кўрсатувчи ҳар қандай оддий диндор нажот топиш мумкин, деган таълимотга асосланади. Бу Худоларга ишониш йўллари барча учун мумкин бўлганлиги сабабли у «катта арава» номини олган.

Ламавизм йўналиши-у Тибет тилиди «лама»-«энг улуғ» деган маънони англатади. Ламавизм Тибетда XII-XIV асрларда вужудга келган. Буддизмни барча ақидаларини қабул қилган ламаизмда инсон фақат ламалар ёрдамида нажот топади. Ламаларсиз нирванага эришиш у ёқда турсин киши бу дунёга қайтиб келишда ҳам ҳеч нарсага эриша олмайди.

Буддийликнинг бу мазҳаби маҳаллий халқлар ўртасида қадимдан мавжуд бўлган диний тасаввур ва урф-одатларни ўзлаштирган. Ламаизмда буддийликка хос

тасаввурлар билан бир қаторда, Будданинг яна қайтиб келиши ва ер юзида адолатли хокимият ўрнатиши тўғрисидаги уйдирмага кенг ўрин берилган. Ламаизмни кўчманчи, қоқоқ, саводсиз халқ ҳаётига мослаштиришга уриниш мавжуд; ундаги ибодат қилиш тартиби ҳам анча соддалаштирилган

Хиндистонда қулдорлик тартиблари барҳам топиши билан буддавийлик брахманизмга тобора яқинлашиб борган; кейинчалик хиндуизмга қўшилиб кетган. XI-XII асрларда буддийлик Хиндистонда ўз таъсирини деярли бутунлай йўқотган.

Буддийлик таълимотини тартибга солиш мақсадида 1871 йилда Бирмада буддистларнинг махсус ибодатхонасида Трипитаканинг турли таржималари ва вариантларини таққослаш натижасида ягона тексти ишлаб чиқилган эди. Янги текст мазмуни 729 та мармар плитага тушурилган эди. Бу ёзувлар сақланган ибодатхона дунё буддистларининг муқаддас жойига айлантирилган.

Буддийлик руҳонийлари халқаро миқёсда унинг мавқеини кучайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда буддийликнинг турли ташкилотларини бирлаштирмоқдалар, буддистларнинг халқаро конференциялари, съездларини мунтазам ўтказмоқдалар.

Буддийликнинг бир неча халқаро ташкилотлари мавжуд. Шулардан энг йириги Жахон буддистлари қардошлигидир. У 1950 йили тузилган. 1956 йили отахон буддистларининг бу дин пайдо бўлганлигининг 2500 йиллиги нишонланди.

Марказий Осиёда бир неча юз мингдан иборат корейс миллатига мансуб кишилар яшайди. Уларнинг оилавий-маиший анъаналари, миллий удумларининг айрим таркибий қисмлари маҳаяна (шимолӣ) кўринишдаги буддийлик таъсирида шаклланган. Ҳозирги вақтда бу минтақада, айниқса Ўзбекистонда корейс буддистларни христианлик таъсирига олишга қаратилган ҳаракатлар авж олмақда.

5-мавзу: Христианлик

Режа:

- 1.Христианликнинг пайдо бўлиши тарихи.
- 2.Муқаддас китоблар.
- 3.Христианлик таълимоти.
- 4.Христианликнинг бўлиниб кетиши.
- 5.Христианлик ҳозирги кунда.

Христианлик жахон динларидан бири бўлиб, эрамиз 1-асрининг 2-ярмида Румо империясининг шарқий вилоятларида кўп ҳудудлик динлари ўрнига қулар ва мазлум элатларнинг дини сифатида яқка ҳудудлик (монотеистик) шаклдаги тарзда шаклланган. Демак, у даставвал демократик хусусиятга эга бўлган. Шунинг учун тез, осон тарқалган. Даврлар ўтиши билан унинг бу хусусияти камайиб, ҳукмрон табақаларнинг дини бўлиб қолган.

Христианлик Фаластин ва Ўрта Ер денгизи яҳудийлари динлари доирасида вужудга келган; ўнлаб йиллардан кейин эса бошқа, асосан географик жихатдан қаралганда Рим империяси билан боғлиқ ёки унинг сиёсий ва маданий таъсирида бўлган халқлар орасида тарқалган. Янги ва энг янги тарих даврларида у мустамлакачилик сиёсати ва миссионерлик натижасида Европадан ташқарига ҳам тарқалган.

Христианликнинг вужудга келишида шарқ динларининг ҳам таъсири бўлган. Жумладан, мисрликларнинг Осирис ва Илиада, эронликларнинг Митра, яҳудийликнинг Мусо ҳақидаги ривоятлари, охират тўғрисида хикоя қилувчи ҳар хил уйдирмалар ҳам христианлик таълимотига киритилган.

Лекин шаклланаётган христиан мафкуриси асосида биринчи галда иудаизм монотеизмининг “Эски аҳд” китобига кирган барча “муқаддас ғоялар”, яъни Ерни Худо яратганлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, инсоннинг яратилиши, унинг тили, ахлоқи, ҳуқуқи, охират роҳатлари ҳақидаги ғоялар катта рол ўйнаган. Христос Мусо (Моисей) билан тенглаштирилган турли ривоятлар ҳам айнан кўчирилган.

1947 йили Ўлик денгиз қирғоғидаги Қумрон яқинида қадимги қўл ёзмалар топилган эди. Булар ҳукмрон жамоанинг диний таълимотлари - иудаизм ва христианлик ўртасидаги оралиқ бугунги ташкил қилганлигини кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, христианлик Рим империясида яшаган кўпчилик элатларнинг динлари, ривоятлари, урф-одатлари асосида ташкил топган. Бу дин дастлаб куллар, эзилган камбағалларнинг талабларини, “холоскорлик” ғояларини ўзига сингдирган дин сифатида вужудга келган. Кейинчалик унинг ижтимоий, диний структураси ўзгариши билан ҳукмрон табақалар қўлида мазлум халқларни эксплуатация қилишнинг ғоявий қуролига айланган.

Ўша даврда жамиятда юзага келган ҳукмрон доиралар билан мазлум халқлар ўртасидаги зиддиятни юмшатишга хизмат қилиши мумкин бўлган христианликдаги диний ғояларни ҳисобга олган император Константин 324 йили бу динни давлат дини деб эълон қилган. 325 йилда унинг кўрсатмаси билан Никей соборида христианларнинг 1 - йиғини бўлиб ўтган. Унда епископлар ва илоҳиётчилар христианликнинг асосий ақидаларини тасдиқлаб, черков ташкилотини такомиллашган ҳолга келтирганлар.

Шундан буён, даврлар ўтиши билан христианлик бутун Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Африка, Австралия қитъаларига ёйилган. Кейинчалик Марказий Осиё республикалари ҳудудларига ҳам қисман етиб келган жаҳон динидир.

Христианликнинг муқаддас диний ёзуви-Библиянинг иккинчи қисми-“Янги аҳд” бўлиб, у эрамизнинг I-II асрларида грек тилида яратилган. Библиянинг христианлик пайдо бўлмасдан бирмунча олдин яратилган I-қисми “Эски аҳд” деб аталиб, у иудаизмнинг муқаддас ёзуви ҳисобланади. Библиянинг иккинчи қисми - “Янги аҳд” деб аталиб, у христианликнинг муқаддас ёзуви деб ҳисобланади.

“Янги аҳд” 27 китоб (боб) дан ташкил топган. Унинг таркибига 4 та “Инжил” (Евангелие, яъни Хушхабар), хаворийларнинг (Исо шогирдлари, христианликнинг дастлабки тартиботлари) амаллари, 21 рисола ва Иоаннинг “Вахийномаси” киритилган.

Христианликнинг таълимоти бошқа жаҳон динлари каби мутлақ, абадий, ўзгармас қароматни, билимни, бениҳоя қудратнинг эгаси бўлган яқка худо ҳақидаги ғояни ўзлаштирган. Лекин улардан (ислом ва иудаизмдан) фарқи шундаки, у уч кўринишдаги яқка худони ўзида мужассамлаштирганлик ақидасини яратган. Уч кўринишдаги худо ҳақидаги таълимотга биноан, худонинг ички ҳаёти сабаби ўз-ўзидан мавжуд бўлган учликдаги уч асос ёки “муқаддас учлик” бўлган - ота-худо, ўғил-худо ва муқаддас руҳнинг ўзаро муносабатидир. Ўғил Исо баён қилинган таржимаи ҳолига кўра ота-худодан, муқаддас руҳ ҳам ота-худодан яратилган (проваслав йўналиши таълимоти), (католицизмда эса ота-худо ва ўғил-худо ҳам худодан туғилган).

Христианлик муқаддас руҳ-ота худо, бола худо ва муқаддас руҳ-уч юзли худо тўғрисидаги таълимоти, тарғиботи, ташкилотчилиги, жаннат ва дўзах, охират яъни дунёнинг гўё охири борлиги, Исонинг қайта тирилиши ҳақидаги ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади.

Христианлик давлат дини деб эълон қилингандан сўнг, 325 йили император Константин бошчилигида Никей шаҳрида христианларнинг I жаҳон йиғилиши бўлган. Йиғилиш христиан динининг қонун-қоидаларини ишлаб чиққан ва худони уч шахснинг (ота худо, ўғил худо) руҳ худо, бирликда ифодаланишидир деб уқтирган. 381

йили христианларнинг Константинополда бўлиб ўтган II жахон йиғилишида чўқиниш ва тирилиш ҳақидаги янги ақида қабул қилинган.

Ота худо табиат, одам ва фаришталарни яратган, деб ҳисобланади. Исо ўғил худо ҳисобланган. Худонинг гавдаланиши ақидасига кўра, Исо худолигича қолган холда Марияи исмли қиздан туғилган одам ҳам бўлиб қолган. Бутга парчинланган худо Исо тортган азоблари ва ўлими билан ўзини одамларнинг гунохлари учун ота худога қурбон қилган ва шу билан гуноҳини ювган. Ушбу ақидага кўра, гўё Исо одамзодга гунохлардан халос бўлиш йўлини кўрсатиб берган. Исонинг тирилиши ақидаси келгусида ҳамма одамлар тирилишининг гарови, деб эълон қилинган. У тирилгандан сўнг осмонга-ота худо ҳузурига чиққанлиги, яъни осмонга чиқиб тушиши (исломда меърож) ақидаси бу дунёдаги ҳаёт охиратдаги мангуликка нисбатан ҳеч нарсага арзимаиди, деб уқтиради.

Христианликда иймон калимаси “ягона, муқаддас собор ва опостол черкови” га ишонишни, чўқинтириш зарурлигини тан олишни, қиёматда ўликларнинг тирилишига, шундан сўнг савоб эгаларига мангу роҳат-фароғат кўриш, гунохкорларга доимий азоб-уқубат тортиш даври келишига ишонишни буюради.

Диний ғоялар таркиб топиши билан бир қаторда христиан ибодат маросимлари ҳам шаклланиб борган. Христиан маросимчилигининг энг муҳим элементлари сирли ибодат (таинстволар) деб юритилади. Булар қаторига чўқинтириш (сувга шўнғитиб олиш), миропомазание (чўқинтирилган кимсага хушбўй қатрон-миропа суртилгач, “муқаддас рух” нинг ҳузур-халовати унга ўтар эмиш); евхаристия ёки причастие (нон ва винони Исонинг танаси ва қони деб тасаввур этган холда истеъмол қилиш), тавба қилиш (диндорнинг руҳоний воситасида худодан кечирим сўраши ва ўз гуноҳларини унга айтиб бериши), никоҳ, руҳонийликка фотиха бериш, соборлаштириш, яъни беморни муқаддаслаштирилган зайтун мойи - елега бўяш кабилар қиради.

Христианликнинг бош ибодати литургия (обедня, месса) бўлиб, у ҳар хил афсунгарликлар, музика чалиш, ашула айтиш, “муқаддас” ёзувларни ўқиш, қад букиб таъзим бажо келтириш, шам ва чироқларни ёндириш, хушбўй нарсаларни чекиш билан қўшиб олиб бориладиган диний амаллардан иборат.

“Муқаддас учлик” нинг ҳар бирини, Биби Марямни улуғлаш “худога хуш келган авлиёларга”, худо ярлақанларга ҳам сиғинишни келтириб чиқарган. Христианликда бутга чўқиниш ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Унда пасха (Исонинг тирилиши), тариқа (ёки пятидесятница), рождество (Исонинг туғилиши) ва бошқа байрамларга катта ўрин берилган.

Христианлик шаклланиб турли мамлакатларга ёйилиши, ижтимоий ҳаётда юзага келган сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий силжишларга ҳам дуч кела бошлаган. Бошқа жахон динлари каби унда ҳам турли йўналишлар, мазҳаблар, секталарга бўлиниш жараёни содир бўлган.

Энг биринчи ажралиш христианликда IV-V асрларда рўй берган, яъни Исои масихни талқин қилишда фаркланадиган иккита диний-ақидавий йўналишлар-монофизилар ва несторианлар юзага келган.

Кўпчилик христианлар Исои масихни ҳам худо, ҳам одам табиатига эга деб билса, Константинополь архимандрати Евтаҳия таълимотининг тарафдорлари бўлган монофизилар у фақатгина худо моҳиятининг бирлигидан иборат деб ҳисоблаганлар. Константинополь патриархи Нестор қарашлари тарафдори бўлган несторианлар эса у худо инсонлар ҳаёти каби яшаши учун вужудга келган одамдир, деб тарғиб қилдилар.

1054 йилга келиб христианликнинг православ ва католик черковига бўлиниши расман тан олинган. Бу бўлиниш Рим империясининг Шарқий ва Ғарбий қисмлари орасидаги феодал муносабатларнинг тафовутларини ўзида акс эттирган; Рим папаси

билан Константинополь патриархи ўртасидаги жами христиан церковлари устидан якка ҳокимлик ўрнатиш учун шиддатли курашлар билан боғлиқ бўлган. Христианликнинг алоҳида ва мустақил ғарбий тармоғи Рим католик черкови, яъни умумий, жаҳон Рим черкови деб атала бошлаган. Дунёвий ҳокимиятга тобе бўлган Шарқий христианлик грек-кефилик (грекча-бутун дунё) ёки изчил, собитқадам (ортодоксал) христианлик деб атала бошланган. Православие ва католицизм ораларида умумийлик ҳам, бир-биридан фарқланадиган жихатлари ҳам бор.

XVI асрдаги реформация жараёнида феодализм ва капитализмга қарши кенг қулоч ёзган ҳаракатлар Европадаги буржуа революцияларининг энг биринчи ифодалари эди. Католицизмдан бир неча Европа церковлари ажралиб чиқиши натижасида христианликда протестантлик ҳаракатлари вужудга келган. Бунинг доирасида лютеранлик, баптизм, англиканлик ва кальвинизм церковлари шаклланган. Ҳар бир черковнинг асосий маросимлари жихатидан ўзларига хос бўлган томонларга эга бўлиши билан бир қаторда, булар ҳам ўз навбатида бир неча йўналишлар, мазҳаблар ва оқимларга бўлинди.

Ҳозирги замон христианлигида турли йўналиш ва оқимлар орасидаги келишмовчиликларнинг камайтирилиши бутунги кун учун хосдир. Бунга 1948 йилда ташкил топган Жаҳон церковлари кенгашининг фаолиятлари ва экуменик христианлар кўмаклашмоқда.

Христианликнинг Шарқий тармоғи бўлмиш православиянинг ривожланиши жараёнида 15 мустақил (автокефал) церковлари: Константинополь, Александрия, Антиохия, Қуддус, Рус, Грузия, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албания, Польша, Чехословакия, Америка церковлари шаклланган.

Ўзининг аҳамиятига кўра православ дунёсида бешинчи бўлган, лекин мухлислари сони жихатидан биринчи бўлган рус православ черкови X-XI асрларда вужудга келган. Унинг пайдо бўлиши эндиgina шаклланаётган феодал муносабатларни ҳимоя қилиш учун, янги ғояга мухтож бўлган Киев давлатининг ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларини қондириш учун керак эди. Руснинг христианлашуви дарров амалга ошган ижтимоий жараён бўлмай, бир неча аср давом этган зиддиятли тарихий ходиса эди.

Православларнинг Марказий Осиё аҳолиси орасига кириб келиши XVI-XIX асрларга тўғри келади. Аввал савдо-сотик, кейин бу минтақа халқларини мустамлакага айлантиришдан иборат бўлган ғарбий ҳаракатлар жараёнида у кириб келган. 1870 йили Покровск монастири қошида миссионерлик жамияти ташкил қилинган. Жамият аъзолари маҳаллий миллатларга мансуб аҳоли орасида, гарчи жиддий натижаларга эга бўлмаган бўлса ҳам, христианлик билан боғлиқ катта тарғибот ишларини олиб борганлар. Шу мақсадда 1844 йили “Каромат кўрсатувчи Николайнинг ҳаёт йўли” номли рисолаи қирғиз тилига таржима қилдилар ва чоп этдилар, махсус диний мактаблар очилди. 1872 йили Рус православ черковига қарашли Туркистон (кейинчалик Тошкент, Ўрта Осиё) епархиал бошқармалари очилди.

Тошкент ва Ўрта Осиё епархиал бошқармаси (унга 22 диний жамоа бўйсунди) ҳам мустақил жумҳуриятларда виждон эркинлиги талабларига риоя қиладиган тадбирлар ўтказмоқда, халқлар ўртасида осойишталик қарор топтириш учун ҳаракат қилмоқда.

Православиенинг ижтимоий, сиёсий қарашларини ва диндорларнинг диний онглари билан боғлиқ ҳамма ўзгаришлар уларнинг дунёқараш мавқеларини мажбуран ўзгартиришларига олиб бормайди. Зеро, русга христианлик кириб келишининг минг йиллигини тантанали тарзда байрам қилинишининг ўзи жамоатчиликнинг кенг доиралари орасида муайян таассурот қолдирди.

Бу христианликда энг кўп тарқалган йўналишдир. У Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида тарқалган бўлиб, тахминан 800 млн. кишини ташкил қилади.

Католицизм таълимотида жаннат ва дўзахлар оралиғидаги дунё, гунохкорларнинг руҳи, жони ҳақидаги, Исои масихни бениҳоя хурматлаш, унинг танаси ва жонини кўкларга кўтариш сохаларидаги диний ақидалар мавжуд.

Католицизмда Библияни шархлаш ҳукуки фақатгина руҳонийларга берилади; чунки улар уйланмаслик ҳақидаги диний талабга амал қиладилар. Диний ибодатлар дабдабали ва сахналаштирилган кўринишга эга; диний ўқиш, дуо, илтижолар лотин тилида олиб борилади. Православиедаги каби католицизмда ҳам фаришта, илоҳий куч, чиримайдиган мархум жасадларига сиғиниш одатлари сақланиб қолган.

Католицизм бошқа йўналишлардан фарқли ўлароқ марказлашган тизимга эга. Ватикан ана шундай марказ сифатида (майдони 44 гектар) 1924 йилдан бошлаб Папа Пий XI нинг Муссолини ҳукумати билан тузган битимига мувофиқ мустақил теократик давлат ҳисобланади. Рим Папаси черковнинг якка раҳбари бўлиб, у Исои масихнинг ердаги ноиби ҳисобланади. 1870 йили эътиқод ва ахлоқ масалаларида унинг бенуқсонлиги ҳақидаги ақида қабул қилинди. 1978 йилда собиқ Польша кардинали Король Войтила 264-Рим папаси этиб тайинланди ва у ҳозирга қадар Иоанн Павел II номи билан бу вазифани бажармоқда.

Сон жихатдан унчалик катта бўлмаган католик жамоалари Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларида ҳам мавжуд. Тошкентда 1990 йилда католик маркази тузилган, унинг қошида жумҳуриятимизнинг бошқа ҳудудларидан рўйхатдан ўтган католик диний жамоалари ҳам ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Бу ҳам христианликдаги яна бир йўналиш бўлиб, католицизм ва православиедан фарқли ўлароқ, диний қарашлар жихатидан ҳам, черковлар орасидаги муносабатлар жихатидан ҳам бир хил бўлмаган йўналишларни фақатгина келиб чиқиши жихатидан бир-бирлари билан, XVI асрдаги янгиланиш ҳаракати билан боғлиқ бўлган кўпгина диний жамоалар, черковлар, мазҳабларни юзага келтирилган.

Протестантлик умумхристианлик асослари ва қарашларини эътироф этиш билан бир қаторда, у гунохдан халос бўлишнинг янги усуллариини илгари сурди. Исои масихнинг кишилар гуноҳини ювишга қаратилган ўзини-ўзи қурбон қилишига ишонч, динга ишонувчи барча кишиларнинг руҳоний бўлиши мумкинлигига ишонч, Библиянинг олий нуфузига ишонч орқали халос бўлиш ана шулар жумласига киради. Шундай қилиб протестантлик художўйликнинг асосий талабини динда одамнинг ташқи кўринишидан ички ҳаётига олиб ўтди ва уни ихтиёрий диний ишонч билан боғлади. Протестантчилик Библияга сиғинишнинг ўзига хос шаклини қарор топтирди. Бу билан протестант ислохотчилари дастлабки христианликнинг олий мақсадларини, юксак орзуларини қайта тиклаш, уни кейинги давр черковлари “бузишлардан” халос қилишга интилдилар.

Протестантлик диний маросимларнинг кўпчилигини бекор қилган (фақатгина лютеранликда нон ва вино билан чўқинтиришлар сақланиб қолган). Ўлганларга бағишлаб дуо ўқиш, азиз-авлиёларга сиғиниш, улар шарафига турли-туман байрамлар ўтказиш, муқаддас мурдаларга, санамларга топинишлар бекор қилинган. Ибодат уйлари ортиқча безаклардан, меҳроб, санам, хайкаллардан холи қилинган; моностирлар ва монахликдан ҳам воз кечилган, руҳонийларнинг уйланмаслик шarti бекор қилинган. Библия миллий тилларга таржима қилинди, уни шархлаш ҳар бир художўйнинг энг муҳим бурчи бўлиб қолди.

Лютеранлик, баптизм, англиканлик, калвинизмлик протестантликнинг илк шакллари бўлган. Кейинчалик “сўнгги протестантлик” умумий номи билан маълум бўлган бир қанча диний оқимлар, ташкилотлар пайдо бўлган.

Марказий Осиёда ҳам протестантлик мухлислари учрайди. Лютеран жамоалари аъзолари Қирғизистонда, Қозоғистонда ва Тожикистоннинг Жанубий томонларида, Туркманистонда, Ўзбекистонда, чунончи Сирдарё, Фарғона вилоятларида яшайдилар. Булар асосан немис миллатига мансуб бўлган диндорлардир. Тошкентдаги лютеранларга, диний тоат-ибодатларини бажаришлари учун, умумий диний эҳтиёжларини қондириш учун улар ихтиёрига 30-йилларда қурилган кирха берилган. Душанбада ана шундай диний мақсад учун диндорларнинг маблағлари ҳисобига ва кенг жамоатчиликнинг, жумладан хорижий мамлакатдагиларнинг иштирокида янги Кирха қурилган. Бу жамоада диний ҳаёт билан боғлиқ чўқинтириш, мархумга жаноза ўқиш, балоғат ёшига етганларни диндорлар сафига қўшиш ва никоҳ ўқитиш маросимлари ўтказилади. Диний байрамлар мунтазам нишонланади, диний тарғиботлар, ваъзлар ўқилади, диний мулоқотлар ташкил қилинади.

Маълумки, динлар ва диндорлар орасидаги ўзаро ҳамфикрлик ва мулоқотлар жамият тараққий этган сари ривожланиб боради. Динлар орасидаги мулоқотлар, ҳозирги даврнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, халқаро аҳамиятга эга бўлган масалага айланмоқда. Марказий Осиё диндорлари орасидаги алоқалар, муносабатларнинг янада чуқурлашуви улар раҳбарияти ва оддий диндорларнинг энг долзарб маънавий-ахлоқий муаммоларини, табиатни асраш ва уни муҳофаза қилиш, болалар ва қариялар ҳақида ғамхўрлик, тинчликни сақлаш ва хайрия ишлари, жамиятнинг демократик жараёнларига ва унинг ижтимоий, сиёсий жихатлардан ривожланишига кўмаклашишлар билан боғлиқ масалаларни хал қилишга қаратилган ҳамкорликлар асосида ривожланмоқда.

XI асрнинг охирида христианликнинг Шарққа томон ҳаракати ва тарқалиши оммавий тус олди. Бу динни маҳаллий аҳоли орасида тарқатувчилар Шарқнинг айрим вилоятларига илгарироқ кириб борганлар. 280 йилдаёқ Талос (Мерке) да христиан черковлари қурилган бўлиб, Самарқандда (301 йилдан), Марвда (334 йилдан), Хиротда (430 йилдан), Хоразмда, Марида ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископлик, кафедра, миссиялар, кейинчалик Самарқандда, Марвда (430 йиллар), Хиротда (558 йиллар) 6-12 епископикдан иборат диний ҳудудий жамоалар, бирлашмалар бўлган. Хуросонликлар ва суғдиёналиклар буддистлар, зардуштийлар, монийлар билан бир қаторда христианлар ҳам бўлган. Улар қорахитойлар ва сосонийларга қарам ерларда таъқиб қилинганлар.

Марказий Осиё ҳудудида ислом тарқатилган даврларда бу дин билан христианлик ўртасидаги келишмовчиликлар кескинлаша бошлаган. Бироқ, X асргача Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятларида христианларнинг манзилгоҳлари бўлган. Хатто Беруний яшаган даврда ҳам (973-1050) Марвда православ митрополияси бўлган.

Ана шу даврларда христианлик Кавказда ҳам тарқала бошлаган; Арманистон (301 йил) ва Грузияда (318 йили) давлат динига айланган. Кавказ Албанияси ҳудудида эса (ҳозирги Озарбайжон ва Жанубий Доғистон ҳудуди) IV-VIII асрларда ёки хукмрон дин ҳисобланган.

Ўша даврдаги кўпдан-кўп ва бир-бирига қарши қурашаётган динлар орасидаги Шарқнинг хукмронлари томонидан энг кўп ҳомийлик кўрсатилган дин христианликнинг шарқий йўналиши бўлмиш несторианлик бўлган. Халиф саройларида несторианлик патриархларига бутун шарқ христианлигининг ҳомийси сифатида қаралган, патриархнинг қароргоҳи эса Константинополдан Бағдодга кўчирилган. Несторианлар христианликни Туркистонда, амургача бўлган Шимолий ва Ғарбий Хитойда тарғиб қилганлар. Несторианликнинг Марказий Осиёдаги таянчи ва исломга қарши қурашдаги маркази 1257 йилдан сўнггина ўз фаолиятини тўхтатган Самарқанд митрополияси бўлган.

Ҳозирги даврда христианлик мухлислари сони жихатидан энг кўп тарқалган (1 миллиард 400 миллион) дин бўлиб, у бир қанча мустақил черков, секта, йўналиш ва оқимларга бўлинади.

Ҳозирги мустақил Ўзбекистонда 120 дан зиёд миллат ва элат яшайди. Булар орасидаги диндорлар 15 конфессияга, яъни диний уюшмага эътиқод қилади. Булар доирасида исломдан сўнг 2-ўринни христианликнинг православ оқими эгаллайди. Унинг бир неча черкови ва марказий уюшмаси, чунончи баптист, иеговист, адвентист каби секталари бор.

Ўзбекистон Конституцияси ва унга асосланиб ишлаб чиқилган виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида янги тахрирда эълон қилинган қонунга асосан республикадаги барча диний уюшмалар эркин, ошқора, тенг ҳуқуқли тарзда фаолият кўрсатмоқ-далар. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар қонун бўйича кафолатланган.

Республикамиздаги барча конфессиялар орасида тотувлик. ҳамжихатлилик мавжуд бўлиб, халқимизни тарбиялашга, тинч ва хавфсизликни сақлашга христианлик жамоалари ҳам салмоқли хисса қўшмоқдалар.

6-мавзу: Ислом

Режа:

- 1.«Жоҳилия» даври арабларнинг диний анъаналари ва кўпхудолик.
- 2.Муҳаммад ибн Абдуллоҳ - диний раҳнамо ва давлат арбоби.
- 3.Ислом дини таълимоти.
- 4.Ислом ва ҳозирги замон.

Ислом-дунёда нисбатан кенг тарқалган жаҳон динларидан биридир. Осиё қитъасидаги Арабистон яриморали, Иордания, Сурия, Ироқ, Эрон, Туркия, Афғонистон, Покистон, Африка қитъасидаги Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия, Миср Республикаси, сингари мамлакатлар халқлари, Эфиопия, Ғарбий Суданда яшовчиларнинг бир қисми, Малайзия, Индонезия халқлари, Ливан, Хиндистон, Хитой ҳамда Филиппин аҳолисининг маълум бир қисми. Европа қитъасида эса Болқон яриморалида яшовчи халқларнинг бир бўлаги исломга эътиқод қилади. Ислом Марказий Осиё, Закавказье ва Шимолий Кавказ, Волгабўйи, Ғарбий Сибирь ва бошқа айрим ҳудудларда яшовчи аҳолининг бир қисми онги ва турмушида мавжуддир. Бу халқларнинг турмуш тарзига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ер юзиде исломга эътиқод қилувчилар, яъни мусулмонлар бир миллиард 200 млн.дан ошди.

Европа, Америка ва Россияда ислом, унинг тарихи ва манбаларини ўрганиш XIX асрнинг 2-ярмидан бошланган. Лекин ислом тарихи, таълимоти, муқаддас ёзувларини таҳлил, тадқиқ қилиш Россияда айниқса Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Шимолий Кавказда кенг кўламда анча олдин амалга оширилган. Бу иш энди янада кенгроқ миқёсларда олиб борилмоқда.

Европалик олимлар исломшунослик фанини яратиш, ислом тарихи ва манбаларини ўрганиш йўлида кўп хизмат қилганлар. Жумладан, М.Мюллер, Э.Тайлор, К.Тиле, Ш. дела Соссе, Ж.Фрейзер ва бошқалар. Уларнинг ҳулосаларида айрим чекланишлар бўлишига қарамай, улар бу фanning ривожланишига муҳим хисса қўшганлар.

Рус шарқшунослигида ҳам ислом тарихи, диний манбаларни тадқиқ қилиш соҳасида баракали ишлар олиб борилган В.Р.Розен асос солган машҳур “Рус академик шарқшунослиги” нинг вакиллари Н.А.Медников, Л.Э.Шмидт, А.Е.Кримский, В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, Е.Э.Бертельс, А.А.Семенов ва бошқалар

исломшунослик соҳасида қимматли асарлар яратганлар. Бу асарлар ҳозир ҳам исломшунос олимлар учун бой манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ислоннинг вужудга келишини таҳлил этиш ўша тарихий давр-VI-VII асрларга хос хусусиятлар, араб қабилалари ўртасида ҳукмрон бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва уларнинг диний-ғоявий ҳаёти билан қисқача танишиб чиқишни тақозо этади.

Арабистон яримороли иқлим шароити ноқулай қумли саҳролар ва тоғлардан иборат бўлиб, кўчманчи аҳолиси бадавлат V-VII асрларда чорвачилик билан шуғулланар эди.

Яриморолнинг нисбатан яхши иқлим шароитига эга бўлган қисмида жойлашган Яман номли кичик бир вилоят, қадимдан ривожланган қишлоқ хўжалик ва маданият марказларидан бири бўлган. У ерда қулдорлик тузуми тараққий этган, сўнгги қулдорлик давлати бўлган Химъарийлар подшолиги эрамизнинг II асрида ташкил топган ва VI аср бошларида таназзулга юз тутган. Лекин яриморолнинг бошқа ҳудудларисувсиз саҳролардан иборат бўлганлиги сабабли ўтроқ деҳқончилик фақат ва айрим жойларда саҳролар ўртасидаги онда-сонда учрайдиган кичик воҳалардагина бирмунча тараққий этган эди. Бу ерларда деҳқончилик ҳам ноқулай иқлим шароити туфайли ҳар томонлама чекланган эди, асосан хурмо ва арпа етиштириларди.

Қадимий тараққиёт маркази бўлган Яманда ривожланган қулдорлик тузуми ҳукмрон бўлиб, ярим оролнинг шимолий қисмида жойлашган ва Византия ҳамда Эрон каби қадимий империялар таъсири остида бўлган ҳудудларда савдо муносабатлари эндигина ривожлана бошлаган, саҳроларда кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган араб қабилалари ўртасида патриархал, уруғ-қабилачилик тартиби ҳукмрон эди. Бу тартибнинг емирилиши ва синфий муносабатларнинг таркиб топиши даври эндигина бошланган эди.

Оғир иқлим шароити ва ишлаб чиқарувчи кучлар заиф ривожланганлиги сабабли Арабистон ярим оролида яшаган кўпчилик қабилалар тараққиёт жихатидан Миср, Византия, Эрон, Месопотомия каби қадимий маданият марказлари аҳолисига нисбатан анча орқада қолиб кетган эди. Яриморолнинг ғарбий қисмида Қизил денгиз қирғоқлари бўйлаб чўзилган ва Хижоз деб ном олган ҳудуд бу даврда иқтисодий жихатдан бирмунча ривожланганди. Бунинг сабаби сувли воҳаларда деҳқончилик билан шуғулланиш имконияти мавжуд бўлганлигидан ва жанубдан шимолга томон қадимий қарвон йўли ўтганлигида эди. Тарихий манбаларга кўра, VI аср ўрталарида бу йўл жанубда Яман орқали Хабашистон ва Хиндистон билан, шимолда Сурия орқали Миср, Византия ва Эрон билан боғланган. Ўз даври учун катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган Хижоздаги айрим аҳоли манзиллари, шаҳарлар, хусусан йўл устида жойлашган Ясриб (Тоиф) шаҳри, VI асрда анча кенгайган ва гавжум савдо марказларига айланган эди.

Макка савдо маркази сифатида катта аҳамиятга эга бўлиб, атрофдаги қабилаларга бошқаларга нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатар эди. Маккада Указ номли катта бозор жойлашган эди. Араб қабилалари ўртасида Макканинг диний марказ сифатида роли ҳам анча ошган эди. Маккада Каъбатиллох ибодатхонаси турли араб қабилаларининг 360 худосининг санам, яъни бутчалари мавжуд бўлгани туфайли бу шаҳар ўз атрофида яшовчи кўп қабилалар учун эътиқод маркази - зиёратгоҳга айланган эди. Арабларда ҳам тижорат, ҳам зиёрат деб бежиз айтмаганлар.

V-VII асрларда Маккада арабларнинг қурайш қабиласи ҳукмрон бўлиб, буларнинг юқори табақалари савдо-сотик авж олиши натижасида анча бойиб кетган; пул муомаласи, судхўрлик ривожланган, шунингдек, қул савдоси ва қулларнинг меҳнатидан фойдаланиш ҳам анча кенгайган.

Шарқшунос олимларнинг тадқиқотлари шундан далолат берадики, қадимий Яманни истисно қилганда, Арабистон яриморолида яшовчи қабилалар учун V-VI асрларни иқтисодий уруғ-қабилачилик тузуми емирила бошлаган ва кулдорлик муносабатлари вужудга кела бошлаган давр, деб тавсифлаш мумкин ва лозим. Ҳама даврда кучли империялар бўлган Византия ва Эрон ўртасида Яманни қўлга киритиш ва қарвон йўлларида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун кураш давом этган.

Яман сосонийлар ҳукмронлигига ўтган даврларда (572-628 йиллар) Эрон кўрфази орқали Хиндистонга борадиган йўл тез ривожлана бошлаган ва шу муносабат билан Хижоз орқали ўтган қарвон йўли инқирозга учраган. Бу ҳол фақат Хижоз шаҳарларигагина эмас, балки барча араб қабилалари ҳаётига ҳам жиддий таъсир кўрсатган ва Арабистонда ижтимоий-иқтисодий инқирознинг бошланишига сабаб бўлган.

Савдодан келадиган даромад камайиб кетиши натижасида қурайш зодагонлари ўртасида судхўрлик авжга чиққан; қулар, камбағалларни эзиш кучайган Макка ва Хижознинг бошқа шаҳарларида мазлумлар билан золимлар орасидаги қарама-қаршиликлар кескинлашган. Бир томондан, қул эгалари билан қулар ўртасида, иккинчи томондан, қabila зодагонлари билан оддий меҳнаткашлар ўртасида синфий қарама-қаршиликлар кучайган. Қабилаларнинг юқори табақалари, айниқса, Макка зодагонлари қўшни мамлакатларни босиб олиб катта бойлик, ўлжани қўлга киритиш ва шу орқали ҳокимиятни мустаҳкамлаш, иқтисодий инқироздан қутилиш ҳақида тез-тез ўйлай бошлаганлар.

Аммо тарқоқлик ва келишмовчиликларга барҳам бериш, барча араб қабилаларини, уларнинг иқтисодий ва ҳарбий имкониятларини ягона давлатга бириштириш зарур эди.

Араб халқи ҳаётни VI аср охири VII аср бошларида юз берган жиддий тарихий воқеалар араб қабилаларининг ижтимоий ҳаёт тақозаси билан вужудга келган марказлашишга интилишга ундаган. Ислоҳ айна шу интилишни ўзида акс эттирган ғоя, мафкура сифатида юзага келган, марказлашган араб давлатининг вужудга келиши, қўшни малакатларнинг босиб олиниши, араб халифалигининг кенгайиши жараёнида кучли ғоявий қурол сифатида хизмат қилган.

Марказий ва Шарқий Арабистон ярим ороли саҳроларида яшаган араб бадавийлари ўртасида ибтидоий тузумга ҳос бўлган политеистик маъжусийлик диний тасаввурлари ҳукмрон эди.

V-VI асрларда бу қабилаларнинг диний эътиқодлари тотемизм, фетишизм ва анимизм каби диний тасаввурларнинг қоришиғидан иборат эди. Кўп қабилалар алоҳида тошларга эътиқод қилар, инсонга ёрдам берадиган эзгу руҳлар, ёвуз жинлар ва айёр шайтонлар тўғрисидаги тасаввурлар кенг тарқалган эди.

Ҳар бир қabila ўз худосининг санамига сиғинар, топинар эди. Бу ҳол диншуносликда кўп худоиликнинг арабларга ҳос кўриниши, деб тавсифланган. Қуръонда бундай эътиқод ширк деб ном олган. Бундан ташқари араб қабилалари ўртасида Қуёш ва Ойга топиниш ҳам мавжуд эди.

V-VI асрларда араб қабилалари уруғ-қабилачилик тузуми емирила бошлаган, ибтидоий диний тасаввурлар таназзулга юз тутган эди. Қабилалар ўртасида марказлашишга бўлган интилишнинг ғоявий инъикоси сифатида яқка худоликка ҳос диний ақидаларнинг қуртаклари шакллана бошлаган. Яқка худоилик тўғрисидаги бундай диний таълимот ислоҳдагина эмас, балки у пайдо бўлмасдан бирмунча вақт илгари Арабистоннинг айрим жойларида тарғиб қилина бошлаган эди. Ислоҳ эса ана шу тарғиботларнинг галдаги шаклланиши ва таркиб топишининг натижаси сифатида вужудга келган.

Исломдан илгари араб қабилалари орасида якка худоилик тўғрисида тарғибот юритган, ўзини пайғамбар деб эълон қилган шахслар тарихий манбаларда “ханифлар”, яъни ҳақ-хақиқат изловчилар номи билан маълумдир. Исломнинг пайдо бўлиши араб қабилалари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муайян босқичи билан боғлиқ бўлган.

Хижозда “ханифлар” деб аталган ягона худога эътиқоднинг бир неча тарафдорлари Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбаргача ҳам бўлган ва улар христиан ёки яҳудий бўлмаганлари ҳолда якка худога ва охират кунига ишонганлар. Улардан Мусайлима, Сажжох, Тулайх, Асвод қабиларнинг номлари ривоятларда сақланиб қолган.

Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбар хижрий 11-йилнинг раби-ал-аввал (632 йил июнь) ойида Мадинада 63 ёшида вафот этган. Бу даврда анчагина мустаҳкам мусулмон давлати вужудга келган; у Ямандан Сино яриморолигача, Қизилденгиз сохилларидан марказий кум саҳролари-Саҳрои Кабиргача чўзилган катта ҳудудни ўз ичига олган эди. Муҳаммад(с.а.в.) вафотидан кейин унинг ўринбосарлари-халифалар давлатни бошқара бошлаганлар. Шу муносабат билан мусулмонлар давлати ўзининг бундан кейинги тарихида “Араб халифалиги” деб ном олган. Муҳаммад(с.а.в.) вафот этган биринчи кунларданоқ мусулмонлар жамоасининг йўлбошчилари ўртасида ҳокимият учун кураш ва ўзаро ихтилофлар бошланган. Бу курашда муҳожирлар гуруҳи ғолиб чиққан ва Муҳаммад(с.а.в.)нинг илк сафдошларидан бири Абу Бакр халифа деб эълон қилинган.

Абу Бакр ҳукмронлигининг (632-634 йиллар) дастлабки йиллариданоқ бир қатор араб қабилалари ўртасида Мадина ҳукмронлигига қарши ўз мустақиллиги учун ҳаракат бошланган.

Натижада Амударё сохилларидан Шимолий Африкагача, Тбилиси ва Дарбанддан Яман ҳамда Уммонгача чўзилган янги империя вужудга келган. Араб қўшинлари бадавийлар ва бошқа ҳар хил қабилалардан ёллаб олиб тузилган бўлиб, ўз замонининг ҳарбий санъат ва техника даражасидан ҳам анча орқада эди. Осонлик билан эришилган ғалабаларнинг асосий сабаби уларга жиддий қаршилик кўрсатадиган кучнинг йўқлигида, борларининг ҳам тарқоқлигида эди. Қадимий империялар-Византия ва Эрон ўзаро урушлар туфайли ҳолдан тойган, уларнинг қудрати сўниб, чирий бошлаган эди. Шимолий Хиндистон, Марказий Осиё ва Кавказда ҳам йирик давлатлар йўқ эди; майда феодал давлатлар ўзаро урушлар натижасида кучсизланган ва тарқоқ ҳолда эди. Шунинг учун ҳам араб қўшинлари нисбатан қисқа давр ичида ана шундай катта ҳудудларни босиб олишга муваффақ бўлган эдилар.

Исломга эътиқот қилувчилар энг аввало, дин асослари-“аркон-ад-дин” ҳисобланувчи беш асосий амалий ва маросимчилик рукн талабларини бажаришни талаб этган. Ҳозир ҳам шундай. Булар, биринчидан, калимаи шаҳодатни билиш; иккинчидан, ҳар куни беш вақт намоз ўқиш, учинчидан, ҳар йили рамазон ойида бир ой рўза тутиш; тўртинчидан, йилига бир марта шахсий молидан закот бериш; бешинчидан, имкон бўлса, умрида бир марта ҳаж қилишдан иборат. Исломга ҳос маросимлар ва одатлар мана шу беш рукн билан чамбарчас боғлиқдир. Исломнинг бу амалий ва маросимчилик талаблари халқлар турмуш тарзига киритилиб, ўзига ҳос маънавий маданиятнинг турига, анъанага айлантирилган. Бу рукнларнинг ҳар бирига қисқа-қисқа изох бериб ўтамыз.

Исломнинг рукнларидан бири-ташаххудни-калимаи тоййибани билиш, яъни Оллохнинг бирлиги ва Муҳаммад(с.а.в.) унинг элчиси эканлигига чин дилдан иқдор бўлиб, бу калимани доим такрорлаб юриш зарур деб ҳисобланади. Авваллари калимаи тоййиба, ёки шаҳода араб тилида айтилган бўлса, ҳозирги пайтда ҳар бир мусулмон Оллохга эътиқод қилишнинг бу рукнини ўз тилида айтмоқда.

Ислом эътиқот қилувчиларнинг кунда беш вақт намоз ўқишни талаб қилади. Булар-бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон намозларидир. Намоз ўқишга киришишдан

олдин тахорат қилиш буюрилган. Намоз Оллохга ҳамду сано ўқиш, намоздан сўнг ўз ниятларини айтиб, ундан марҳамат тилашдан иборат. Ислон кундалик беш вақт намоздан ташқари, муҳим ишлар олдида ҳам худога сиғинишни талаб қилади. Яна ислон динидаги киши ҳар йили рамазон ойида бир ой рўза тутиши керак.

Ислонда пайғамбар сифатида эътироф этилган, қурайш қабиласининг хошимийлар хонадонидан бўлган Муҳаммад(с.а.в.) ибн Абдулло ислон даъватида тарқалишида ва таълимотини шакллантиришда етакчи рол ўйнаган.

Пайғамбар форсча сўз бўлиб, хабарчи, даракчи демакдир. Арабча набий дейилади. Расул сўзи арабча бўлиб, маъноси элчидир. Бинобарин, пайғамбарлар илоҳий таълимот ва дин ақидаларини ўз умматларига етказувчи хабарчидир, Оллохнинг элчисидир.

Пайғамбарларнинг адади Қуръон, Ҳадис ва бошқа манбаларда қатъий белгиланмаган. Баъзи манбаларда уларнинг сони 124 минг дейилади. Қуръони Каримда 25 нафар пайғамбарнинг номи тилга олинган. Улар Одам, Идрис, Нух, Хут, Солих, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Якуб, Юсуф, Лут, Айюб, Зи-л-Кифл, Юнус, Мусо, Хорун, Шуайб, Илос, ал-Ясаъ, Довуд, Сулаймон, Закариё, Яхё, Исо ва Муҳаммад(с.а.в.)дир. Ислон таълимотига кўра барча пайғамбарларга баробар иймон келтирилади.

Тарихий манбалардаги ва Қуръон оятларидаги айрим ишораларга кўра, Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбар 570/71 йилда Маккада туғилган, ёшлигида етим қолган, аввал бобоси кўлида, у вафот этгач, амакиси кўлида тарбияланган, балоғатга етгач, савдогарлар кўлида хизмат қилган. 25 ёшида бева бой хотин Ҳадичага уйланган ва унинг маблағлари билан мустақил савдогарлик қила бошлаган. Савдо қарвонлари билан Сурия, Фаластин ва Месопотамиянинг айрим шаҳарларида бўлган; у ерлардаги диний эътиқодлар билан танишган, руҳонийлар билан суҳбат қилган. У тахминан 39-40 ёшларга кирганда Маккада яқка худо - Оллохга эътиқод қилиш тўғрисидаги тарғиботни бошлаган.

Диний назарияда ислон Оллох юборган сўнгги мужассам дин эканлиги, Қуръон Оллохнинг мўъжиза каломи бўлиб, Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбарга вахий тарзида тушган, тиловати ибодат ҳисобланувчи китоб деб талқин қилинган. Илк вахий-диний таълимотга кўра рамазон ойининг йигирма еттинчи кунига ўтар кечаси, милодий ҳисоб билан 610 йилнинг 31 июлидан 1 августига ўтар кечаси бошланган ва 23 йил давом этган. Вахий туша бошлаган тун “Лайлатул қадр” деб атала бошлаган. Бу ходиса Қуръоннинг 97- “ал-Қадр” сурасида ифодаланган. Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбар тарғиботи бошланган дастлабки йилларда жуда оз киши унинг изидан борган. Шу билан бирга қурайшийларнинг уммавийлар хонадонига мансуб бўлган ва Маккада сиёсий ҳокимият тепасида турган зодагонлар ўша даврдаёқ унинг тарғиботига қаршилиқ кўрсата бошлаганлар. Бадавийлар ҳам уни аввал бошқа қўллаб-қувватламаганлар. Маккада аҳоли жиддийлашгач, Муҳаммад(с.а.в.) Макка ҳукмдорлари билан рақобатлашиб келган қабилаларнинг вакиллари билан музокаралар олиб борган ва 622 йили уларнинг ёрдамида Мадинага хижрат қилган, кейин бутунлай кўчиб кетган.

Мусулмонларнинг хижрий йили ҳисоби шу кўчиш арабча “хижра” дан бошланган. Маккадан кўчиб борганлар ислон тарихида “муҳожир” (кўчиб келган) лар, мадиналик қабилалардан ислонни қабул қилганлар эса “ансор” (ёрдамчи) лар деб ном олганлар. Орадан 2 йил ўтгач хат қилишга унинг ўзи ҳам Маккага келган. Бу ҳақда “Муҳаммад(с.а.в.)нинг нутқи” деган маълумот сақланган.

Макка зодагонлари манфаатига зид тарғибот олиб борган Муҳаммад(с.а.в.)ни таъқиб этиш кучайган. Айниқса, ўзи маъжусий бўлса-да, унга ҳомийлик қилган амакиси Абу Толибнинг вафотидан кейин Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбарнинг ҳаёти хавф остида қолган. У ўзига содиқ барча кишилар билан Хижознинг шимолида жойлашган,

унинг даврида “Мадина”, яъни шаҳар деб қайта номланган Ясриб шаҳрига кўчиб кетишга мажбур бўлган. Қуръон оятларининг мазмунига қараганда, бу кўчиш анча вақт давом этган. Муҳаммад(с.а.в.) орқасидан одамлар бирмунча вақт давомида гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб турганлар. Маккадан кўчиб келганларнинг кўпчилиги-мухожирлар деб тавсифланган камбағаллар ва ночор кишилар эди. Шунинг учун ҳам дастлабки даврларда ансорлар уларга ёрдам кўрсатганлар.

Мадина шаҳрида Муҳаммад(с.а.в.) тарғиботини қўллаб-қувватлаган ва унга эргашган мухожир ва ансорлардан иборат мусулмонлар жамоаси (умма) вужудга келган. Бу жамоага Мадина арабларининг аъзо бўлиб кириши хижрийдан кейинги йилларда давом этган. Муҳаммад(с.а.в.) катта кучга айланган жамоага раҳбарлик қилар экан, ўз тарафдорларига расул-Оллохнинг элчиси, одамларга илоҳий йўл-йўриқ ва қонунларни етказувчи пайғамбар бўлиб танила бошлаган.

Муҳаммад(с.а.в.) бошчилигидаги Мадина шаҳри араблари маккаликларни ҳам исломга бўйсундиришни, бу икки шаҳар ўртасидаги келишмовчиликка чек қўйишни асосий мақсадларидан бири қилиб қўйган эдилар. Шу муносабат билан 624 йилда Бадр қудуқлари олдида, 625 йилда Ухуд тоғи этагида жанглар бўлган.

626 йилда маккаликлар мадиналикларга узил-кесил зарба бериш мақсадида Мадина жамоасига қарши йирик сафарга отланишган. Муҳаммад(с.а.в.) Мадинани узок қамал шароитига тайёрлаган, шаҳар атрофига чуқур хандақлар қазилган ва у ерларга камончи ўқчилар жойлаштирилган. Аммо Мадинани қамал қилиш узокқа бормаган, чунки босқинчиларнинг кўпгина отлари хандақларга тушиб кетган, қишнинг совуғи, изғирин шамолига қамалчилар бардош беролмадилар, аксинча, уларнинг ўзлари ўртасида низолар чиқа бошлаган. Мадина қамалининг бекор қилиниши, Мадина жамоасини янада жипслаштирган, унга янгидан-янги бадавлат қабилалар келиб қўшилган. Натижада мусулмонлар жамоаси тез кенгайиб ва кучайиб борган, у ерда қабилалар бирин-кетин ислом динини қабул қила бошлаганлар. Мадинадаги мусулмонлар жамоаси қисқа вақт ичида кичик, лекин кучли давлатга айлана борган. Мухожир ва ансорлар орасидан бир гуруҳи Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбарга яқин турар, унинг маслахатчилари хисобланар эди. Булар ислом тарихида “сахобалар” ёки “асхоблар” деб ном олган.

628 йили мусулмонлар жамоаси учун айниқса муҳим бўлган бир воқеа юз берган. Муҳаммад(с.а.в.) хали ҳам Каъбани муқаддас деб эътироф этишини намоиш қилиш мақсадида бир гуруҳ мусулмонлар билан бирга, барча қабилалар хажга борадиган мавсумда Маккага жўнаган. Аммо унинг келишидан шубҳага тушган уммавийлар Маккадан анча нарида-Худайбия водийсида уни тўхтатганлар. Музокаралар бошланиб, ўртада шартнома тузилган. Шартномага асосан мадиналикларга келаси йилдан бошлаб хажга келишга ижозат берилган. Шартнома тузилган вақтда Муҳаммад ва унинг ҳамроҳлари орқага қайтиб кетишни, маккаликлар эса, ўз навбатида, келаси йилдан бошлаб мадиналикларнинг хажга келиши учун шароит яратиб беришни ўз зиммаларига олганлар. Шундай қилиб, “Худайбия сулҳи” деб ном олган бу хужжатда Макка зодагонлари Мадина мусулмонлар жамоа-сини мустақил давлат сифатида биринчи марта эътироф этишга мажбур бўлганлар.

Бундан кейинги давр мобайнида Мадина давлати янада кучайган, атрофдаги араб қабилаларига қарши юришлар қилиниб, уларнинг кўпчилиги бўйсундирилган. Бу давлатнинг мавқеи Маккага нисбатан жиддий равишда кучая борган. Натижада Макка зодагонлари Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбар билан келишиш йўлларини излай бошлаганлар.

629 йил охирларида маккаликлар раҳбари Абу Суфён махфий равишда Мадинага келган ва Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбар билан музокара олиб бориб, агар у Макканинг диний марказ бўлиб қолишига рози бўлса, шаҳарни мусулмонларга жангсиз

топширишга рози эканлигини билдирган. Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбар бунга рози бўлган ва ўртада хуфёна шартнома тузилган.

630 йил баҳорида Мадина қўшинлари Маккага яқинлашганлар ва ҳеч қандай қаршиликсиз шаҳарга кириб борганлар. Зодагонлар Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбарни пешвоз чиқиб кутиб олганлар. Шу вақтдан бошлаб у билан Макка ҳукмронлари ўртасидаги рақобат ва қарама-қаршилиқлар тугаган. Улар Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбарнинг яқин ёрдамчиларига айланиб, мусулмонлар давлатида юксак лавозимларни эгаллай бошлаганлар.

Хаж қилиш шўролар даврида жуда чеклаб қўйилган эди. 1991 йилдан бошлаб, бу тадбирга кенг имконият яратилди. Натижада республикамиздан ҳар йили минглаб кишилар хажга боришга муваффақ бўлишди. Биргина 1998 йили хаж сафарига мусулмонлардан 4000 киши бориб келди; 1999 йили эса уларнинг сони бундан ҳам ошди.

Қурбонлик қилиш суннатга киритилган, яъни мажбурий эмас. Булардан ташқари маҳаллий халқларда, исломгача бўлган кўпгина урф-одатлар ислом кенг тарқалган халқларда хусусан Марказий Осиёда яшайдиган мусулмонларда ўз таъсирини сақлаб қолган. Булар жумласига кинна солдириш, фол очириш, дам солдириш, кўчириқ қилиш, чилла ўтириш, иситма-совутма, мозорларга, “муқаддас жойларга” сиғиниш кабилар баъзи мутаассиб диндорлар турмушига ўз таъсирини халигача кўрсатиб келмоқда. Ортодоксал ислом буларни тан олмайди, балки қоралайди.

Ҳар бир диннинг ўзига хос маросимлари системаси, байрамлари бўлади. Диний маросимлар диний эътиқод, ибодатнинг амалдаги ифодасини ташкил этади.

Диний қадриятлар, маросимлар диний тасаввур, эътиқодлар юзага келиши билан пайдо бўла бошлайди. Буларнинг юзага келиши ибтидоий одамлар, кейинчалик уруғ ва қабилалар ҳаётидаги муҳим воқеалар - фарзанд туғилиши, балоғатга етиш, яқка никоҳли оилалар юзага келгач эса, оила қуриш билан боғлиқ бўлган.

Ислом ёйилган жойларда қурбон хайит кенг байрам қилинади. Хаж қилиш шу маросим вақтга мослаштирилган. Мусулмон мамлакатларида бу хайитга тайёргарлик катта бўлади; масжидда махсус ибодат бўлади, ваъзхонлик-амри маъруф қилинади. Хайит уч кун давом этади.

Қурбон хайити кунлари мусулмонлар ўз ота-оналари, қариялар ва беморларни бориб кўрадилар, уларга қўлларидан келган ёрдамларини аямай, ҳурматини ўз ўрнига қўядилар, қурбонлик учун сўйилган молларнинг гўштларидан бир қисмини ўз уруғ-аймоқларига, хусусан кам даромадлиқ оилаларга, бева-бечораларга тарқатадилар. Қурбонлик маросимининг яна бир тартиби сўйилган моллар гўштидан таом тайёрлаб, худойи шаклида йиғинлар ўтказадилар.

Хижрий-қамарий таквим-календар бўйича шаъбон ойи тугагандан сўнг рамазон ойи бошланиб, унда 30 кун рўза тутиш ислом динининг беш, рукн, яъни амалий ва маросимчилик талабларидан биридир. Илоҳиётда мусулмонлардан рўза тутиш жараёнида моҳи рамазон ибодатини бажариш зарур деб ҳисобланади. Унда Қуръон тиловати билан бирга, хайр-эхсонлар, дуою илтижолар қилинади. Бинобарин, ҳар бир мўъмин-мусулмон бу ойни ғанимат билиб, ўзини астойдил худо йилига бағишлаб кечаю кундуз тоат-ибодат бирла бир кун ҳам рўза тутишни канда қилмаслиги керак деб ҳисобланган. Яна ислом таълимоти мусулмонлардан рамазон ойида Оллоҳдан ўз гуноҳларини кечишни сўраб, тавба-тазарру қилиш билан бир вақтда инсон учун ноҳуш бўлган жаҳлу ғазаб, дилозорлик, қўполликлардан холи бўлиб, хушмуомалалик, одамшинавандалик, камтаринлик каби фазилатларни ўзига сингдириб бориши зарур деб ҳисобланган.

Ислом таълимотида, рўза ҳақида ёзилган турли диний манбаларда рамазон ойининг мазмуни, аҳамияти, унда мусулмонларнинг бурчи ҳар томонлама изохланган. Рўза ойининг ҳар бир кунини эъзозлаш, ифторликка алоҳида эътибор бериш кўзда тутилган. Муҳаммад(с.а.в.) 30 кун рўза ойининг уч даҳага бўлинишини эътироф этиб, уни шундай изохлаган: “Бу моҳи шариф шу қадар улуғ бир ойким, унинг биринчи ўн кунлик даҳаси - даҳаи раҳмат деб аталади, яъни Оллохнинг раҳмати ўз бандаларига муттасил ёғилиб турадиган кунлардир. Иккинчи ўн кунлиги - даҳаи маърифат, яъни Оллох ўз бандаларининг гуноҳу маъсиятларидан ўтиб афву маърифат қилиб юборадиган кунлар. Учинчи ўн кунлиги “итқун минан нор”, яъни Оллох ўз бандаларини оташи дўзахдан озод қилиб юборадиган башоратли кунлар”¹.

Рамазон ойига нисбатан айтилган бундай таъриф ва тавсифлар мусулмон ахли онги ва психологиясига кучли таъсир кўрсатиб, унинг диний кайфиятини мустаҳкамлайди. Бинобарин, рўза тутиш билан боғлиқ бўлган барча талабларни, ибодатларни ўз вақтида бажаришга интилиш кайфиятини уйғотади.

Рўза тутиш мусулмонлар учун кўп асрлардан буён одат тусига кирган бўлиб, унинг инсон организми учун муайян фойдаси ҳақида илоҳиётчилар фикрлар билдиришган, яъни бир ой давомида рўза тутган одамда “тозаланиш”, “покланиш” содир бўлади. Организм ортиқча чиқиндилардан тозаланиб киши руҳи енгиллашади. Шунинг эътиборга олиб диндорлар билан бирга исломнинг барча талабларини тўлиқ бажармайдиган кишиларда ҳам рўза тутишга мойиллик бор.

Рўза ойи тугагач, шаввал ойининг 1 кунда рамазон хайити - ийд ал фитр ўтказилади. Хайитнинг номидан ҳам маълум бўлиб турибдики, рўза тутмаганлар ҳам, бир ой рўза тутган тақводор мусулмонлар ҳам рўзадан сўнг масжидга озиқ-овқат ёки пул билан садақа-фитр рўза тўлаши керак деб ҳисобланган. Бу хайит ҳам уч кун давом этади.

Хайит кунлари ҳар бир диндор ўтган кунлари учун ўзига-ўзи ҳисоб бериши, рўза тутмагани ёки уни бузгани учун белгиланган миқдорда намоз ўқиши, закот бериши, муайян кунлар давомида рўза тутиши зарур деб ҳисобланган. Баъзи мусулмонлар гуноҳидан халос бўлиш учун жонлик сўйиб қурбонлик ҳам қиладилар.

Бир ой рўза тутиб ўзини мусулмон ҳисоблаган кишилар учун хайит кунлари алоҳида аҳамият касб этади. Улар бу кунларни зўр умидворлик билан кутадилар. Чунки бу хайитни кенг нишонлаш одат, анъана тусига кирган. Хайитнинг биринчи кунини эрта билан барча мачитларда мусулмон ахли тўпланиб, хайит намозини имом-хатиблар бошчилигида ўқийдилар. Хутба тинглайдилар.

Уч кун хайит давомида кишилар ўз ота-оналарини бориб кўрадилар, уларга совға-саломлар топширадилар. Мархумлар яшаб ўтган уйларга, уларнинг қабрларига бориб дуойи фотихалар қиладилар, баъзан уйларида ҳудойилар уюштирадилар. Бундан ташқари мусулмонлар учун хайит кунлари бева-бечораларни бориб кўриш, улар ҳолидан хабар олиш, айниқса муҳим ҳисобланади.

Рамазон ойи тугаган кунлари фитр-садақа (фитр-рўза) ҳар бир жон бошига бир кунлик овқат ҳисобида камбағал, юпун кишиларга йиғиб берадилар. Зотан, закот ал фитр айти шу мақсадда йиғиб олинади.

Юқорида айтганимиздек, рўза тугашга уч кун қолган тун - “лайлатулқадр” кечасини мусулмонлар тантана билан ўтказадилар. Чунки бу тун муқаддас ҳисобланади. Уларнинг тасаввурича, шу кеча мўъжизалар, ғаройиб ҳодисалар рўй беради, уларни кузатиш шарафига муяссар бўлган кишилар бахтиёр бўлади, деб ҳисобланади.

¹ “Халқ сўзи” газетаси. 1991 йил 16 март сони.

Рўза кунларининг энг муқаддаси - рамазоннинг мана шу 26 дан 27 га ўтар тунни диндор кишилар кўз юммай, арши-аълодан келадиган мўъжизани кутадилар.

Исломда Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбарнинг арши аълога чиқиши - меърож алоҳида нишонланади. Ривоятларга кўра, Муҳаммад(с.а.в.) ражаб ойининг 27-кунида ал-Буроқ номли афсонавий отда тунда Маккадан Қддуси шарифга, сўнг у ердан Оллох тахти - арши-аълога мўъжизали сафар қилган; Оллохнинг марҳаматига сазовор бўлиб, у билан суҳбат курган. Бу суҳбат давомида Муҳаммад(с.а.в.) 99 минг сўз айтган.

Меърож байрам сифатида Фаластинда халифалар ҳукмронлиги ўрнатилиб, Қддус шарифнинг муқаддаслиги эътироф этилгач, бу шаҳардаги муқаддас жойлар тавоф қилина бошлагандан сўнг нишонлана бошланган. Уни нишонлаш даврида мусулмонларга Оллох фақат мустаҳкам эътиқодли бандаларинигина бундай марҳаматига мушарраф қилиши тўғрисидаги фикр сингдирилиб, Оллохга ва унинг элчисига садоқат билан хизмат қилиш зарурлигига ишончи мустаҳкамланади.

Яна бир диний байрам ашуро бўлиб, уни шиа йўналишидаги мусулмонлар нишонлайдилар. Бу байрам яна “шахсей-вахсей” деб ҳам аталади. Ашуро - тантанали мотам куни бўлиб, мусулмон руҳонийларнинг айтишларича, Муҳаммад(с.а.в.)нинг набираси, халифа Алининг ўғли имом Хусайннинг “дин ва адолат” йўлидаги “азобли ўлиши” хотираси учун белгиланган.

Ашурони асосан шиа мусулмонлари нишонлайди. Шу куни мутаассиб шиалар ўзларига азоб бериб, жазавага тушадилар. Бундай байрам кишиларнинг ахволи-руҳиясига ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Исломда муқаддаслаштирилган кунлардан бири жума кунидир. Ислом кенг тарқалган мамлакатларда жума дам олиш куни деб эълон қилинган. Шу куни тақводор мусулмонлар ўз кунларини тоат-ибодат билан ўтказадилар. Унинг муқаддаслаштирилиши сабабини руҳонийлар қуйидагича изоҳлайдилар: Оллох оламни яратишни жума куни бошлаган. Муҳаммад(с.а.в.) ҳам, Али ҳам жума куни туғилганлар. Муҳаммад(с.а.в.) 622 йилда Маккадан Мадинага жума куни хижрат қилган. Исломнинг “шуъласи” ҳам оламга айна жума куни тушган. Шу сабабли мусулмонлар жума кунини улуғлаганлар.

Мусулмонларда ой йили бўйича рабиул аввалнинг 12 куни Муҳаммад(с.а.в.)нинг туғилган куни - мавлуд нишонланади. Бу кунларда масжидларда Куръон қилади, ваъзхонлик қилинади, диндорлар бўлган хонадонларда худойи ўтказилади. Шу кунлари пайғамбарнинг қилган ишлари тўғрисида хикоя қилиш савоб ҳисобланади.

Кейинги йилларда республикамиз мусулмонлари талабини ҳисобга олиб, Президентнинг махсус фармони билан диний байрам, жумладан Рамазон хайити ва Курбон хайит кунлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Бу фармонни ҳалқимиз мамнуният билан қувватлади ва хайитлар кенг тантана кунига айланди. Худди шунингдек, ҳалқимиз орасида қадимдан нишонланиб келинаётган “Наврўз”, “Қизил гул”, “Лола сайли”, “Бойчечак” каби байрамлар ҳам тикланди; янги-янги боғлар ва истирохат масканлари барпо этилмоқда; буларни барпо этиш учун умумхалқ хашарлари ўтказилмоқда.

Дарҳақиқат, асрлар давомида шаклланган бундай диний кадриятлар, байрамлар, халқ сайллари ва маросимларини бундан буён ҳам халқ орасида кенг ёйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки уларга бўлган муносабат маҳаллий халқларнинг кўпчилиги тасавурида миллий анъана деб қаралиб адо этилади. Бу ўринда миллийлик билан динийлик бирмунча уйғунлашганини кўрамыз

Жаҳондаги барча йирик динлар ўз тараққиётининг муайян босқичида турли йўналиш ва оқимларга бўлинган. Чунки мазкур дин тарқалган ҳудудлардаги

ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий курашнинг кучайиши, муайян динга эътиқод қилувчи турли халқларнинг ижтимоий манфаатлари ва маданий даражалари турличалигидандир.

Ислом ҳам ўз тарихий тараққиётида бундай бўлиниш, аниқроғи, ажралишдан четда қолмаган. VII асрнинг иккинчи ярмидаёқ даставвал хорижийлар йўналиши шаклланган, сўнгра яна икки йирик оқим - суннийлик ва шиаликка ажралган. Юзаки қараганда, исломга эътиқод қилувчилар орасидаги ихтилоф гўёки фақат диний масалалар туфайли туғилгандек туюлади. Аслида эса бундай эмас. Тарихдан маълумки, исломнинг шаклланиши, мустақил динга айланиш даври узлуксиз давом этган жангу жадаллар билан ўтган. Зеро, Муҳаммад(с.а.в.) давридан бошлаб Али даврига (661 йилга) қадар ва ундан сўнг ислом Арабистондан тортиб, Шимолда Озарбайжонгача, Шарқда Мовароуннахрга қадар, Жанубда Араб денгизига, Ғарбда эса Триполитанияга қадар ёйилган. Араб истилочилари Мовароуннахр (араблар Ўрта Осиёни шундай атама билан-“дарё ортидаги ерлар” деб атаганлар) ни босиб олишни VII асрнинг 70-йилларидан бошлаб фақат VIII асрнинг ўрталарига келгандагина тўлиқ тугаллашга муваффақ бўлганлар. Чунки маҳаллий халқлар араб истилочиларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатганлар. Бу жараёни тасдиқловчи Муқанна, Сумбад Муғ, Ғурак, Дивашти бошчилигидаги йирик халқ қўзғолонлари тарихдан маълум. Бошқа мамлакат ва халқлар ҳаётига исломни киритиш ва босқинчиларга қарши қўзғолонлар кейинги асрларда ҳам давом этган.

Ислом IX-X асрларда Татаристон, X-XII асрларда Бошқирдистонга киритилган; Қозоғистон ва Қирғизистонда эса бу жараён XIX асрда ҳам давом этган. Диннинг бундай кенг миқёсда ёйилиши фақат ишонтириш билан бўлмаган, албатта. Бунда қилич ва куч хал қилувчи рол ўйнаган. Жиход ғояси динни ёйишда муҳим омил бўлган.

Исломдаги йирик йўналишларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Суннийлик-бу исломда изчил, собитқадам йўналиш ҳисобланди. Мусулмонларнинг жуда кўпчилиқ қисми-92,5 фоизи суннийликка эътиқод қилади. Қолган 7,5 фоизи шиаликка эътиқод қилувчилардир. Сунна арабча одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи деган маъноларни билдиради. Суннийлик деган сўз арабча “Сунна”-“муқаддас ривоят”, яъни Муҳаммад(с.а.в.) тўғрисидаги ривоятлар ва унинг Ҳадислари тўплами деган тушунчадан олинган. Яна Сунна фарздан фарқли равишда бажарилиши ихтиёрий бўлган кўрсатмалар, амаллардир.

Суннийлар уммавийлар сулоласидан бўлган халифаларнинг олий ҳокимиятга бўлган ҳуқуқини тан олганлар. Суннийликда Сунна Қуръондан кейинги асосий муқаддас манба, Ҳадислар тўплами деб қаралади. У VII аср ўрталарида шакллана бошлаган. Унда халифаликдаги синфий муносабатлар, ижтимоий зиддиятлар, ислом мафкураси атрофидаги кураш ўз ифодасини топган. Уни тўплаш, шархлаш ва нашр қилишда ватандошларимиз Исмоил Бухорий, Имом Термизий асосий рол ўйнаганлар.

Суннийлик қисман Эрон, Жанубий Ироқ, Яман, Марказий Осиё, Кавказ, Волга бўйи, Сибирь, Ўроқ, Кичик Осиё, Миср ва Шимолий Африка, Индонезия, Малайзияда кенг тарқалган. Унинг муқаддас шаҳарлари Макка ва Мадинадир. Унда тўртта шарият мактаби - ханифийлар, маликийлар, шофиийлар, ханбалийлар мазҳаблари бор.

Шиалик. Гуруҳ, партия, тарафдорлар деган маъноларни берадиган арабча “шиа” сўзидан келиб чиққан. Шиалик ўз аҳамияти ва тарафдорлари сонига кўра исломдаги иккинчи йўналишдир. У VII асрнинг иккинчи ярмида мусулмонларнинг махсус ва сиёсий гуруҳи сифатида юзага келган. У чорёрларнинг тўрттинчиси Али тарафдорла-рини бирлаштирган. У жуда кўп секталарга бўлиниб кетган. Булар орасида исмоилийлар ҳозир 35 миллионга яқин тарафдорга эга бўлиб, оғахонийлар бошчилигида ҳозир ҳам ислом доирасида катта рол ўйнамоқда.

Шиалар Арабистонда пайдо бўлган теократик давлат-халифаликдаги олий хокимият учун олиб борилган кескин кураш жараёнида келиб чиққан. Халифаликнинг барча бош лавозимлари 644 йилдан бошлаб қурайш қабиласига мансуб бўлган халифа Усмон бошлиқ маккалик оқсуяклар-мухожирлар қўлига ўтган.

Гарчи исломда жабр-зулм қораланса-да, барибир, улар исломга бўйсундирилган бошқа халқлардан ташқари мусулмон арабларнинг ўзларини ҳам қаттиқ эксплуатация қилишаверади. Бундан норози бўлган араблар Усмонга қарши қўзғолон кўтариб, уни Мадинада ўлдиришган. Халифалик лавозимиغا Али кўтарилган. Бироқ, у ўз хокимиятини қурайш оқсуякларидан ҳимоя қилишга мажбур эди. Али тарафдорлари у пайғамбарнинг амакиваччаси ва куёви бўлганлиги учун мусулмонларнинг бошлиғи бўлиши керак, унинг вафотидан кейин эса бу лавозим унинг авлодларига мерос бўлиб ўтиши керак, деб чиқишган. Бироқ тахт учун курашда Сурия хокими Муовия бошлиқ қурайш зодагонлари ғолиб чиққан. Али тириклик чоғидаёқ Муовия халифа деб эълон қилинган.

Шиалар Алидан бошқа барча сунний халифаларни узурпаторлар, яъни сиёсий хокимиятни зўравонлик билан қўлга олган кишилар деб ҳисоблайдилар. Булар Алининг авлоди бўлган 12 имомдан иборат ўз сулолаларини уларга қарши қўйганлар. Улар Алини, унинг ўғиллари - Хасан ва Хусайнни ҳамда уларнинг авлодларини шахид, деб ҳисоблашган.

Хорижийлар. Бу оқимнинг номи “чиқиш”, “қарши бўлиш”, “қўзғолончи” маъноларини англатувчи арабча “ҳаража” сўзидан олинган. Бу оқим исломдаги илк секталардан ҳисобланади. У Али билан Муовия ўртасида халифаликнинг олий лавозимини қўлга киритиш учун олиб борилган кескин кураш жараёнида пайдо бўлган. Усмон ўлдирилгач, Мадина шахрида Али халифа этиб сайланган. Бироқ Усмон ҳукмронлиги даврида ўзининг иқтисодий, сиёсий аҳолини мустахкамлаб олган араб зодагонлари Алининг халифалигини тан олмаганлар. Сурия хокими Муовия бошлиқ қурайш зодагонлари Алидан ўч олишга киришганлар. Уни хатто Усмоннинг ўлдирилишида ҳам иштирок этган, деб эълон қилганлар. Али билан Муовия тарафдорлари ўртасида шиддатли сиёсий кураш бошланган. Али ўзининг турар жойини Куфа шахрига кўчириб, Ироқ ва Эрондаги араб қабиаларига таянган. Хорижийлар ҳаракатининг пайдо бўлишига Алининг Муовияга қарши курашда кўрсатган қатъиятсизлиги, унинг ўз душманларига ён бериши бевосита сабаб бўлган. Алининг бундай журъатсизлиги унинг тарафдорлари норозилигига сабаб бўлган. Улардан энг қатъийлари (12 мингга яқин жангчи) Али томонида туриб Муовияга қарши жанг қилишдан бош тортган. Улар Алининг ўзига қарши душманга айланганлар, хорижийлар уюшмасини тузиб, Алига ҳам, Муовияга ҳам қарши жанговар кураш бошлаганлар.

Хорижийлар 661 йили Алини ўлдиришган. Муовия ҳукмронлиги йилларида (661-680) ва ундан кейин хорижийларнинг йирик қўзғолонлари бўлиб ўтган. Улар Х аср Шимолий Африкада хатто ўз давлатларини - рустамийлар сулоласини ҳам ўрнатишга муваффақ бўлишган. Хорижийлар ўз даврида бирмунча демократик шиорларни олға суришган. Бу оқим тарафдорлари ҳозирги пайтда аввалги сиёсий фаоллигини йўқотган. Улар Жазоир, Уммон, Танзания, Ливан каби мамлакатларда учрайди.

Сүфизм - исломдаги йирик оқимлардан биридир. Уни суфийлик ёки тасаввуф ҳам дейилади. Бу исломдаги диний-мистик фалсафий оқим бўлиб, таълимотининг асосий маъноси ислом ва ҳудода муносабатдир. Зоҳидлик ва мистик асосга қурилган бу оқим руҳий камолотга эришишнинг асосий йўллари 4 босқичдан иборат деб ҳисоблаган. Булар шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқатдан иборат бўлиб, ҳар бир босқичнинг мураккаб талаблари мусулмонлар умрини тамоман қамраб олган.

Суфийлик оқими тариқатлари ўрта асрларда ҳар хил жойларда турли кўринишда бўлган. Масалан, Марказий Осиёда нақшбандийлик, яссавийлик, кубровийлик, Кавказда - муридизм, Татаристонда - воисовчилар ва бошқа турлари тарқалган.

Ислом тарқалган мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар натижасида турли даврларда мусулмонларнинг ҳар хил гуруҳлари, айниқса кўпроқ секталар пайдо бўла бошлаган. Булар сунний ва шиа йўналишларидан ажралиб чиққан бўлиб, мусулмон секталари дейилади. Буларни исломдаги ханафий, ханбалия, шофийя, маликия каби мазҳаблар билан аралаштирмаслик керак.

Ислом секталари мусулмонларнинг диний уюшмалари бўлиб, уларнинг сони жуда кўп, ислом мамлакатларининг деярли ҳаммасида мавжуд. Чунончи, ахмадий, алавий, ибодий, идрисий, кодирий, муридий, рашидий, тижоний, ҳамолий, шодилий ва бошқалар суннийлар йўналишидан ажралиб чиққан секталардир. Хорижий, исмоилий, зайдий, низорий, друз, бахоний ва бошқа мазҳаблар эса шиалар оқимидан ажралиб чиққан. Уларнинг кўплари тарқаб кетган. Ислом секталаридан баъзиларига қисқача тўхталамиз.

Зайдийлар. Феодал низолар заминида VIII аср ўрталарида шиа мусулмонлари сафидан яна бир гуруҳ ажралиб чиқиб, мустақил зайдийлар сектасини ташкил этган. Бу секта - Алининг эвараси, Хусайннинг набираси 740 йили Куфада уммавийлар сулоласидан бўлган халифа Хишомга қарши халқ кўзғолонига бошчилик қилган Зайд ибн Али номи билан аталган ва шиаларнинг учинчи имоми Зайд халифа қўшинлари билан бўлган жангда ўз тарафдорлари билан бирга ҳалок бўлган.

Зайдийлар 864 йили Эроннинг шимолида ўз давлатларини тузишган. 901 йили эса улар Яманда давлат ҳокимиятини қўлга олишган. Бу давлат 300 йилча яшаган. Зайдийлар диний таълимотнинг шаклланишига ишонишни, Қуръон“азалдан” мавжудлигини, ирода эркинлиги мавжудлигини, диний эътиқодни амалий ҳаракат билан мустаҳкамлаш зарурлигини тан олганлар. Улар кўпгина шиа маросимларига амал қилишган, бироқ ўз турмуш тарзига кўра суннийларга ҳам якин турган.

Исмоилийлар. Бу секта тарафдорлари шиалар орасида энг кўпчилиكنи ташкил этган. Секта VIII асрнинг 2-ярмида Боғдод халифалигида пайдо бўлган ва имом Жаъфарнинг ўғли Исмоил номи билан аталган. Исмоилийлар диний таълимотида гўё бутун оламни яратган “дунёвий ақл” ва “дунёвий рух” га эътиқод этиш асосий ўринни эгаллаган. Уларнинг таълимотида неоплатончилар фалсафаси ва буддийликнинг катта таъсири сезиларди. Исмоилийлар турли даврларда халқларга турли пайғамбарларнинг юборилиши - “дунёвий ақл” нинг ерда намоён бўлишидир деб ҳисоблашарди. Улар еттита пайғамбарни-Одам Ато, Нух, Иброҳим, Исмоил, Мусо, Исо ва Муҳаммад(с.а.в.)ни тан олишади. Уларнинг фикрича, имомлар пайғамбар-ларнинг ворислари ҳисобланади. XI асрдан бошлаб исмоилийлар синфий зиддиятларнинг кучайиши натижасида турли қисмларга бўлиниб кетган. Ҳозирги пайтда исмоилийлар Ўрта Шарқ мамлакат-ларида, Хиндистон, Кения, Танзания, Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон вилоятида мавжуд.

Друзлар. Ўз таълимотига кўра, бу секта исмоилийлардан келиб чиққан. Друзлар вахдониятга-Оллохнинг ягоналигига эътиқод этадилар ва 998-1021 йилларда ҳукмронлик қилган фотимийлар халифаси Ҳакимни ҳалоскор сифатида ерга иккинчи марта келади, деб ҳисоблайдилар. Улар ўзларининг “муқаддас” ёзувларига эга. Уларда диний маросимлар унчалик ривож топмаган, шу сабабли масжиди ҳам йўқ. Барча секталар каби, друзлар ҳам шариатни, шиа имомларини тан оладилар.

7-8 мавзу: Исломнинг асосий манбалари Исломдаги мазҳаблар ва ғоявий-сиёсий оқимлар

Режа:

1. Қуръоннинг 23 йил мобайнида нозил бўлиши. Қуръон оятларининг жамланиши.

2. Ҳадис. Ҳадислар ислом динининг Қуръондан кейинги манбаи.

3. Тасаввуф таълимоти.

4. Исломдаги йўналишлар.

5. Тасаввуф йўналиши ва тариқатлари.

6. Ваҳҳобийлик ҳаракатининг келиб чиқиши.

7. Фундаментализмнинг вужудга келиши.

8. Экстремизмни келтириб чиқарувчи омиллар. Терроризмга қарши курашда маърифий исломнинг роли.

9. Диний экстремизмга қарши курашишда ёшларга миллий истиқлол ғояларини сингдиришнинг аҳамияти.

Қуръони Карим Ер юзи мусулмонларининг муқаддас китоби, дастуриламали, диний аҳкомлар манбаидир.

Худо ўтган пайғамбарларга ҳам ўз вақтида ана шундай муқаддас ёзувлар нозил қилган. Масалан, яҳудийлик пайғамбари Мусога Таврот, Исроил-Яҳудийлар подшохи Довудга Забур, христианлар худоси Исога Инжил, Муҳаммад(с.а.в.) алайҳиссаломга Қуръон нозил бўлган. Ислом илоҳиётида Қуръондан бошқа илоҳий ёзувлар бир йўла, бир дафъа тушган деб ҳисоблайди. Аслида улар ҳам бир неча йилларда тўпланган. Қуръони Карим 23 йил мобайнида Оллох фаришта Жаброил орқали Муҳаммад(с.а.в.)га вахий қилиб юборган, сўнгра улар тўпланиб халифа Усмон ҳукмронлиги даврида мусхаф қилинган деб ҳисобланади.

Қуръон сўзи арабча, “қироат қилиш”, яъни ўқиш феълидан олинган бўлиб, “ўқув” ёки “ўқиш” маъносини билдиради. Кўп динларда, улар вужудга келган давр тушунчасига хос равишда буларни “ёзув” ёки “ёзувлар” (масалан: христиан динида “писание” ёки “священное писание”) деб аташ одат бўлган. Бунга ўхшаш номлар исломда ҳам Қуръонга нисбатан кенг қўлланилган. Масалан, “Каломи Аллох” (Оллох сўзи), “Калом аш-шариф” (Муқаддас сўз), “Мусхаф аш-шариф” (Муқаддас ёзув-бу ерда “мусхаф” ёзув маъносида) ва х.к.

Қуръон жаҳон адабиётининг ўзига хос бир ёдгорлигидир. У Шарқ халқларининг ижтимоий ва маънавий ривожига улкан таъсир кўрсатган бутун башариятнинг маданий мероси қаторига киради.

Қуръон исломнинг муқаддас китоби сифатида “Оллохнинг мўъжизали каломи бўлиб, Муҳаммад(с.а.в.)га вахий орқали тушган, Тиловати ибодат ҳисобланувчи китоб” деб тавсифланади.

Ривоятларга кўра, унинг мазмуни Муҳаммад(с.а.в.)га парча-парча тарзида вахий қилиб борилган; бу вахийнинг биринчи баёни “Лайлатул қадр” кечаси бошланиб, унинг вафотигача, яъни 23 йил давом этган деб ҳисобланади. Кейинчалик исломда муқаддаслаштирилган ана шу кеча диний анъана бўйича хижрадан 12 йил олдин рамазон ойининг 27-кунига ўтар кечаси мелодий ҳисоб билан 610 йилнинг 31 июлидан 1 августига ўтар кечаси деб ҳисобланади. Қуръонни вахий қилишнинг бошланиши тўғрисидаги тасаввур унинг 97-“ал-Қадр” (қадр) сурасида ифодаланган.

“Албатта биз у (қуръон) ни қадр кечасида нозил қилдик. (Эй, Муҳаммад(с.а.в.)), қадр кечаси нима эканлигини сиз қаердан билар эдингиз? Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир” (97,1-3)².

² Шу ерда ва кейинги саҳифаларда биринчи рақам сурани, иккинчиси оятини билдиради.

Ҳадис. Дастлаб ислом жамоасида фақат Қуръон диншуносликнинг, шу билан бирга ҳуқуқнинг асоси ва манбаи деб тан олинган. Лекин араб истилоси даврларида (632-751 йиллар атрофида) бу манбанинг ўзи талабни қондира олмагач, аста-секин унинг ёнига бошқа манба-Сунна қўшилган.

Арабча Сунна (ас-сунна, кўпликда сунан)-йўл, йўналиш, кўчма маъноси-“аждодлардан қолган урф-одатлар”, яъни “ривоят”, “нақл”, “хотира”, “одат”, “анъана”, “хатти-ҳаракат” маъноларини англатади.

Сунна исломда Қуръондан кейинги, уни тўлдирувчи манба, ислом илоҳиёти ва шариатининг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган. У VII ўрталаридан эътиборан йиғила бошлаган. Унда араб халифалигидаги синфий муносабат, ижтимоий зиддиятлар, ислом мафқураси доирасидаги ички курашлар ўз ифодасини топган. Исломгача даврдаги Арабистонда бу ном билан одат тусини олган ахлоқий-ҳуқуқий йўл-йўриқлар мажмуаси-Шимолий Арабистон-даги эски жамоанинг оддий ҳуқуқлари аталган. Синфий жамият ва ислом вужудга келгандан сўнг бу эски араб мажусий суннаси рад этилиб, аста-секин янгиси, мусулмон суннаси билан алмаштирила бошланган. Эскисидан янгисига ўтган, қисмлар эса пайғамбар кўрсатмаси сифатида талқин қилинган.

Мусулмон сунналари кўплаб Ҳадислардан ташкил топган. Ҳадис сўзининг дастлабки маъноси (ар. кўпликда “аҲадис” сўзидан)-“хабар”, “хикоя”, “билдириш”, тор маънода-“парча” (цитата). Расмий маънода Ҳадис-Муҳаммад(с.а.в.) сўзлари ва амалий ишлари ҳақидаги ривоятлардир. Бу маънода Ҳадис фақат Муҳаммад(с.а.в.) сўзларига нисбатангина ишлатилади.

Баъзи уламолар эса, Ҳадис деганда фақат Пайғамбарнинггина эмас, балки саҳоба ва тобеларнинг ҳам берган хабарларини тушунадилар.

Баъзи Ҳадисшунослар фақат Пайғамбар сўзларинигина Ҳадис деб, бошқаларникини эса хабар деб атаганлар. Шу боисдан ҳам Пайғамбар Ҳадисларини тўпловчилар муҳаддис, бошқа тарих, қисса кабиларни нақл қилувчилар ахборий дейилган.

Қандайлигидан қатъи назар, ҳозир мусулмон оламида Ҳадис дейилганда Пайғамбарнинг сўзлари, феъл ва атворлари тушунилади.

Ҳадис-исломда Қуръондан кейинги муқаддас манба ҳисобланган. Бунда Муҳаммад(с.а.в.)нинг ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалари, унинг диний, ахлоқий дастурлари ҳам ўз ифодасини топган. Муҳаммад(с.а.в.) бирор гап айтган ёки маълум ишни қилиб кўрсатган бўлса, ёхуд бошқаларнинг қилаётган ишини кўриб, уни ман этмаган бўлса, шу уч ҳолатнинг ҳар бири Ҳадис деб аталаверган. Маълумки, Ҳадисларда ислом аҳкомлари, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол. ҳаром, макруҳ, мубоҳ каби амал турларидан ташқари, ахлоқ-одобга доир дастурлар талқин этилади. Унда халқ орасида кенг тарқалган ахлоқ-одобга оид мақол, қимматли хикматли гаплар ҳам қамраб олинган.

Ҳадисларда ибодатнинг тартиб-қоидалари ва уларни астойдил бажаришга даъват этиш билан бирга инсоний фазилатлар кенг ташвиқ қилинган, инсонийлик шаънига доғ **тушрадиган** разил хатти-ҳаракатлар кескин қораланган. Шунинг учун ҳам исломнинг илк тарқалиш давриданок мусулмонлар орасида Ҳадисларга жуда катта аҳамият берилган. Эшитган ҳар бир Ҳадисни янглишмай, асл ҳолича бошқаларга етказишга қатъий риоя қилинган. Бу тўғрида Муҳаммад(с.а.в.)нинг ўзи мусулмонларни тез-тез огохлантириб турган. Ҳадис мазмуни ва иборасини бузиб ёки ўзича янги Ҳадис тўқиб тарқатувчилар қаттиқ қораланган. Бундай талабчанлик пайғамбар вафотидан анча кейингача ҳам Ҳадисларнинг соф ҳолда сақланиб туришига имкон берган.

Муайян бир Ҳадис асосида ҳуқуқий ва урф-одат бўлган йўл-йўриқлар, диний маросимлар софлиги, ноз-неъматлар ҳақидаги кўрсатмалар, маиший турмушдаги ахлоқ

ва одоб тартиб-қоидалари келтириб чиқарилган. Қуръоннинг айрим кўрсатмаларига амал қилиш ҳам кўпинча унинг маълум матни билан боғлиқ бўлган Ҳадис орқали белгиланар эди. Шу билан бирга тарихий ҳарактерга эга бўлган Ҳадислар бўлган; улар Муҳаммад(с.а.в.) ёки саҳобалар таржимаи холидаги айрим тафсилотларни акс эттирар эди. Шу Ҳадислар асосида VIII-IX асрларда Муҳаммад(с.а.в.) ва унинг яқинлари, ҳарбий юришлари ҳақида “Юришлар китоби” ёзилган. Бу араб тилидаги илк тарихий асар ва Муҳаммад(с.а.в.) таржимаи холи эди. Шу тариқа, Ҳадисларнинг муайян қисми-илк ислом тарихи бўйича бир манба бўлиб хизмат қилган.

Ҳадисларни сақлаб, келажакка етказувчилар биринчи навбатда саҳобалар-пайғамбарнинг қариндошлари, дўстлари, ёрдамчилари ва шогирдлари, унинг ўлимидан кейин асосан Мадинада яшаб келганлар ҳисобланганлар.

Умуман “саҳоба” сўзи арабча бўлиб, “сухбат” сўзидан олингандир. Ҳадислардан бирига кўра пайғамбарни кўрган, у билан мулоқотда бўлган ҳар бир мусулмонни “саҳобий” дейилган. Имом Бухорий ҳам шу фикрни тасдиқлаган. Ибн Ханбал таъбирича, пайғамбар билан бир йил, ё бир ой, ё бир кун ва ёки хатто бир соат сухбат этган, ё бўлмаса ҳаётида бир марта бўлса ҳамки уни кўрган мусулмон киши саҳобалардан ҳисобланаверади.

Пайғамбар вафот этганда саҳобалар сони номаълум эди. Исломда қанча ҳақиқий мусулмон борлигига далолат қилувчи Ҳадисга кўра, пайғамбар: “Мусулмонлигини сўзи ва амали билан исботлаганлар исмларини ёзсинлар”-деб буюрганда рўйхатдан 1500 кишининг ўтганлиги маълум бўлади.

Ишончлилигига қараб Ҳадислар уч гуруҳга ажратилар эди. Хикоя қилувчилар рўйхати ҳеч қандай шубҳа туғдирмаса, бундай Ҳадис саҳиҳ (ар, ишончли, тўғри) дейилган. Агар хикоя қилувчилар рўйхатида айрим нуқсонлар бўлса, масалан, иснодда айтилган бирон шахс кам танилган бўлса ёки ҳамма муҳаддислар уни бенуқсон деб топмаган бўлса, ёки рўйхатда бирон халқа, бўлим узилиб қолган бўлса, Ҳадис тўла қимматга эга деб тан олинмаса-да, барибир, қабул қилинган; бундай Ҳадис ҳасан (ар. яхши, марҳаматли) деб номланган. Нихоят, агар хикоя қилувчилар рўйхатида тақводорлиги ёки ахлоқий обрў-эътибори нуқтаи назаридан мувофиқ келмайдиган кишилар бўлса, Ҳадис ишончсиз ҳисобланган ва да’иф (ар. заиф) деб номланган.

Маълумки, Марказий Осиёда ислом дини 708 йилдан кейин кенг тарқала бошлаганига қарамай, илоҳиёт қатори муҳаддислик ҳам илдам ривожланган. Ислом оламида машҳур ва энг ишончли деб эътироф этилган 6 Ҳадислар тўплами муаллифларининг аксарияти Марказий Осиёдан чиққанлар. Масалан, Исмоил Бухорий (810-870), ат-Термизий (824-897), ад-Доримий ас-Самарқандий (797-868) ва Каспийбўйи халқларидан ибн Можжа (824-886) ва бошқалар бу соҳанинг тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар.

Қуръон матнларининг тўпланиши, таҳрир қилиниши ва муқаддас ёзув сифатида эътироф этилиши Муҳаммад(с.а.в.) вафотидан кейин 20-25 йил давомида, дастлабки чориёрлар даврида амалга оширилган.

Муҳаммад(с.а.в.) сураларни ёддан ўқиган, тарғибот вақтида мусулмонлар ҳам уни ёд олган. Бошқа халқлардагидек араблар ўртасида ҳам фольклорга хос шеърлар, ривоятлар фақат ёд олиш ва оғиздан-оғизга кўчириш йўли билан авлоддан-авлодга ўтиб сақланган. Фақат айрим саводли кишиларгина баъзи сураларни пергамент, ёғоч тахтакач, курак суякларга ёзиб олганлар. Сураларни тўла ёдлаб олган мусулмонлар анчагина бўлган.

Абу Бакр халифалиги даврида барча сураларни тўла ёд билган одамлар кам қолаётган эди. Муҳаммад(с.а.в.) умрининг охирида 5 йил давомида унга котиблик қилган. Зайд ибн Собит битта суранинг охиригина билмаган, қолган барча сураларни ёд олган. Кўпчилик мусулмонлар айрим сура ёки парчаларни ёд билганлар,

холос. Бинобарин, яна бир неча жанглardan сўнг сураларни ёд билган одамлар қолмаслиги ва Қуръон матнини тиклаш мумкин бўлмай қолиш хавфи пайдо бўлган.

Шуни ҳисобга олиб, Абу Бакр энг яқин сафдоши Умар маслаҳати билан 633 йилда Қуръон сураларини тўплаб, мусхаф қилдиришга қарор берган ва бу вазифани бажаришни Зайдга топширган. Ривоятлар бўйича, у масжидга ўтказиб қўйилган, саҳобалардан ҳар бири ўзи билган сураларни ўқиган, Зайд ёзиб борган. Ҳар бир сура, парча ёки оятлар қисмини аввал бир киши ўқиб, сўнгра иккинчи киши ўқиганда айнан мос келса, ўшандагина ёзиб борилган. Бу тўплам даставвал Сухуф (саҳифалар) деб ном олган. Бинобарин, у алоҳида пергамент саҳифаларига ёзилган бўлиши керак. Лекин бу нусха сақланиб қолмаган. У ҳақидаги маълумотларни биз фақат илк манбалардангина биламиз.

Қуръоннинг ҳозирги нусҳасидаги 114 та сура билан таққослаб кўрилса, Сухуфда ҳаммаси 109 та сура бўлганлиги ва 1,34, 41, 45 ва 96-суралар бўлмаганлиги аниқланган. Шундан ҳам маълум бўладики, Сухуф таркиби тўла бўлмаган.

Орадан 17-18 йил ўтгач, илгаридан ўз ихтиёри билан сураларни ёзиб юрган ва алоҳида тўплам қилиб олган айрим кишилар қўлидаги нусҳаларни халифаликнинг айрим шаҳарларида ўқиш ва ибодатларда улардан фойдаланиш кенгайиб борган сари ана шу нусҳалар орасидаги тафовут сезилиб борган. Бундай нусҳаларни айрим шахслар ўз ихтиёри билан тўплаб юрган; шу сабабли уларда Сухуфга нисбатан баъзи суралар йўқ, ёки аксинча, сухуфда йўқ суралар бор бўлган. Илоҳий ёзувда келажакда юз бериши мумкин бўлган хилма-хилликларнинг олдини олиш мақсадида Усмон барча мусхафларни тўплаб, таққослаб чиқиш ва улар асосида бўлажак Қуръоннинг ягона нусҳасини тайёрлашга амр берган ва ўзи бу ишга бош бўлган.

Маълумотлар бўйича Муҳаммад(с.а.в.)нинг яқин саҳобаларидан Убай ибн Кеъб (вафоти 643), Ибн Масъуд (вафоти 650) ва бошқаларнинг хусусий тўпламлари бўлган. Булар Дамашқ, Куфа, Басра, Хомис шаҳарларида амалда қўлланилган.

Усмон амрини бажариш учун тўрт кишилик гуруҳ белгиланган. Унга Зайд раҳбарлик қилган, унинг таркибига Қуръонни яхши билган саҳобалардан аз-Зубайр, ал-Ос, ибн Хишомлар киритилган. Булар барча нусҳалар ва топилган сураларни қайтадан текшириб, таққослаш асосида ягона нусҳани тайёрлаган. Илгариги шахсий нусҳаларнинг барчаси йўқотилган. Янгидан кўчирилган ягона нусха тарихда “Халифа Усмон мусхафи” деб ном олган.

Усмон буйруғи билан ёзилган Мусхаф Мадина шаҳрида сақланади. 1964 йилда у ерда нашр қилинган Мадина шаҳридаги ислом ёдгорликлари ҳақидаги китобда, бир неча асрлар давомида Мусхаф Мадинадаги Муҳаммад(с.а.в.) масжидида сақлангани, кейинчалик ислом мамлакатлари ҳукмронлари томонидан масжид яқинида ана шу Қуръонни ва Муҳаммад(с.а.в.)дан қолган муқаддас ёдгорликларни сақлаш учун махсус қурилган бинода сақланаётгани қайд қилинган.

Мусхаф қўлёзмаси тайёр бўлгандан кейин тез орада Усмон буйруғи билан ундан 2 нусха (баъзи маълумотлар бўйича 4 нусха) қўлёзма буқа терисига куфий алифбосида кўчирилган ва ўқишда ҳамда ибодатда барча ерларда Қуръоннинг ягона матнидан фойдаланишни амалга киритиш мақсадида, бу нусҳалар Куфа, Басра, Дамашқ ва бошқа шаҳарларга юборилган.

Ҳозирги кунда Ислом оламида 4 та қадимий Мусхаф нусҳаларининг борлиги маълум. Улардан бири Мадинада сақланаётган асл нусха бўлиб, ислом манбаларида у “Имом” номи билан тилга олинади. Иккинчи нусха Каъбада, учинчи нусха Қоҳирадаги Миср миллий кутубхонасида сақланмоқда. Тўртинчиси Тошкентда Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланиб, 1989 йил бошларида Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасига топширилган.

Мусхафларнинг бу нусхасининг қандай қилиб Марказий Осиёга келиб қолгани ҳақида бир неча хил тарихий маълумотлар ва ривоятлар сақланган. Улар қисман илмий адабиётда ҳам тилга олинган. Мусхафнинг Самарқанддан 1865 йилда Санкт-Петербургдан олиб кетилгани, 1920 йилда мусулмонларга қайтариб берилгани, 1923 йилда Тошкентга олиб келингани ёритиб берилган.

Мусхаф кейинчалик мусулмон оламида тарқалган ва минглаб маротаба нашр қилинаётган Қуръоннинг асл нусхаси ҳисобланади. Қуръон қаерда нашр қилинмасин, унинг биринчи саҳифасида Усмон мусхафи матнига мувофиқ экани ёзиб қўйилган бўлади.

Қуръон сураларининг тўпланиши ва дастхат қилиниши илк ислом манбаларида батафсил баён этилган ва исломда энг кенг тарқалган йўналиш-суннийликда эътироф этилган.

Қуръоннинг ҳозирги матни халифа Усмон мусхафи матнига тўла мос келади. Демак, унга 651 йилдан кейин хусусан ал-Хажжож буйруғи билан қандайдир ўзгартишлар ва таҳрирлар киритилган, деб ҳисоблаш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Қуръонда 114 та сура, 6226 та оят борлиги маълум. Ҳозирги замон тасавури нуқтаи назаридан сурани айрим олимлар бу ёзувдаги боблар билан таққослаб “боб” деб ҳам атайдилар. Лекин бунга қўшилиш мумкин эмас, сура боб эмас, фақат Қуръонга хос бўлинишини англатадиган атамандир. Шунинг учун уни бошқа ибора билан алмаштириш тарихий ёдгорликка нисбатан хурматсизлик бўлади.

Арабча “сура” атамасининг Қуръон вужудга келган даврдаги луғавий маъноси девор тиклашда териладиган гишт ёки тошнинг ҳар бир қаторини англатган. Бинобарин, уни “тизма” маъносида тушуниш мумкин. Қуръон матнларида эса “сура” сўзи муайян равишда “оятлар тўплами” (оятлар тизмаси) маъносини берадиган жойлар кўп учрагани сабабли, бу атама асосан “оятлар йиғиндиси” маъносида тушунилади.

Суралар Қуръонда ўз мазмуний изчиллигига ёки ўқилган вақтига, яъни хронологик тартибига қараб эмас, балки ҳажмига қараб жойлаштирилган. Сураларнинг ҳажми ҳам ҳар хил: энг катта ҳажмга эга бўлган 2-сурада 286 оят бор, энг кичик суралар фақат 3 оятдангина иборат.

Узун суралар китобнинг бошидан, қисқа суралар унинг охиридан ўрин олиши, тадқиқотларда аниқланишича, қадимий арабларнинг ва умуман Олд Осиёдаги сомиё халқларининг анъанаси билан боғлиқ бўлган экан. Хилма-хил ёзувлар, ривоятлар ёки адабий асарлар тўпланиб китоб қилинганда, катта ҳажмдаги асарлар биринчи ўринда, кичиклари кейин жойлаштирилар экан. Зайд Ибн Собит ҳам Сухуфни тўплаб дастхат қилишда ана шу анъанага амал қилган бўлиши керак.

Қуръон-илк ислом ғояларини ўзида акс эттирган ягона ёзув бўлгани сабабли фақат ислом тарихи билан шуғулланган олимларгина эмас, балки ислом тарқалган халқлар адабиёти ва маданияти билан шуғулланганларнинг барчаси ҳам бу китобни таҳлил қилишга катта эътибор берганликлари табиий бир ҳолдир. Аммо, юқорида айтиб ўтилганидек, унинг суралари мавзулари асосида ёки тарихий-хронологик тартибда жойлашмаганлиги сабабли, бу китобни ўрганиш ғоят қийин ҳисобланади. Шунинг учун XIX аср ўрталаридан бошлаб манбаларда учрайдиган тарихий воқеалар ва шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ишораларга, шунингдек, ишлатилган ибораларга қараб сураларнинг ёки айрим гуруҳ оятларнинг вужудга келган даврини аниқлаш, қисқаси, сураларнинг тарихий-хронологик тартибини аниқлаш билан кўп олимлар шуғулланганлар.

Тасаввуф – исломдаги мистикаскетик оқимдир. Мистицизм, мистика сўзлари қадимий юнон тилидаги *mystikos* – «яширин», «сирли» сўздан олинган бўлиб, илоҳият билан бевосита мулоқот қилиш мумкинлиги ҳақидаги таълимот. Бу таълимот инсоннинг Худо билан ақл ва ҳиссиётдан юқори бўлган сирли алоқаси бўлиб, унинг

натижасида инсонда Худони билиш ҳосил бўлади. Қадимий Шарқ ва юнон динларида ҳам инсонни ғайритабиий кучлар билан боғлайдиган урф-одатлар (*мистериялар*) – мистицизм элементлари бор эди. Яккахудолик динларининг барчасида мистицизмга хос унсурлар мавжуд. Ҳаётнинг барча соҳалари диний эътиқод билан боғлиқ бўлган ўрта асрларда унинг роли катта бўлди.

Ўрта асрларда христианликда мистицизмнинг икки йўналиши – мавжуд бўлиб, улар ортодоксалчерков мистицизми ва еретик мистицизм эди. Биринчисига кўра, инсон бутунлай Худонинг ҳукмига бўйсунган бўлиб, унинг хоҳишига қараб унга етишиши мумкин бўлса, иккинчисининг таълимотига кўра, инсон ўз ҳаракатлари билан ҳам Худога етишиши мумкин, дейилади.

Тасаввуф, суфий ёки мутасаввиф сўзларининг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Суфийлик муаллифлари кўпинча унинг келиб чиқишини «свф» («соф бўлмоқ») ўзагидан ёки «аҳл *ассуффа*» (Пайғамбарнинг Мадинадаги уйи яқинидаги суффага йиғилувчи зоҳид кишилар)га тегишли деб таъкидлайдилар. Ғарбий Европа тадқиқотчилари то XX асрга қадар унинг келиб чиқишини юнонча – «*ҳикмат*» (*sophia*) сўзидан келиб чиққан деган фикрга мойил бўлишган. Умар Фарид Кам (1861-1944) «Ваҳдати вужуд» асарида, Шамсиддин Сомий (1850-1905) эса «Қомуси туркий» асарининг «тасаввуф» ва «суфий» моддаларида ушбу фикрни ёқлайдилар. Шайх Саффет Йеткин ҳам шу нуқтаи назарни ҳимоя қилади. Исмоил Ҳаққий Измирлик эса бу фикрни рад этиб, зоҳидлик йўлига сулук солган кишиларнинг «суфия» исми билан машҳур бўлиши, юнонча асарларнинг таржима қилиниши ва фалсафанинг мусулмонлар орасида тарқалишидан аввал содир бўлган, деган далилларни илгари суради ва «суфий» сўзининг юнон тилидан олинганлигига қарши чиқади. Эндиликда бу сўзнинг «суф» (жун чопон) сўзидан келиб чиққанлиги ҳақидаги ўрта аср мусулмон олимлари таъкидлаган фикр умумқабул қилинган фикр ҳисобланади. Чунки суфийларнинг асосий белгилари уларнинг дағал жундан кийим кийишлари эди. Шимолий Арабистон ва Сурияда христианликнинг турли секталарига мансуб жаҳонгашта монах ва анахоретлар «суфий» деб аталар эди, деган маълумотлар ҳам бор.

Тасаввуфга асос бўлган таркидунёчилик кайфияти деярли ислом билан бир даврда юзага келди. Суфийликнинг илк намояндалари деб Пайғамбарнинг АбудДардо, Абу Зарр, Ҳузайфа (вафотлари VII асрнинг иккинчи ярми) каби саҳобалари ҳисобланади. Аммо исломдаги мистик-аскетик оқимнинг шаклланиши VIII асрнинг ўрталари-IX асрнинг бошларига тегишли. Бу даврда суфийлар қаторига муҳаддислар, қорилар, қуссослар, Византия билан чегара урушларида қатнашган жангчилар, косиблар, тижоратчилар, жумладан, исломни қабул қилган христианлар кирганлар. Бу даврда *суфий* ёки *аттасаввуф* терминлари ҳали кенг тарқалмаган эди: унинг ўрнига *зӯҳд* (таркидунёчилик) ёки *зоҳид*, *обид* сўзлари ишлатилар эди. Исломдаги бу мистик-аскетик оқимнинг пайдо бўлиши ва тараққий этишига мусулмон жамиятидаги илк икки аср давомидаги сиёсийижтимоий беқарорлик, диний ҳаётнинг мураккаблиги, унинг натижасида келиб чиққан маънавийғоявий изланишлар ва бошқа динларнинг, хусусан, христианликнинг таъсирини кўрсатиш мумкин.

Илк давр суфийлари, аниқроғи, *зоҳид* ва *обид*ларига хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат эди: Қуръони карим оятлари устида чуқур фикр юритиш, Қуръон ва Пайғамбар суннатларига қатъий амал қилиш, кечаларини нафл ибодатлар билан бедор ўтказиш, кундузлари рўза тутиш, ҳаёт лаззатларидан воз кечиш, гуноҳдан сақланиш, ҳоким ва ҳарбийлардан ўзини йироқ тутиш, ҳалол ва ҳаром орасини жуда узоқ тутиш (*вараъ*), ўзини Аллоҳ ихтиёрига топшириш (*таваккул*) ва ҳ.к.

Суфийлик таълимоти *муътазиллий*лардаги мавҳум илоҳиётга оид фикрлар, обрўли шахсларга кўркўрона тақлид қилиш, муқаддас матнларга сўзмасўз итоат этишдан фарқли ўлароқ, инсонга асосий объект сифатида қарайди: инсон амалларини бошқарадиган руҳониятнинг майда қирраларини ҳам чуқур таҳлил қилиш, шахсий

кечинмаларга эътибор билан қараш ва диний ҳақиқатларни чуқур ҳис қилиш – уларга хос хусусиятлардан эди. Шу боис ҳам зийрак психолог, *Илм алқулуб валхавотир* (*Қалблар ва фикрлар илми*)га асос солган алҲасан алБасрий (в. 728 й.) суфийликнинг асосчиларидан ҳисобланади.

АлҲасан алБасрийнинг асҳоблари, басралик зоҳидлар – Рабоҳ ибн Амр, Рабиъа алАдавия (в. 752-53 й.), Молик ибн Динор (131/748-49), Шақиқ ал-Балхий (в. 770 й.) ва Фузайл ибн Ийод (в. 778 й.), Сулаймон ад-Доронийларнинг (VIII асрлар) ваъз ва маърузаларида Аллоҳга бўлган соф муҳаббат, унга яқинлашишга бўлган интилиш ҳақидаги фикрлар пайдо бўлди. Ўша даврдан бошлаб улар суфийликка аниқ мистик ҳарактер бағишладилар ва бу таълимотлар суфийлик мафкурасининг ўзига хос хусусиятига айланди.

IX аср давомида тасаввуф назариёти ва амалиётини ишлаб чиқиш учун қизғин ҳаракатлар давом этди. Басра билан бир қаторда Бағдод ва Хуросон суфийлик мактаблари ҳам энг нуфузли мактаблар сирасига кирди. Уларнинг намояндалари аввалгидек суфийнинг ички дунёсига асосий эътиборни қаратар эдилар. Уларнинг *аҳвол*, *мақомот*ларига батафсил тавсифлар бердилар. Бошқа мистик таълимотлар каби суфийликка «дунё гуноҳкорлигидан» покланиб, илоҳиётга яқинлашишига олиб борадиган йўл (*тариқ*) сифатида қарадилар. «*Ниййатлар*» ҳақидаги таълимот янада чуқурлаштирилди. Бунда ўз ўзини назорат (*муроқаба*, *муҳосаба*) қилишга эришиш учун ибодатнинг «ихлос» ва «садоқат» билан бўлишига асосий урғу берилади. Бағдодлик илоҳиётчи алМуҳосибий томонидан шакллантирилган таълимотнинг Хуросонда ҳам кўплаб тарафдорлари топилди ва улар кейинчалик «маломатийлар» номини олдилар.

Тасаввуфда Аллоҳга етишиш (*васл*) – унга қўшилиб кетиш (*бақо*) билан бўлиши мумкин, деган фикр илгари сурилди. Бу масала кенг омма орасида тушунарли бўлмаганлиги ва мазкур ғоя тарафдорлари ал-Ҳусайн ибн Мансур алҲаллож (қатли 922 й.), Ибн Ато, Айн алҚудот алҲамадоний каби кишиларнинг қатл этилиши бошқа суфийларни хушёрликка чақирди.

Тасаввуфнинг манбалардаги талқини қуйидаги йўсинда: бунга кўра, баъзи мусулмонлар калом ва мантиқ илмларидаги турли кўринишдаги тортишувлардан, қуруқ баҳслардан ўз қалбларини сақлаб, Аллоҳ таолонинг муҳаббати йўлида зуҳд ва *тақвони* ўзларига касб қилиб олдилар. Уларга «суфий» деб ном берилди. Ислом динида биринчи суфий номини олганлардан Абу Ҳошим аш-Шомий (в. 776-77 й.), тасаввуф усулига биринчи марта шарҳ берган киши Имом Моликнинг шогирди Зуннун ал-Мисрий (в. 869-70 й.), минбардан туриб биринчи маротаба тасаввуфга чақирган киши Абу Бакр аш-Шиблий (в. 945-46 й.), тасаввуф усулини кенгайтириб тартибга солган киши Жунайд ал-Бағдодий (в. 1007-08 й.) эдилар. Аёллардан биринчи суфий бўлган киши Робиъа ал-Адавиядир (в. 752-53 й.). Умуман олганда, тасаввуфнинг ривожланиш йўли ислом тарихининг ажралмас бир бўлагидир.

Мовароуннаҳрга суфийлик Хуросон орқали кириб келди. Кейинги давр суфийларининг талқинига кўра, Мовароуннаҳрда суфийлик оқими ақоид олими шайх Абу Йаъқуб Йусуф ал-Ҳамадоний (в. 1140-41 й.) шахсидан бошланади. Унга кўра, Йусуф ал-Ҳамадоний мактаби икки тармоққа ажратилади:

Нақшбандия тариқати. Унинг иккинчи номи Хўжагон йўналиши бўлиб, у шаҳар ва шаҳар атрофларида ривожланган ва халқ орасида кенг тарқалган. Бу оқимга Хўжа Юсуф ал-Ҳамадонийнинг машҳур шогирди Хўжа Абдулҳолиқ ал-Ғиждувоний (в. 1179 ёки 1220 й.) муршидлик қилган. Кейинчалик бу оқимга Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) муршидлик қилган ва шу даврдан эътиборан Нақшбандия тариқати бутун ислом оламига тарқала бошлаган.

Осиё заминида энг кенг тарқалган тасаввуф тариқатларидан бири Нақшбандиядир. Унинг ҳақиқий асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд бўлиб, у Бухоро яқинидаги Қасри Орифон қишлоғида дунёга келди. Баҳоуддин Нақшбандни ёшлигида

Хожасгон тариқати шайхларидан Муҳаммад Бобо-йи Самосий маънавий фарзандликка қабул қилди. Бир муддатдан кейин Самосий унинг тарбиясини Амир Кулолга топширди. Шу билан бирга Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳақиқий шайхи – *увайсия* йўлида тарбиялаган Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳисобланади. Маълум муддат Самарқандда яшаб, у ердаги шайхларнинг *суҳбат* ва *таважжусу*хларига мушарраф бўлди. Амир Кулолдан халифаликни олгач, Қосим шайх, Халил ота ва Мавлоно Ориф каби Яссавия шайхларининг ҳузурида кўп йиллар қолиб, улардан илму файз олишга мурассар бўлди. Икки маротаба ҳажга бориб келган Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётининг охириги йилларини Бухорода ўтказди. Ислоҳ оламида жуда катта обрў-эътиборига эга бўлган Нақшбанднинг ҳаёти *маноқиб*ларга тўла бўлиб, бугунгача унинг ҳаёти ва тариқатини ифодаловчи жуда кўплаб асарлар битилган. Шулардан, Фахруддин Али ибн Ҳусайн Воъиз Кошифийнинг «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» рисоласи Нақшбандия тариқати шайхлари ҳақида кенг маълумот беради. Нақшбандиянинг силсиласи икки бошқа-бошқа шаҳобчалар орқали ҳазрат Али ва ҳазрат Абу Бакрга бориб етади. Машойих силсиласига қараганда, бу тариқат бошқа баъзи тариқатлар билан алоқадор эканлиги ва шунга кўра ўша даврда фарқли номлар билан аталгани маълум бўлади. Чунончи, ҳазрати Абу Бакрдан Боязид Бистомийга қадар Сиддиқия, Бистомийдан Абдулҳолиқ ал-Ғиждувонийга қадар *тайфурийя*, Ғиждувонийдан Баҳоуддин Нақшбандга қадар *хўжагонийя*, Нақшбанддан Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрорга қадар *Нақшбандия*, Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрордан Аҳмад ас-Сирҳиндийга қадар *Нақшбандия-аҳрорийя*, «Мужаддиди алфи сони» номи билан машҳур Аҳмад ас-Сирҳиндийдан Шамсиддин Мазҳарга қадар *Нақшбандия-мужаддидийя*, Шамсиддин Мазҳардан Мавлоно Холидий Бағдодийга қадар *Нақшбандия-мазҳарийя*, Холидий Бағдодийдан кейин эса *Нақшбандия-холидийя* дея тилга олинган.

Нақшбандия аҳли сунна эътиқодига амал қилувчи тариқат бўлиб, *хафий зикр*га асосланган. Зоҳиран кўзга ташланадиган хатти-ҳаракатлардан йироқ суҳбат ва робитага кучли эътибор беради. Кўпчилик билан қилинадиган нақшбандий зикрга «Хатми хўжагон» дейилади. Бу зикрда тариқатга кирмаганлар қатнашишлари таъқиқланади. Нақшбандияда тариқатга кирган дарвиш ушбу шартларга амал қилиши шарт: доимо тавбада бўлиш, суннатга қатъий амал қилиш, бидъатлардан қочиш, ҳаётий қулайликлардан воз кечиш, тақвони кучайтириш, зулм ва ноҳақлик қилмаслик, қарздор бўлмаслик, бировни норози қилмаслик, қазо намозларини адо этиш, Аллоҳни ҳар лаҳзада зикр қилиш.

Нақшбандия тариқати қуйидаги тўрт тамойил асосига қурилган: 1) шариат билан зоҳирни поклаш; 2) тариқат билан *ботинни* поклаш; 3) ҳақиқат билан *қурби илоҳий*га эришмоқ; 4) *маърифат* билан Аллоҳга эришмоқ.

Бундан ташқари яна ўн бир асос-тамойил ҳам борки, Нақшбандия тариқатига кирган ҳар бир дарвиш унга риоя қилиши талаб қилинади. Абдулҳолиқ ал-Ғиждувоний ишлаб чиққан бу тамойилларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. *Хуш дар дам* (ҳар нафасда хушёр бўлиш) – ғафлатга тушмаслик, ҳар лаҳза Аллоҳни эслаш; ҳар нафас олиш-чиқариш чоғида Аллоҳни зикр қилиш, агар ғафлатга тушса, истиғфор айтиш;

2. *Назар бар қадам* (қадамга назар солиш) – солиқ қаерда бўлишидан қатъий назар, юраётганида оёқ учига қараб юриши лозим, токи қалб кўзи ва назари бўлмағур манзараларга қарашдан халос бўлсин. Шунда маънавий сафарда рўпара келадиган таҳликалар тезда ошиб ўтилади. У тамойил камтар бўлиш ва мавжуд ҳолатга шукур қилишни ўзида мужассам этади;

3. *Сафар дар ватан* (ватанда, ўз ерида туриб сафар қилиш) – солиқнинг ёмон ахлоқдан яхши хулққа, башарий сифатлардан илоҳий сифатларга йўналиши. Дарвиш бир муршиди комил топгунга қадар жисмонан саёҳат қилишини билдиради. Нақшбандийлар фикрича, сайру сулук чоғида солиқни умидсизликка тушириб,

кийинчилик келтириб чиқаргани учун мурид муриди комил топгач саёхат қилмаслиги мақсадга мувофиқдир. Бу тамойил сайру сулук мартабаларини босиб ўтишни ўзида мужассам этади;

4. *Хилват дар анжуман* (жамоат ичида туриб яккаланиш) – зоҳирда халқ билан, ботинан Ҳақ билан бирга бўлиш. Солик моддий борлиги билан халққа аралашиб, турли башарий ва ижтимоий фаолиятларда қатнашиб, ҳаёт талаб қилаётган амалларни ижро этаётиб, қалбан доимо Аллоҳнинг ҳузурида эканини бир лаҳза бўлса-да, эсдан чиқармаслигидир. Бу ҳол доимий зикр маъносини ҳам билдириб, зикрда эришиладиган энг охириг босқич – мақомдир. Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандиянинг тамалини «хилват дар анжуман» ташкил этишини таъкидлаган. «Хилватда шуҳрат бор, шуҳратда эса офат бор» дея Нақшбандияда хилватга кўп рағбат кўрсатилмайди. Шу боис бу тариқатда суҳбат ва халқ билан аралашиб, уларнинг дардларига шерик бўлиб, Ҳақ розилиги йўлида халққа хизмат қилиш муҳим ўрин тутди. Нақшбандияда Куръондаги «Шундай кишилар бордирларки, уларни на тижорат ва на олди-сотди Оллоҳни зикр қилишдан, намозни тўқис адо этишдан ва закотни (ҳақдорларга) ато этишдан машғул қила олмас» (Нур; 24-37) ояти ушбу ҳолга ишора қилади деб таъкидланади;

5. *Ёдкард* (эслаш, зикр этиш) – Аллоҳни ёд этиб, бошқа нарсалардан кўнгилни узиш. Нақшбандияда бу зикрнинг усули қуйидагичадир: мурид ўзини ҳузур ичра шайхининг кўнгли рўпарасида тасаввур қилиб, кўзи – оғзини ёпади, тилини танглайига ёпиштириб, тишларини бир-бирига жипслаб, нафас олмай, хоксорлик билан қалбан «калимаи тавҳид»ни зикр қилади. Бир нафас олиб – чиқаришда уч дафъа зикр этишга уринади ва ҳоказо.

Нақшбандия тариқатининг энг машҳур шаҳобчалари: *аҳрорийя*, *мазҳарийя*, *мужаддидийя* ва *халидийя*. Мужаддидийянинг асосчиси Аҳмад ас-Сирҳиндий Ибн Арабийнинг *ваҳдат ал-вужуд* фалсафасини танқид қилиб, *ваҳдати аш-шуҳуд*ни ёқлаб чиққан. Суннийлик ақидасига зид келмайдиган тасаввуфий тушунчага эга бўлган Имом Раббонийнинг энг машҳур асари «Мактубот» туркчага илк бор Мустақимзода Сулаймон Саъдиддин томонидан ўгирилган ва Истамбулда нашр этилган.

Яссавия тариқати. Шайх Аҳмад Яссавий (в. 1166-67 й.) ва унинг шогирдлари номи билан боғлиқдир. Аҳмад Яссавий суфийлик тариқатининг тарғиботчиси бўлиш билан бирга шоир ҳам эди. Яссавий ғоялари бир неча маротаба турли таҳрирда нашр этилган «Девони ҳикмат»да жамланган. Аммо, тадқиқотчилар орасида унинг Яссавийга тааллуқлилиги илмий муаммо сифатида баҳс этилаяпти. Унинг фикрича, дунёнинг ноз-неъматларини сўраган киши суфий эмас, балки зуҳд ва *тақвони* ихтиёр этиб, умрини тоат-ибодатда ҳамда йиғи билан ўтказган киши асл суфийдир. Унинг «ҳикматлар»и халқ орасида кенг тарқалган.

Бу тариқат асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий бугунги Қозоғистоннинг жанубидаги Чимкент вилояти, Сайрам қишлоғида дунёга келган. Баъзи манбаларга қараганда, у Яссида (ҳозирги Туркистон) таваллуд топган. Ривоятларга кўра, бу ерда у Арслонбоб исмли машҳур шайхнинг хайрли дуосига эришган. Оддий халқ оммаси англайдиган услубда суфиёна ҳикматлари, шеърлари билан атрофдаги одамларни ҳақ йўлга чақиради, уларнинг маънавиятига кучли таъсир кўрсатади Шеър-ҳикматлари «Девони ҳикмат» номи остида китоб ҳолига келтирилган. Аҳмад Яссавий ҳаётлигидаёқ узоқ ўлкаларга муридларини жўнатиб, ўз тариқатини кенг тарқатишга ҳаракат қилди. Яссавий *риёзат*, *чилла*, *зикр* ва *мушоҳада*га кучли аҳамият бериб, ҳаётининг аксари қисмини *чиллахона*да ўтказди. Унинг ҳаёти ва қароматлари ҳақида кўплаб маноқиблар сақланиб қолган.

Яссавий тариқатида *жаҳрий зикр* ижро этилади. Зикр чоғида дарвишнинг томоғидан арранинг товуши каби овоз чиққани учун Яссавия зикрига «*зикри арра*»,

«зикри миншорий» дейилади. Бу зикр қуйидагича ижро этилади: дарвиш икки қўлини тиззаси устига қўйиб, нафасини қорнига чиқариб «ҳа» деб, яна қорни томонидан нафас олиб бош, бел, елка қимирламаган ҳолда «Ҳайй» дейди ва зикр шу тарзда давом этади. Зикрнинг 12 зарб тури маълумдир. Йасавийликда *хилват*га ҳам катта аҳамият берилади.

Бу тариқатда муҳим ўрин тутган асослар қуйидагилардан иборат: Аллоҳни таниш (*маърифатуллоҳ*), мутлақ жўмардлик, ростгўйлик, ўзини Аллоҳга топшириш (*таваккул*) ва теран тафаккур.

Ясавия тариқати, асосан, сунний эътиқодига амал қилиш билан бирга Хуросон *маломатия* мактабидан бироз таъсирлангани сабабли, терма маданият асосига эга. Унинг хусусиятлари кейинчалик юзага келган кўплаб тариқатларда акс этган. Ҳатто *Нақшбандия*ни Ясавиянинг бир шаҳобчаси деб билувчилар ҳам бор. Аҳмад Йасавийнинг энг машҳур халифаларидан Сулаймон Ҳаким ота Боқирғоний (в. 1186 й.), Суфий Муҳаммад Донишманд аз-Зарнуқий ва бошқалар маълум.

Кубравия тариқати. Бу тариқатнинг асосчиси – шайх Нажмиддин Кубро ал-Хивакий (в. 1221 й.) бўлиб, тасаввуф тарихидаги энг ёрқин сиймолардан биридир. Хивада туғилган. Ёшлигида диний илмларни эгаллаган. Айниқса, ҳадис илмида тенги йўқ эди. Турли ўлкаларни кезган. Мисрда шайх Рузбиҳон ал-Мисрий билан танишиб, унга мурид бўлган. Қаттиқ риёзатлар натижасида муршидининг таважжухига эришиб, унинг қизига уйланган. Бундан кейин у Аммор Ёсирга мурид бўлган, унинг тавсияси билан эса Исмоил Касрий даргоҳига кирган ва у ердан «*хирқаи табаррук*» кийган. Яна Мисрда – шайхининг ёнига – қайтган Кубро, шайхи томонидан ўз ватани Хоразмга *иршод* вазифаси билан жўнатилади. Кубро Хоразмга кўчиб бориб, Кубравия-заҳабийа тариқатига асос солган. Қисқа вақт ичида атрофдагиларнинг муҳаббатини қозонди, шогирдлар тарбиялаб, вояга етказди. Чунончи, Фаридиддин Атторнинг устози – шайх Нажмуддин ал-Бағдодий билан «Мирсод ал-ибод» асари муаллифи машҳур Нажмуддин Дойа Кубро шогирдлари жумласидандир. Нажмиддин Кубро мўғуллар билан бўлган жангда ҳалок бўлган.

Ёзган асарлари орасида энг машҳури «Усули ашара» рисоласи бўлиб, бу асар барча тариқатларга ўз таъсирини кўрсатган. Исмоил Хаққий Бурсавий томонидан шарҳ этилган. «Фавоихул жамол» асари эса тасаввуф руҳшунослиги (психологияси) мавзусидадир. Кубронинг асарлари Эрон, Кичик Осиё ва Ҳиндистондаги тариқат мухитларига кучли таъсир қилган. Чунончи, бу тариқат Нақшбандия ва мавлавийа тариқатларига ҳам таъсир кўрсатган.

Кубравия кўпроқ Ўрта Осиё, Россия ва Эрон мамлакатларида кенг тарқалган. Кубравиянинг ўзига хос жиҳатлари чордона қуриб, жаҳрий зикр қилиш. Унинг тариқат силсиласи Али ибн Аби Толибга бориб уланади. Тариқат асослари «Усули ашара» асарида тавсиф этилган. Кубравиянинг машҳур шаҳобчалари қуйидагилар: баҳо'ия хилватия, фирдавсия, нурия, рукнийя ҳамадония, нурбахшия, барзанжия.

Фикҳ фани ўзига хос фан бўлиб, у биринчи навбатда дин масалаларини ўз ичига олади. Луғатда «ал-фикҳ» сўзи «ақл ила англамоқ, тушунмоқ» маъноларини беради. Истилоҳда эса у «ислом ҳуқуқи»ни англатади. Фикҳ фани – *Farbda Islamic Law, Muslim Law* (инглиз тилида), *le Droit musulman* (француз тилида), *islamische Gesetz* (немис тилида) каби номлар билан юритилади. Дунёвий ҳуқуқ нормаларидан фарқли ўлароқ фикҳ ўз ичига кўпроқ ибодат масалаларини ҳам қамраб олади. Буни Таврот китобининг ибодат масалаларини жамлаб олган Талмудга қиёслаш мумкин. Шунингдек, фикҳ фуқаровий жамиятдаги кишилар ўртасидаги баъзи мулкӣ, гражданлик ва бошқа масалаларни ҳам баҳс этади. Бу эса, ўз навбатида, фикҳни юриспруденцияга яқинлаштиради. Айнан шу жиҳат давлат ҳуқуқи тарихини ўрганувчилар билан диний ҳуқуқни тадқиқ этувчи исломшунослар орасида турли талқинларни келтириб чиқармоқда.

Фикҳ илмининг мусулмонлар учун амалий диний қоидаларни ишлаб чиқувчи «фуруъ ал-фикҳ» («фикҳ тармоқлари») ва сакрал манбалардан амалий қоидаларни чиқариш (*истинбот*) услубларини тадқиқ этувчи «усул ал-фикҳ» («фикҳ асослари») деган асосий соҳалари мавжуд.

Фикҳ илми *умманинг* олим кишилари орасида шакллана бошлади. Аввал у *Илоҳий Китобни* ақлий тушуниш ва изоҳ беришни англатган. Бу маънода илк даврда *фиқҳ* (ақлий тушуниш) *‘илм* (нақлий тушуниш) нинг аксини билдирган. Аста-секин исломнинг амалий масалаларини баҳс этувчи фан шаклланиб, унга *‘илм ал-фиқҳ* номи берилди. Пайғамбар вафотидан кейинги даврда Араб давлати ҳудудлари тез суръатлар билан кенгая борди. Унинг таркибига Андалус (Испания), Шимолий Африка, Миср, Сурия, Ироқ, Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва бошқа ўлкалар киритилди. Фикҳнинг минтақавий мактабларида ислом амалиёти масалалари тезлик билан ишлаб чиқа бошланди. Уларнинг анъаналари ўзлари фаолият олиб бораётган муҳит ва маҳаллий маданият таъсири остида бир-биридан фарқ қилар эди. Бир-биридан узоқ бўлган ерларда мустақил фикҳ марказлари пайдо бўлди. Улар орасида катта араб қўшинлари турган Ироқ (Куфа, Басра), Миср, Шом, Ҳижознинг (Мадина, Макка) аҳамияти юқори бўлди. Мазкур маҳаллий марказларнинг урф-одатлари, эҳтиёж ва шарт-шароитлари турлича эди. Янги кўтарилган масалаларга киришилганда (*ижтиҳод*), ҳар бир факих турли ечим (*фатво*) қабул қиларди. Буларнинг бариси маълум ўлкаларда турли мазҳабларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Илк ривожланиш даврида фикҳга доир бўлган масалалар миқёси, уларни муайян боблар ва фаслларга бўлиб ўрганиш анъаналари шаклланиб улгурди. Шу даврнинг ўзидаёқ фикҳ ислом фанлари орасида ўз ўрнини олди.

Муҳаддислар (традиционализм) ҳаракатининг бошланиши фикҳ илмининг ривожланишида янги даврни очиб берди. Фақат Пайғамбардан махсус техника (муҳаддислар техникаси) асосида нақл қилинган хабаргина муқаддас (диний) аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги фикр диний илмлар соҳасида эски қоидаларни зудлик билан ўзгартирди. Традиционализмнинг VIII аср мобайнида кучайиб бориши калом ва фикҳ соҳасида кескин бурилиш ясади. Бундан аввал қабул қилинган қоидалар янги талаблар асосида кўриб чиқишни тақозо этди. Бу ишларни амалга оширишда аш-Шофийнинг «ар-Рисола» асари муҳим ролни ўйнади. Унда *нақлий* ва *ақлий* услублар, муқаддас матнлар ўзаро муносабатлари ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилувчи методология асосланиб берилди. Бу билан усул ал-фикҳ фани дунёга келди. «Ар-Рисола» фикҳ олимлари орасида шу давргача олиб борилган «Аҳл ал-ҳадис» ва «Аҳл ар-ра’й» гуруҳларининг зиддият ва ихтилофларига барҳам берди. Минтақавий мактаблардан персоналашган мазҳабларга ўтиш бошланди. IX-X асрлардаги сунний мазҳабларнинг сони камайиб, XII-XIII асрларда уламоларнинг ўзаро келишуви (*ижмо*) асосида улар тўртта деб эълон қилинди. Шу билан бир қаторда *ижтиҳод дарвозалари* ёпилганлиги ҳақидаги нореал фикр ҳам тарқатилди.

Ҳанафий мазҳаби. Мазҳаб эпоними Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит ал-Куфий (699-767) ҳисобланади. Аммо мазҳабни шакллантиришда унинг ўқувчилари Абу Йусуф (в. 798 й.) ва Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийларнинг (в. 804-05 й.) хизмати каттадир. Умум сломий масалаларда мазҳаблар ўртасида катта фарқларни учратмасакда, шу билан биргаликда, конкрет хусусий масалаларнинг қарийб ҳаммасида мазҳаблар ўртасида ўзига хос қоидаларни учратамиз. Шу сабабли бошқа мазҳаблар билан қиёсан ҳанафий мазҳабига хос бўлган жиҳатларни санаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Ҳанафий мазҳаби, асосан, Албания, Босния ва Герцеговина, Туркия, Сурия, Ироқ, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Россия, Жибути, Эритрея мамлакатларида кенг тарқалган. Ҳанафий мазҳаби ривожда Ўрта Осиё (Мовароуннаҳр) факихларининг

ўрни бекиёсдир. X-XII асрлар давомида Яқин Шарқ мамлакатларида шиалик тазйиқи остида сўниб борган ҳанафий марказларни Салжуқийлар, Усманийлар императорлиги даврида айнан Мовароуннаҳр ҳанафийлари қайтадан тикладилар. Улар барча янги марказлар учун устозлар бўлиб қолдилар.

Моликия мазҳаби. Мазҳаб асосчисининг тўлиқ исми – Молик ибн Анас ибн Молик ибн Аби Омир ал-Асбаҳийдир. Имом Молик 93/711-12 йили Мадинада туғилган. Унинг машҳур асарлари орасида «ал-Муватто'» бор.

Моликия мазҳаби кўпроқ Миср, Судан, Ливия, Тунис, Жазоир, Марокаш, Мавритания, Кувайт, Баҳрайнда тарқалган.

Шофиъия мазҳаби. Асосчисининг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон ибн Шофиъ ал-Ҳошимий ал-Мутталибий. У 767 йилда Фаластин диёрида таваллуд топган. Имом Шофиъий 800 йилда шиа мазҳабини қабул қилган деб айбланиб, Ироққа сургун қилинди. Ироқда Имом Шофиъий Абу Ҳанифанинг шогирдларидан Имом Муҳаммад аш-Шайбоний ва бошқа Ироқ фақиҳлари билан учрашиб, улар билан илмий мунозаралар ўтказди. У 814-5 йили Мисрга келиб, у ерда ўз илмий фаолиятини давом эттирди. У бу ерда ўз мазҳабининг асосини ташкил қилган «ал-Умм» асарини ёзди. Имом Шофиъий 820 йили Мисрда вафот этди. Унинг шогирдлари орасида Исмоил ибн Йаҳйо ал-Музаний, Абу Йаъқуб Йусуф ибн Йаҳйо ал-Бувайтийларнинг номларини алоҳида қайд этиш ўринли.

Шофиъийа мазҳаби Сурия, Ливан, Фаластин, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Яман, Миср, Сомали, Комор ва Мальдив ороллари, Ҳиндистон, Малайзия, Индонезия, Бруней султонлигида тарқалган.

Ҳанбалия мазҳаби. Мазҳабнинг эпониими – Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал 780 йили Бағдод шаҳрида туғилган. Ибн Ҳанбал фаолияти анъаначилар илоҳиёти билан муътазила орасидаги ғоявий курашнинг авжига чиққан (Қуръони каримни *махлуқ*, яъни яратилган деган ақидани ҳокимият тарафидан халққа куч билан сингдириш билан боғлиқ *миҳна* – «синов») даврига тўғри келди. Бошқа олимлар қатори Ибн Ҳанбал ҳам қувғинга учраб, 833 йилда ҳибсга олинди. У ҳадис илмида «ал-Муснад» асарини ёзди. Олимнинг шогирдлари Ибн Ҳанбал таълимотини ривожлантириб, кейинчалик фикҳий мазҳаб даражасига олиб чиқдилар. Ҳанбалия мазҳаби ҳозирги кунда Саудия Арабистони, Қатар, Баҳрайн каби давлатларда тарқалган.

VIII асрнинг охири-IX асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳаби тарқала бошлади. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида шу мазҳаб таълимоти асосида Мовароуннаҳр фикҳ мактаби таркиб топди. Мовароуннаҳрлик фақиҳлар теран билимлари, қимматли асарлари билан ислом дунёсида катта шухрат қозондилар. Фақиҳларнинг давлат ҳукмрон доиралари, халқ оммасига таъсири жуда кучли эди. Диний ҳаётда учрайдиган муаммоли масалалар фақиҳлар орқали ечилган. Фикҳ шахс, оила ва жамият ҳаёти турли шаҳобчалари масалаларини қамраб олганлиги туфайли Мовароуннаҳр мактаби намояндалари бу ўлка халқлари анъаналари, урф-одатларини умумислом мавқеларидан туриб таҳлил қилишдек вазифани бажарганлар. Мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг бир неча авлодлари фаолияти орқали маҳаллий халқларнинг тарихий, ҳуқуқий анъаналари ислом маданиятида ўз аксини топди.

VIII-X асрларда Мовароуннаҳрнинг айрим шаҳарларида ҳанафийликка асосланган илмий марказлар пайдо бўлди. Бухоро мактабига Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий (в. 832 й.) асос солган. Самарқанд илмий марказининг шаклланишига Абу Муқотил ас-Самарқандий, Абу Бакр ал-Жузжоний, ал-Атакийларнинг таъсири катта бўлди. Бухоро фақиҳлари бу даврда асосан фикҳнинг амалий масалалари (фуруъ ал-фикҳ) билан, самарқандликлар эса ўз илмий фаолиятларини илоҳиёт (усул ад-дин) мавзуи билан шуғулланишга қаратдилар.

XI-XIII асрларга келиб, фикҳ ривожини юксак даражага кўтарилди. Қорахонийлар (999-1212) даври фақиҳлари умумислом даражасида шох асарлар яратиб, ҳанафий мазҳаби классиклари мавқеига эришдилар. Ҳақиқатан ҳам Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳабининг «қалъаси» эди, десак адашмаймиз.

Диний экстремизм-муайян диний конфессия ва ташкилотлардаги ашаддий мутаассиб, фанатик унсурларнинг фаолияти мафкураси.

Фанатизм ўз ақидасининг шак-шубҳасиз тўғрилигига ишониб, бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда уларни тан олмаслик, балки уларни диний асосларни бузушда айблаб, уларга қарши уруш очишга олиб борадиган омиллардандир. Диний фанатизм диний экстремизм ва терроризмга замин тайёрлайди.

Ислом модернизми-ислом диний ва ижтимоий таълимотини янги замон шароитларига мувофиқлаштириш, ислом динининг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий муаммоларга тааллуқли ақидаларини янгича талқин этиш, ҳўжалик ҳаётини тартибга солиш ва ислом принциплари асосида янги тараққиёт моделларини ишлаб чиқишини ислом модернизми ўз олдига асосий мақсад қилиб олади. Кенг маънода-ислом модернизми ҳозирги ижтимоий ҳаёт ва илмий-техника тараққиёти талабларига ислом таълимотини мослаштириш ҳаракати-дан иборат. Ислом модернизми динда “ижтиҳод эшиклари очиқ” деган принципга амал қилади. Модернистлар “ғайриислом” олами билан ҳамкорлик қилишни, ҳатто ислом ва “ғайри ислом” маданиятларини бириктиришни ёқлаб чиқади.

Ислом традиционализми тарафдорлари ўрта аср ақидаларига изчил амал қилиб, динни ҳар қандай ислоҳ қилишларга қарши чиқади. Уларнинг фикрича динда “ижтиҳод эшиклари ёпиқдир”. Ислом традиционализми миллий онг соҳасида исломни миллатчиликка қарши қўйди, яъни мусулмонлар қайси миллатдан бўлишига қарамай ислом ақидаларига сўзсиз амал қилиши керак, ижтимоий онг соҳасида эса мусулмон жамоаси аъзолари-умматлар тенг ҳуқуқли, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас деган концепцияни илгари суради.

Ислом фундаментализми. И.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” деган китобининг “диний экстремизм ва фундаментализм” номли бўлимида мазкур муаммо сарлавҳасидаги масала ҳам батафсил ёритилган.

Ҳақиқатан ҳам диний фундаментализмнинг келиб чиқиши ўзининг узок тарихига эга бўлса-да, бу жараённинг жонланиши XX асрнинг охири чорагида юз берган эди.

Ҳўш, диний фундаментализм, шу жумладан ислом фундаментализми ва унинг келиб чиқиши, моҳияти деганда нимани тушунмоқ керак? Бу саволга қисқа жавоб қуйидагилардан иборат:

Фундаментализм тушунчасининг асл келиб чиқиш илдини республикамиз олимларидан проф. Х. Кароматов ўзининг “Фундаментализм ёхуд тўқликка шўхлик” деган мақоласида жуда ўринли далиллар билан асослаб берган. Бу олимнинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда фундаментализм деганда аксарият ҳолларда ислом фундамен-тализми назарда тутиляпти. “Аслида,-деб ёзган эди у, -фундаментализм XX асрда христиан “модернизми”нинг ривожига қарши вужудга келган ўзига хос христиан оқимига берилган номдир. Мазкур модернизм турли соҳаларда акс таъсир туғдириб, Америка Қўшма Штатларида айниқса шиддатли тус олди”³.

Ваҳҳобийлар фундаментализмда, бинобарин, ақидапарастликда Ибн Ханбал таълимотидан ҳам сўллашиб, мақсад ва таълимотлари ўтмаган ҳудудларда куч, ҳатто қилич ишлатишга жажду-жадал қилганлар. Уларнинг таълимотича пайғамбар,

³ Караматов У. “Фундаментализм ёхуд тўқликка шўхлик”. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. Тўплам, 43-бет.

мусулмон оламининг азизлари қабрларини зиёрат қилиш бидъат ҳисобланган, фақат Оллоҳга сиғиниш фарздор деб тарғиб қилинган. Улар суфийлар таълимотини исломга зид деб даъво қилганлар. Хаж сафарини тўхтатганлар, унга хохиши бўлган талабгорларни фақат катта тўловлар эвазига амалга оширганлар.

Фундаменталистлар ва уларнинг издошлари ислом маданиятига катта шикаст етказганлар. Улар тамаки чекиш, ипак кийим-бош кийиш, тасбех ўгириб юришни ман қилганлар, эркаклардан соқол олдирмасликни, аёллардан хижобга бош-оёқ ўралиб юришни талаб этганлар. “Ваҳҳобийлар,-деб ёзган А.Бегматов,-иймони-шариатдаги асосий усулларида бирини ҳам инкор қилишади. Ижмо мусулмон жамоасининг яқдиллик билан чиқарган фикри, ҳукми асосида иш кўрилишидир.”⁴

Ақидапараст ваҳҳобийлар, умуман фундаменталистлар нисбатан уюшган, жанговар, сиёсатда ҳам, динда ҳам экстремист бўлганлари учун ўзга мазҳаб ва ҳаракатлар устидан ҳарбий ва мафкуравий жихатлардан тез, осон ғалаба қилиб, бутун Арабистон ярим оролига тарқалганлар, ҳокимиятни қўлга олганлар. Ойбек Ҳамдамовнинг “Эзгуликка чоғланмаган мусулмон эмас” деган мақоласида қайд қилганидек, “ваҳҳобийлар ўтган асрда ҳокимият тепасига келиш учун 3000 одамни Каъбанинг олдида шаҳид қилганлар”⁵.

Бундай ёвузликлар ҳақида тарих тажрибасидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хулоса шуки, фундаментализм ҳаракати ханбалия мазҳаби доирасидан келиб чиққан ва турли

Исломнинг 14 асрлик тарихи тажрибаси шуни кўрсатадики, унда ҳам қандай янги бир мазҳабни тарғиб қилиб, тоифачиликка берилиш ёки бирор оқим яратишга интилиш доимо сиёсий ва ғаразғўйлик мақсадларига хизмат қилган. Хатто мусулмон дунёсининг муайян бир қисмида расмий ислом оқими деб эътироф қилинган шиизм ҳам дастлабки шаклланишида маълум сиёсий мақсадлар туфайли вужудга келган.

Ваҳҳобийлар суннийларнинг фақат 1,5 фоизини ташкил этувчи ханбалийлар мазҳабига мансуб бўлиб, улар асосан Саудия Арабистонида яшайди. Улар дунёвий қадриятларга нисбатан ўта муросасиз диний мафкурага асосланган. Ваҳҳобийлар суннийликдаги жуда озчиликни ташкил этувчи ханбалийлар оқимига мансуб бўлишига қарамай, мусулмон аҳолисининг кўпчилигини ташкил этувчи хана-фийларни ислом динидан чекинувчилар деб ўринсиз ҳисоблайдилар.

Исломни восита деб эмас, мақсад қилиб олган ўтган асрда вужудга келган турли оқимлар эса оқибатда ислом фундаментализм-мига олиб келди. Бунинг исботи учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Кўпчилик хорижий мусулмон мамлакатларидаги террористик ҳаракатлар, яқин қўшни ўлкалардаги қонли тўқнашувлар бунга мисол бўла олади. И.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида бу ҳақда бундай деб ёзган эди: “Афсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, хатто фанатизм (ўтакетган мутаассиблик) сифатида фойдаланганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп”⁶. Бу фикрнинг ғоят тўғрилигини Наманган шаҳрида ваҳҳобийлар уюштирган дин ниқоби остидаги машъум жиноятчилик мисолида ҳам кўриб, тўла ишонч ҳосил қилдик.

Ваҳҳобийлар ҳаракати XVIII асрнинг бошларида вужудга келган бўлиб, у XIX асрда яна ҳам кучайди. XX асрнинг биринчи, хусусан иккинчи ярмида турли мусулмон

⁴ Бегматов А. Ақидапарастлик: тарих оғохлантиради. “Ўзбекистон овози”. 1998 йил, 20-сон.

⁵ Ҳамдамов О. “Эзгуликка чоғланмаган мусулмон эмас”. “Ватан”. 1998 йил. 15 май сони.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.

мамлакатларида (Тожикистон, Афғонистон, Чеченистон, Доғистон, Жазоир ва бошқаларда) юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятдан фойдаланиб ваҳҳобийлар ўз таъсирларини кучайтирдилар ва натижада салбий оқибатларнинг келиб чиқишига, ҳаттоки, қонли тўқнашувларнинг юзага келишига сабаб бўлдилар.

Ваҳҳобия-сиёсий-диний таълимот, идеология эканлигини таъкидламоқ даркор. Бу таълимотда диний, сиёсий, ижтимоий масалалар жипслашиб кетган. Шунинг учун, масалалар мажмуасини ёритишда бу таълимот асосчисининг таржимаи холи, диний-илоҳий қарашлари, саудийлар оиласи билан муносабати, мазкур тарғиботчининг шахсий манфаатлари, таълимотнинг Саудия Арабистони давлатининг вужудга келиши ва уни кенгайтириш йўлида олиб борилган босқинчилик урушларидаги раҳнамолик роли, ҳозирги даврдаги кўриниши, Саудия Арабистони ички ва ташқи сиёсатидаги аҳамияти каби ғуруҳларга бўлган ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб 1115 хижрий (1703-04 милодий) йилда Арабистон ярим оролининг Нажд ўлкасининг ал-Уйайна деган жойида таваллуд топди. Бу шаҳар ал-Арид минтақасининг ад-Диръия ва ар-Риёд шаҳарлари ёнида жойлашган. Мазкур шаҳарлар янги Саудийлар давлатининг вужудга келишида катта роль ўйнаган. Бу даврда унинг отаси Абдулваҳҳоб ибн Сулаймон мустақил маҳаллий амир ҳокимиятида қозилик лавозимида хизмат қилар эди. Муҳаммад ёшлигидан диний илмларни ўз отаси раҳбарлигида ўргана бошлади. Абдулваҳҳоб доимо ўғлининг руҳонийлик касбига тайёргарлигини диққат билан кузатиб борди. Муҳаммад анъанага кўра Куръонни ёд олди, тафсир ва Ҳадис илмлари билан таниша бошлади.

Муҳаммад 12 ёшида вояга етгач, отаси Абдулваҳҳоб уни уйлантириб қўйди. Тез орада у диний илмлар ўрганиш мақсадида турли мамлакатларга сафар қилди. Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Арабистон ярим ороли, Миср, Сурия, Қурдистон, Ироқ, Эрон каби мамлакатларда бўлиб ва олимлар суҳбатида кўпинча Ибн Абдулваҳҳоб уламоларга тазйиқ ўтказганлиги учун жанжал билан тугатар эди.

1726-27 йилда отаси Абдулваҳҳоб Нажд водийларидан бири Хураймалага оиласи билан кўчиб ўтади. Бунга сабаб ал-Уйайна янги амир билан келиша олмаганлиги учун Абдулваҳҳоб қозилик лавозимидан бўшатилади. Баъзи тадқиқотчилар 1740-41 йилда Абдулваҳҳоб вафотидан сўнг уйига қайтган Муҳаммад унинг ўрнига қози бўлганлигини тахмин қилишади. Лекин, у бу мансаб билан чекланмади. Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб кишиларнинг дин масалаларида "нотўғри" қарашларни танқид қилиб, ўзи "тўғри" деб тушинган йўлни тарғиб этишни бошлади.

Унинг тарғиботчилик фаолиятини 2 даврга ажратса бўлади:

- 1) 1730-1745 йиллар;
- 2) 1745 йилдан сўнги давр.

Биринчи даврда Ибн Абдулваҳҳоб турли кичик давлатлар-амирликлар ичида ўзига муносиб ҳомий излади. У 1150 (1737-38) йил ал-Уйайнага унинг амири Усмон ибн Муъаммар таклифига биноан кўчиб ўтади. Бу ерда тарғибот ишларида зиддиятли вазият келиб чиқади. Натижада, маҳаллий ислом уламоларининг талабига биноан Усмон ибн Муъаммар янги тарғиботчини ўз давлатидан чиқариб юборишга мажбур бўлди.

1745 йили Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб қўшни ад-Диръия водийсига унинг амири Муҳаммад ибн Саъуд таклифига биноан кўчиб ўтади. Тез орада Усмон ибн Муҳаммад катта хатога йўл қўйганлиги тушуниб қолади. Ибн Саъуд ваҳҳобийлар мисолида шахсий ҳокимиятини мустаҳкамлашда кучли қуролга эга бўлди. Биринчидан, қўшни қабила, амирликларга қарши уюштириладиган босқинчилик урушларини оқлайдиган таълимот ҳамда уламолар унинг эътиборига ўтди. Чунки, ваҳҳобийлар хоҳлаган муҳолифларни бидъатда, ширкда айблаб, уларга қарши жиход урушини эълон қилишлари мумкин эди. Иккинчидан, Ибн Саъуд ваҳҳобийлар саъй-

ҳаракатлари натижасида "Тўғри йўлдаги" мусулмонлар имоми, амир унвонига эга бўлди.

Ваҳҳобийлар ҳаракатининг мақсади ва мазмунини таҳлил этадиган бўлсак, у ханбалий мазҳабидан бошқа бир мазҳабни тан олмаган ва ислом динидаги ҳар қандай янгиликни рад этган; айти пайтда бу диннинг ривожланишига катта ҳисса қўшган азиз-авлиёларнинг хизматини инкор этиб, ёдгорликлар, қабрларни вайрон қилишга чақирган.

Далилларга мурожаат қилайлик. Исломуно олимларнинг берган маълумотларига кўра, ваҳҳобийлар давставвал Расули Акрам схобаларидан бирининг Жубайилидаги қабрини вайрон қилдилар. 1802-1803 йилларда Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбарнинг набиралари-Имом Хасан ва Имом Хусайнларнинг қабрларини вайрон қилдилар. Қабр мақбараларидаги қимматбаҳо безакларни, олтин суви юритилган ғишларни туяларга ортиб ўлжа сифатида олиб кетдилар. Бу ваҳший-ликларга қарши чиққан мўйсафидлар, аёллар, хатто болалар шафқат-сизларча кириб ташланган. Қабрлардаги талон-тарож 8 соат давом этган. Шу вақт ичида қаршилиқ кўрсатганлардан тўрт минг одам қиличдан ўтказилган.

Тарихий воқеалар шуни кўрсатадики, ваҳҳобийлар ислом дини “асл ҳолатига келтириш” даъвати остида босқинчилик, талончилик билан шуғулланишган.

1803 йили ваҳҳобийлар Маккани, кейин Мадина шаҳрини босиб олишди. У ердаги барча қабртошларни, хатто Биби Фотима ва саҳо-балар соғанасидаги қабр тошларни бузиб ташлашди. 1810 йилга келиб Муҳаммад пайғамбарнинг масжидини ҳам талон-тарож қилишди.

Бундай хунрезликларга чидай олмаган Миср ҳукмдори Муҳаммад Али 1811 йили бу ёвузликка қарши чиқиб, ўз қўшинлари билан аввал Хижозни, сўнг 1818 йили Диръани ваҳҳобийлардан тозалади. Шундан сўнг ҳокимият мисрликлар қўлига ўтса ҳам, барибир, ваҳҳобийлар вақти билан ўша давлатни тиклашди. Унинг пойтахти Ар-риёд бўлди⁷.

Ибн Саъуд шу даврдан бошлаб Марказий Наждда ўзининг яккахокимлиги ўрнатишини бошлади. Мушрикийликда айбланган қўшни мамлакатлар амирлари учун, ёки Саудийларга тўлиқ бўйсунуш ёки уларга ҳарбий қаршилиқ кўрсатиш йўлларигина қолар эди. Қарийб чорак аср давом этган бу кураш Саудийларнинг тўлиқ ғалабаси билан тугади.

Лекин Ибн Сауд Наждни босиб олиш билан чекланмади. Энди Ибн Сауд бутун Арабистонни ўз тасарруфида бирлаштиришни ният қилиб қўйган эди. Бу узоқ давом этган кураш Усмонийлар империяси ва Буюк Британиянинг аралашувиға олиб келди. Пировард натижада ваҳҳобийлар байроғи остида Арабистонни бирлаштириш ҳаракати Саудия Арабистони мамлақати тузилиши билан тугади. Бу кураш йилларида, яъни 1792 йили Муҳаммад Ибн Абдулваҳҳоб вафот этади.

Улар барча ўз муҳолифларини динга янгилик киритганликда (бидъат) айбладилар. Фақат ўз қарашларини соф исломий деб эълон этдилар. Лекин бу давр уламолари ханбалийларнинг таълимотларида кўп бидъатлар топиб, ўз навбатида, уларни кофирликда айбладилар. Кейинги асрларда бу ғояларни суриялик олим Такиаддин ибн Таймия (1328 йил вафот этган), Ибн ал-Қаййим (XIV аср) ривожлантирдилар. Улар ислом манбалари сифатида Куръони Карим, Пайғамбар суннати ва аввалги 3 аср амалиётида бўлган қоидаларнигина тан олишади. Жамият ҳаётидаги ҳамма камчиликларни, регрессив мазкур нормаларни бажармасликдан келиб чиққан деб ҳисобладилар. Фақат ўз қарашларини тўғри деб билиш, бошқалар фикри билан ҳисоблашмаслик, мурасизлик, фанатизм бу таълимотнинг асосини ташкил

⁷ Қаралсин: Дунёвий давлат ва дин. Кўнгилдаги бузилиш. Т., 1998, 24-25-бет.

этди. Муҳаммад Ибн Абдулваххоб бу фикрларни тўлик қўллаб-қувватлади. У ўз асарларида шу фикрларни қайтаради.

Ваҳҳобийларда жиход назарияси. Ваҳҳобийлар Саудийлар сиёсий мухолифларни мушрикийлар деб эълон қилдилар. Ислом душманлари сифатида мушрикийларга қарши жиход урушига боришга фатво бердилар. Бу билан Муҳаммад Ибн Абдулваххоб Саудийлар босқинчилик урушларига қонуний, диний асос яратиб бердилар. Бу урушлар давомида кўплаб гуноҳсиз мусулмонлар ўлдирилди, шаҳарлар, қишлоқлар вайрон этилди, мол-мулклари таланди, аёллар ва болалар қул этиб сотилди. Ваҳҳобийлар уларнинг фикрларига қўшилмаган мусулмонларни кофирлар деб эълон қилар эдилар. Ваҳҳобийлар янги водий ва шаҳарларни босиб олгандан сўнг у ерда жойлашган муқаддас жойларни бузиш, шу минтақада яшовчи ваҳҳобийларга қарши бўлган уламоларнинг китобларини ёқиш билан шуғулландилар. Экстремистик дин вакиллариининг ҳарбий-сиёсий гуруҳлар билан иттифоқи шундай оғир, қонли оқибатларга олиб боришини яна бир бор амалда исботлади.

Ахлоқ таълимоти. Ваҳҳобийлар назарияси жихатидан ахлоқ масалаларида гарчи шахсий камтарлик, мол-мулкка хирс қўймаслик, дунёвий ҳаётда тоат-ибодатга аксарият вақтни сарфлашга тарғиб қилсаларда, лекин амалда сарой ахлининг босқинчилик урушлари, қўшни қабилаларнинг мол-мулкларини талаш оқибатида бойиши натижасида гап билан амал ўртасида зиддиятлар пайдо бўлишига олиб келди. Саудийлар серхашам саройлар, қимматбаҳо бисотлар билан ўзларини ўраб ола бошладилар. Тарғиботни касбга айлантирган ваҳҳобийларнинг қарашлари қийин исломда илк ақидаларга зид эди.

Ислом дунёсини бирлаштириш гоёлари. Ваҳҳобийлик кичик амирликнинг катта мамлакатига айланиш мафқураси бўлганлиги сабабли унда аввало Наж, Хижоз, сўнгра бутун Арабистон ерларини бирлаштириш гоёлари устувор ўринда бўлди. Қатор ислом мамлакатларида турли дин шакллари мавжуд бўлган бир вазиятда Пайғамбар даври меъёрларига қайтиш гоёлари бу таълимотнинг бошқа мамлакатларда ҳам тарафдорлари пайдо бўлишига олиб келди. Баъзи сиёсий кучлар, ўз ғаразлари йўлида бу таълимотдан фойдалана бошладилар. Ўз мухолифларини танқид қилишда ушбу гоё қўл келди. Бу ўз навабатида ваҳҳобиянинг ислом дунёсида тарқалишига замин яратди. Турли аҳоли гуруҳларининг ўз ахволидан норозилиги бу таълимот орқали кимларнидир айблашга, ҳиссиётларини кўзғатиб, ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишларига ҳам восита бўлди. Хижозда хаж сафарига бўлган мусулмонлар бу гоёларни Индонезиядан тортиб то Атлантика океани сохилларигача олиб бордилар.

Ваҳҳобийларнинг чет эларда жуда кўп ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар фаол ҳаракат олиб борадилар. Кўпчилик ташкилотлар яширин сиёсий фаолият билан шуғулланадилар. Улар ўзларини муваххидун (тавхидчилар) деб атайдилар. Ваҳҳобийларнинг фаолияти мусулмон мамлакатларидаги мавжуд конституцион тузумни зўрлик билан ўзгартириб, Саудия Арабистонига мойил ҳукумат тузишга қаратилган. Иш услублари-диний ҳиссиётлари кучли фуқароларни жамиятларига тортиб, уларни қайта тарбиялаш, сўнг улардан ташвиқот, ижтмоий тартиббузарлик, экстремистик ҳаракатларда фойдаланиш. Бу ишларга, айниқса, ёшларни, аёлларни, болаларни тортиш. Шунинг учун балоғатга етмаган фуқаролар, норозилар ўртасида иш олиб боришга эътибор берилади. Хайрия фондлари орқали майиб-мажруҳларга, етим-есирларга ёрдам, дин қоидаларини ўрганувчиларга дарс бериш, дарслик-китоблар тарқатиш каби пропаганда методларидан кенг фойдаланадилар. Кишиларга фанатизм, мурасасизлик, ўзгалар фикрлари ва манфаатларига хурматсизлик руҳини сингдиришга уринадилар.

Миллий озодлик курашининг ривожланиши жараёнида исломнинг сиёсийлашуви ходисаси кузатилади. Бу хол ўзини сиёсий кураш давомида исломий шиорлардан кенг фойдаланишда намоён қилади. Улар орасида панисламизм ва мусулмон жамоаларини бошқа конфессия вакилларидан ажратиш (ислом миллатчилиги) ғоялари эътиборга моликдир.

1. Ўзбекистон Республикаси демократик давлат сифатида ўзининг қонун яратувчилик фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро келишувларга таянади, жумладан Конституциянинг 57-моддаси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактдан келиб чиқади, чунки унда белгиланишича:

биринчидан, урушни ҳар қандай тарғиб этиш қонун билан тақиқланиши керак;
иккинчидан, камситишга, адоватга ёки зўравонликка ундовчи миллий, диний ёки ирқий нафрат руҳидаги ҳар қандай ҳаракат қонун йўли билан тақиқланган бўлиши лозим(20-модда)⁸.

2. Конституция 57-моддасининг мазмунини ривожлантириб “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунда бизнинг жамиятимизга зид бўлган жамоат бирлашмаларининг рўйхатини аниқ кўрсатилган.

Бу ташкилотларнинг фаолияти:

биринчидан, умумбашарий гуманистик қадриятларни бузушга;
иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бирлигини бузушга;

учинчидан, Ўзбекистон халқлари маънавиятини емиришга;

тўртинчидан, жамиятни парчалашга;

бешинчидан, қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган ҳокимият органларига куч билан тазйиқ ўтказишга йўналтирилган.

3. Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат тамойилларини амалиётга татбиқ этиб, қонунчилик даражасида қуйидаги партияларни тузишни ман қилади:

а) конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи;

б) миллатчилик ҳарактерига эга бўлган;

в) миллий ва диний мансубликка асосланиб шакллантирилаётган;

г) ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи.

Афсуски, кейинги пайтларда айрим диндорлар орасида мамлакатимиз ҳукумати яратиб бераётган имкониятлар, имтиёз ва ғамхўрликнинг қадрига етмасдан, уларнинг бу моҳиятини тушунмасдан жамият учун жиддий салбий оқибатлар билан тугалланиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар юз бермоқда. Ачинарлиси шундаки, бундай кирдикорлар ғализ ниятли кимсалар таъсирига тушадиган, мустаҳкам дунёқарашга эга бўлмаган ёшларда, шу жумладан, дунёвий илмга эга бўлиб, келажақда жамиятимиз равнақи учун астойдил хизмат қилиши лозим бўлган олий ўқув юртларидаги талабаларимиз орасида бу таъсирга берилиш кам бўлса ҳам учрамоқда.

Одамларга бирон-бир диний эътиқодни зўрлик билан сингдириб бўлмайди. Бизнинг халқимизнинг дини, эътиқоди ва миллий қадриятлари кишилар онги ва психологиясига чуқур сингиб, жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлашга, ижтимоий тараққиётга хизмат қилиб келган.

И.А.Каримов ислом фундаментализми ҳамда ақидапарастлигининг тахдиди нималардан иборат деган саволга, бу тахдид намоён бўлишини 7 қисмга бўлиб, қуйидагича тавсифлаган:

биринчидан, ақидапарастлик ғояларини тарқатиш орқали мусулмонларда ислохотчи давлатга ишончни йўққа чиқаришда намоён бўлаётир;

⁸ Инсон ҳуқуқлари: универсал халқаро ҳужжатлар тўплами. Т: Ўзбекистон, 1996, 43бет.

иккинчидан, “Фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оломон-боп, жозибадор, аммо бақироқ ва асоссиз даъватларига кўр-кўрона эргашувчилар ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим”⁹;

учинчидан, ақидапараст, фундаменталистларнинг тахдидиди мамлакат аҳолиси, ижтимоий гуруҳлар орасида “ҳақиқий” ва сохта” диндорлик белгиларига қараб қарама-қаршилик, гоҳо конфликт келтириб чиқаришлари намоён бўлмоқда;

тўртинчидан, бундай тахдид республикаимиз жанубидаги қўшни мамлакатларда фуқаролар уруши тўхтамай, давом этиб келаётганлигида намоён бўлмоқда;

бешинчидан, бундай тахдид мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида ҳам мамлакатимиз тўғрисида кўнгилни музлатадиган тасаввур туғдиришга уринишлардан намоён бўлмоқда;

олтинчидан, ҳавфсизликка тахдиднинг яна бири ислом маданияти билан ноисломий (дунёвий) маданият ўртасида зиддиятларни шакл-лантиришда гоҳ ошқора, гоҳ яширин тарзда намоён бўлаётир;

еттинчидан, сўнгги тахдид халқ оммасини, хусусан диндорларнинг онгида дин ҳамма иқтисодий, ижтимоий ва халқаро муаммолар ва зиддиятларни хал этишнинг ҳаммабоп (универсал) воситаси деган асоссиз фикрни қарор топтиришга уринишда намоён бўлаётир.

Юқорида баён қилинган далил, мисол ва фикр-мулоҳазалардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, халқимизнинг минг йиллар давом этган тарихидаги давлатчилик сиёсатида диннинг жамият ва инсон ижтимоий, маънавий ҳаётидаги роли масаласига ёндошилганда, асосан диний мутаассиблик ва ақидапарастлик эмас, эмпиризм (тажриба), рационализм (ақл-идроқка мувофиқлик) ва амалиётга суяниш ва ёндошиш бош мезон бўлган. Нисбатан адолат ва инсонпарварликларга таянган IX-XII асрлардаги салтанатлар ҳам туркий элатларни бирлаштириб, марказлашган давлат қургани ва миллат қудратини оширган буюк Темур ва темурийлар салтанати ҳам, Захириддин Муҳаммад Бобур, Хумоюн, Акбаршоҳ, Шахжаҳонларнинг турли дин ва мазҳабдаги халқларни бирлаштириб, олдингиларга нисбатан инсонпарвар давлатчилиқни вужудга келтирган салтанатларнинг буюқлиги ва бутун жаҳонни хайратга солганлигининг сабаби ҳам шундадир.

Буюк аجدодларимиз ҳукмронлик қилган Ўрта Осиё заминида асрлар давомида рационал (ақл-идроқка асосланган) диний эътиқод, хур ва эркин фикрлаш қадрланганлигини, Ўзбекистонда фан ва маданият, адабиёт ва санъатнинг нақадар раванқ топганини кўриш мумкин.

Бугунги Республикаимиз мустақиллиги шароитларида фуқаролар, айниқса ёшлар диний фундаментализм ва экстремизмнинг Ўзбекистон мусулмонлари эътиқод қилиб келган ханафийлик мазҳабига тамомила зид эканлигини тўғри англаб, бу фундаментализмнинг тарихда ҳам, ҳозирги кунда ҳам ўта зарарли эканлигини чуқур тушуниб етишлари лозим.

9-мавзу: Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар

Режа:

1. Виждон эркинлиги – диний эътиқод эркинлиги.
2. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар масаласи
3. Мустақиллик ва дин.

1. Виждон эркинлиги - диний эътиқод эркинлиги.

Виждон эркинлиги тушунчаси қандай маънони билдиради? Виждон эркинлиги кишининг бирор динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик

⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. . 45-бет.

хуқуқидир. Шунинг учун бу муаммо ижтимоий ҳаётда тарихан муҳим ва мураккаб масала бўлиб келган. Виждон эркинлиги хуқуқи кишиларнинг динга бўлган муносабатидан ташқари шахснинг демократик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби катта ижтимоий, сиёсий, хуқуқий ва ахлоқий тушунчаларни ҳам қамраб олади.

Виждон эркинлиги кишиларнинг руҳий оламига, унинг соғлом ва баркамоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу масаланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва бажарадиган вазифалари ғоят муҳимдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставидан тортиб, барча халқлар хужжат ва шартномаларда, ҳамма мамлакатларнинг конституция ва қонунларида виждон эркинлиги масаласи ўз ифодасини топган. 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини, ўз дини ёки эътиқодига ўзича, шунингдек бошқалар билан биргаликда амал қилиш қафолатини, ибодат қилишда ва диний маросимларда якка тартибда ва одамлар орасида бирга қатнашиш эркинлигини ўз ичига олади.

Виждон эркинлиги қандайдир бир мавҳум тушунча эмас, у албатта маълум ижтимоий вазиятда намоён бўлади. Шунинг учун уни конкрет тарихий, ижтимоий шароитсиз, объектив ва субъектив омилларсиз тасаввур қилиш қийин. Бундан ташқари “виждон эркинлиги” тушунчасини илмий талқин қилишда албатта миллий, мафкуравий, маданий ва синфий омилларни ҳам назарда тутиш керак.

Виждон эркинлиги динга ишонувчиларни мажбуран ўз эътиқодларидан қайтариб, динни маъмурий тарзда тақиқлаб қўйишнинг ҳар қандай назарий ва амалий кўринишларига чек қўяди. Шунингдек, у жамиятдаги барча конфессиялар, яъни динлар, черков ва диний бирлашмалар, турли динларга эътиқод қилувчи кишиларни тенг ҳуқуқли деб билади, бирон бир динни имтиёзли, бошқа динлардан устун қилиб қўймайди. Шу билан бирга жамиятда илмий дунёқарашнинг қарор топишини виждон эркинлигининг амалда намоён бўлиш белгиларидан бири деб ҳисоблайди.

2. Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлигининг қонун йўли билан қафолатланиши.

1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги янги Қонунни қабул қилган эди. Қонун лойиҳасини тайёрлашда кенг жамоатчилик вакиллари, халқ депутатлари, олимлар, мутахассислар, турли миллат ва дин вакиллари фаол иштирок этишди. Бу қонун ўз мазмуни билан илгариги қонунлардан катта фарқ қиларди.

Қонуннинг “Умумий қоидалар” бобида виждон эркинлигининг асосий тамойиллари, вазифалари, уларни амалга ошириш йўллари, қоидалари ва қафолати, фуқароларнинг бу соҳадаги ҳуқуқ ва бурчлари баён этилган.

Қонуннинг 3-моддасида ҳар бир фуқаро динга муносабатини ўзи мустақил аниқлаши, у ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги; ҳуқуқ эса Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан қафолатланажгаи таъкидланган эди.

Ўзбекистон фуқаролари динга муносабатларидан қатъи назар, республика қонунлари олдида тенг ҳуқуқлидирлар. Уларнинг ҳуқуқларини динга ёки дахрийликка муносабатларига қараб чеклаб қўйиш ёки имтиёзлар бериш, улар ўртасида нифоқ ва нафрат кўзғотиш ёки фуқароларнинг туйғуларини ҳақоратлаш каби ҳаракатлар қонун асосида қораланади ва бу ишда айбдор бўлган кишилар қонун олдида жавобгардирлар. Ўз диний эътиқодини сабаб қилиб қонунда белгилаб қўйилган бурчларини бажаришдан ҳеч ким бўйинтовлаши мумкин эмас.

Қонунда ЎзРсида дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилганлиги қайд этилган. Бунинг маъноси давлат диний масалалар билан шугулланмайди, диний

ташкilot ва уюшмалар эса давлат ишларига аралашмайди, яъни дин ва диний ташкilotлар давлатдан ажратилган.

Давлат диний ташкilotлар зиммасига бирор сиёсий вазифасини юкламайди, диний ташкilotларнинг фаолияти қонунларга зид келмаса, унга аралашмайди. Диний ташкilotлар давлат вазифаларини бажармайди, сиёсий партиялар фаолиятида қатнашмайди ва уларни маблағ билан қўллаб-қувватламайди, давлат қонунлари ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилади. Лекин диний ташкilotлар жамият ишларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Мустақиллик йиллари ижтимоий-иқтисодий ва маънавий, маданий ҳаётда амалга оширилган улкан ислохотлар, ўзгаришлар, янгиланишлар қатори виждон эркинлиги, давлат ва дин, динга ишонувчилар ва ишонмайдиганлар ўртасидаги муносабатга ҳам давлатнинг адолатли сиёсати ўрнатилди.

1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида виждон эркинлиги қонунининг янги таҳрири қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги виждон эркинлиги қонунига киритилган янгиликлар асосан қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, ёшларга диний таълим бериш хусусидаги ҳуқуқларини муҳофаза қилишга эътибор қаратилган. Қонуннинг 3-моддасидаги, 2-қисмда бундай дейилган: “Вояга етмаган болаларни диний ташкilotларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди”. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддасида вояга етмаган болаларни шундай қонунга зид тарзда динга ўқитиш - энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши кўзда тутилган.

- иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Унинг тизимининг ўқув дастурига диний предметлар киритилишига йўл қўйилмайди деган дастур қонунининг 7-моддасига қўшиб қўйилган.

- учинчидан, диний таълим махсус ўқув юртларида амалга оширилади. Диний ташкilotларнинг Марказий бошқарув органлари, руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари ташкил этишга ҳақлидирлар;

- тўртинчидан, диндан сабоқ берувчилар, мураббийлар тегишли пухта билимга ва уни ўқитиш ҳақидаги махсус руҳсатномага эга бўлишлари шарт;

- бешинчидан, қонун хусусий тартибда таълим беришни ман этади (9-модда). Бу қонунни бузганлар учун Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241-моддасида муайян жазо белгиланган.

- олтинчидан, виждон эркинлиги тўғрисидаги 1991 йилдаги қонуннинг 13-моддасида диний ташкilot юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиш учун уни тузган, камида ўн кишидан иборат 18 ёшга тўлган фуқаролар Адлия Вазирлигининг шу диний ташкilot фаолият кўрсатиши назарда тутилган ҳудуддаги идорасига Низомни илова қилиб ариза топширадилар, деб кўрсатилган эди.

Янги таҳрирдаги қонунга биноан эса диний ташкilot ЎзР нинг 18 ёшга тўлган ва республика ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролар ташаббуси билангина тузилади;

- еттинчидан, диний ташкilotлар ЎзР си Адлия Вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга оширади (8-модданинг 5-қисми).

Қонуннинг кейинги бобларида фуқароларнинг диний эътиқод урф-одат ва маросимларида қатнашиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари, диний адабиётлар, диний

мазмундаги ахборот материалларини тайёрлаш, экспорт ва импорт қилиш, тарқатиш ва уларни ишлаб чиқарадиган корхоналарни таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Қонунда диний ташкилотлар (жамиятлар, марказлар ва бошқармалар) нинг фаолияти, ҳуқуқ ва вазифаларига алоҳида ўрин берилган.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ўз Низомлари асосида иш юритадилар. Ўзбекистон Республикасида диний ҳарактерга эга бўлган партиялар, республикадан ташқаридаги диний партияларнинг бўлим ёки филиалларини тузиш ҳам ман этилади. Диний бошқармалар ва марказлар ўз Низомларига кўра диний ўқув юртлари ташкил этишлари ва уларда масжидлар, диний бошқармаларда, марказларда ишлайдиган руҳонийлар тайёрлаши мумкин. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтиши шарт.

Давлат қарамоғидаги ўқув юртлари учун қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар диний ўқув юртлари учун ҳам баб-баравар тааллуқлидир.

Диний ташкилот Низоми давлат қонунларига зид бўлмаслиги керак. Агар диний ташкилот Низоми қонуний ҳужжатларига зид бўлса, диний ташкилотнинг ушбу Низоми рўйхатга олинмайди ва ўзининг фаолияти таъкидланиб, тарқатилади.

Диний жамоа амалдаги қонунчиликни ва республика Конституциясини бузса ёки диндорларнинг кўпчилиги бу жамоани рўйхатдан ўчиришни илтимос қилса, бундай шароитда диний ташкилот фаолияти тўхтатилади. Жамоани рўйхатга олган тегишли маҳаллий орган идораси бу ҳақда ўз қарорини чиқариши шарт.

Диний ташкилотлар ўз мулкларига эга бўладилар. Бинолар, дин билан боғлиқ буюмлар, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия ишларига мўлжалланган иншоотлар, пул маблағлари ҳамда диний ташкилотлар фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа мол-мулк диний ташкилотларнинг мулки ҳисобланади. Маҳаллий ҳокимият ва давлат идоралари саждагоҳ иморатлари ва давлат мулки бўлган бошқа мол-мулкни диний ташкилотларга мулк қилиб бериши мумкин. Шуниси эътиборга молиқки, диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мулкӣ хайриялардан, шунингдек, фуқаролардан тушган маблағлардан солиқ ундирилмайди.

Қонун асосида диний ташкилотларга ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қуриш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини, шунингдек, ҳуқуқӣ шахс ҳуқуқига эга бўлган хайрия муассасалари (етимхоналар, интернатлар, шифохоналар ва бошқалар) таъсис этиш ҳуқуқи берилган. Уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятдан келадиган фойдадан жамият ташкилотлар корхоналаридан олинadиган ҳажмда солиқ олинади.

Диний ташкилотлар одамлар эркин кела оладиган ибодат ёки диний йиғилишлар жойларига, шунингдек, у ёки бу дин муқаддас ҳисоблайдиган жойларга (саждагоҳларга) асос солиш ва сақлашга ҳақлидирлар. Ибодат, диний расм-русум ва маросимлар ўтказиш маҳаллий ҳокимият томонидан тақиқланмайди. Улар ибодат қиладиган бинолар ва унинг атрофидаги ҳудудларда, тавоф этиладиган жойларда, диний ташкилотларда, муассасаларда, қабристонларда, фуқароларнинг хонадонлари ва уй-жойларида ҳеч қандай тўсқинликсиз ўтказилади. Касалхоналарда, госпиталларда, қариялар ва ногиронлар уйларида, дастлабки камок жойларида ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний маросимлар улардаги фуқароларнинг илтимосига мувофиқ ва маъмуриятнинг кўмаклашувида ўтказилади.

Ўзга ҳолларда оммавий ибодатлар, диний расм-русумлар ва маросимлар, митинглар, кўча юришлари ўтказиш учун белгиланган тартибга амал қилинади.

Фуқаролар ва диний ташкилотлар ўзлари хоҳлаган тилдаги диний адабиётни, шунингдек, диний маросимлар ўтказишда фойдаланиладиган бошқа буюмлар ва материалларни сотиб олишга ва фойдаланишга ҳақлидирлар. Диний ташкилотлар диний адабиёт, диний мазмундаги ахборот материалларини тайёрлаш, экспорт ва

импорт қилиш, тарқатиш ва уларни ишлаб чиқарадиган корхоналарни таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Диний ташкилотлар хайрия, меҳр-мурувват фаолиятини амалга оширадилар. Фуқаролар ва диний ташкилотлар халқаро алоқаларда қатнашадилар, тавоф қилиш, йиғилишларда ва бошқа диний тадбирларда қатнашиш учун чет мамлакатларга чиқишга ҳақлидирлар. Диний ташкилотлар диний таълим олиш учун фуқароларни чет элга юборишлари ва чет эл фуқароларини таълим олиш учун қабул қилишлари мумкин.

Диний ташкилотлар фуқароларни ишга олишга ҳақлидирлар. Улар ўртасидаги меҳнат муносабатлари битим ва шартномаларда ўз ифодасини топиши шарт. Уларда меҳнат шартномаси асосида ишловчи фуқаролар касаба уюшмаларининг аъзолари бўлишлари мумкин. Улар давлат ва жамоат корхоналари ва ташкилотлари ишчилари ва хизматчилари билан барабар солиқ тўлайдилар, ижтимоий таъминланиш ва суғурта қилиш хизматларидан фойдаланадилар, умумий асосда пенсия олишга ҳақлидирлар.

Қонунда давлат идоралари ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар ҳам ҳисобга олинган. Бу муносабатлар эндиликда, албатта шакл ва мазмунга эгадирлар. Давлат идоралари диний ташкилотларнинг ички ишларига аралашмайдилар. Мазкур қонунда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги Қонунни бузган мансабдор кишилар ва оддий фуқаролар қонун олдида жавоб беришлари кўрсатилган.

Шунингдек, қонун виждоний эътиқодга, унинг дунёвий ва диний шакллариغا эрк беради, уларни мустақил, тенг мавжудлигини ва низосиз иш олиб боришларини таъминлайди, уларни қўллаб-қувватлайди, ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилади. Чунончи, виждон эркинлиги ҳуқуқини 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳимоя қилади. Унинг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” дейилган. Шундай экан, Ўзбекистон Конституцияси ва виждон эркинлиги қонунига биноан ҳар бир фуқаро диндор бўлиш ёки бўлмасликни шахсан ўзи бўлгилайди. Диндорлар билан дахрийлар орасида бу масаладаги муносабатларнинг кескинлашувига йўл қўйилмайди; ҳар қандай экстремистик ҳаракатлар қораланади ва бу ишларнинг ташкилотчилари ва қатнашчилари қонун олдида жавоб берадилар. Қонун бошидан-охиригача виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятини амалга оширишни жумхуриятда тинчлик, осойишталик, ҳамжихатликни таъминлаш билан, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини доимо муҳофаза қилиш билан бирга олиб боришни кўзда тутди. Қонун диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб бориш, нифок, нафрат кўзғатиш, миллатлараро адоват уйғотиш ҳамда давлат манфаатларига ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш, қонуний равишда ва демократик йўл билан тузилган ҳокимият ва бошқарув идораларига ҳамда давлат вакиллариغا нисбатан ғайриқонуний усуллар билан тазйик ўтказиш учун фойдаланишга мутлақо йўл қўйилмайди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар бирон-бир сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этмайдилар ва уларга молиявий ёрдам бермайдилар. Диний ташкилотлар бошқа идоралар каби республикада осойишталик, халқлар тинчлиги, Ўзбекистоннинг мустақиллиги йўлида олиб борилаётган ишларига муносиб ҳиссаларини қўшишлари лозим.

И.Каримов “биз бундан буён ҳам ахолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз”¹⁰, - деб таъкидлади.

Ўзбекистон фуқаролари динга нисбатан берилган бундай эрдан тўғри фойдаланишлари, айтилиши вақтда барча хатти-ҳаракатлар виждон эркинлиги доирасида бўлиши лозим. Диндан аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясида И.А.Каримов сўзлаган нутқида бундай деган эди: “Жиноятчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда, умумий ҳонадонимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраш йўлида аҳоли фаоллигини ошириш лозим”¹¹.

И.Каримов бу улуғвор фикрлари барча фуқаролар учун дастуруламал бўлиши лозим. Мустақил Ўзбекистонда дин ва эътиқод эркинлиги конституцион қафолатланганлигини доимо ёдда тутишимиз керак.

Дин кишилар ўртасидаги муайян муносабатлар ва бу борада диний ташкилотларнинг фаолиятдан ҳам иборатдир. Диннинг ҳамма таркибий қисмлари сингари диний муносабатлар ва диний ташкилотлар фаолияти ҳам ижтимоий вазиятлар билан белгиланади. Буларнинг фаолияти нисбий мустақилликка эга бўлиб, кишиларнинг воқеликка бўлган муносабатига муайян даражада ижобий ёки салбий таъсир этиб туради.

Диний тушунчалар, тасаввур ва қайфиятларга мослашиб, буларнинг бевосита таъсири натижасида вужудга келадиган диндорлар ўртасидаги алоқадорлик ва диний жамоа, уюшма ва ташкилотларнинг фаолиятлари диний муносабатлар деб аталади. Бундай муносабатлар ижтимоий, ғоявий, мафкуравий муносабат-ларнинг турлари бўлиб, пироварди-оқибатда ишлаб чиқариш муносабатларининг махсули ҳисобланади.

Жамиятда диний муносабатлар алоҳида мавжуд бўлмайди; ижтимоий муносабатларнинг бошқа турлари, чунончи сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, маънавий муносабатлар, меҳнат жараёнлари билан узвий боғлиқдир; бир-бирини озуклантириб туради.

Диний муносабатлар, биринчидан, ҳар бир диний жамоа, уюшма, ташкилотлар орасидаги, иккинчидан, диний ташкилотлар ўртасидаги ва учинчидан, ташқи муносабатлар доирасидаги алоқаларга бўлинади. Бу алоқаларнинг объекти ва субъекти диний жамоалардир, улар диний эътиқодга асосланган кишилар бирлигининг муайян шакли ва диний уюшманинг бошланғич элементидир. Бу бирлиكنинг асосий белгилари қуйидагича:

- 1) диний эътиқод, мақсад ва вазифалар бирлиги;
- 2) диний маросимлар ва ундан ташқаридаги фаолиятларнинг бирлиги;
- 3) этник бирлик туйғуси;
- 4) жамоа аъзолари орасидаги ўзаро тақсимланган мавқе ва вазифа-ларнинг бирлиги.

Диний жамоаларнинг тузилиши анъаналар ва урф-одатлар, ҳуқуқ ёки умумий дастурлар, қоида, фатволар билан белгиланади. Булар махсус мезонлар асосида расмий ва норасмий гуруҳларга: - “жамоа кенгаши”, “руҳонийлар”, “қавмлар” ва “ваъзхонлар” га, диний ва хўжалик, молия ишлари билан шуғулланувчи гуруҳларга бўлинади.

Муайян шароитларда диний жамоа қўшничилик, кишлоқ ва маҳаллачилик жамоасига мос келган. Бунда диндорлик даражаси юқори ва чуқур бўлади. Жамиятнинг тараққий этиши жараёнида ижтимоий муносабатлар тармоқланади. Унда

¹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари.. 44-б.

¹¹ “Халқ сўзи”, 2000 йил, 25-январ сони.

шаҳарнинг мавқеи ортиб борган сари турли ахлоқий ва миллий гуруҳлардан ташкил топган ишлаб чиқариш жамоалари ҳосил бўлган ва кўпайиб борган сари диний жамоалар мустақил тус олган. Ҳозир ҳам шундай. Масалан, исломда дастлабки мусулмон жамоаси 622 йили Мадинада муҳожирлар ва ансорлардан иборат ҳолда ташкил топган. Кўп ҳолларда диний бирлик географик жойлашиш жихатидан этник бирликка мос келгани учун дин этник миллий бирлик маъносини ҳам англатган. Виждон эркинлиги қонунга биноан 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро диний жамоа аъзоси бўла олади. Бундай жамоа камида 100 мўминдан иборат бўлиши лозим, акс ҳолда диний жамоа деб ҳисобланмайди. Диний уюшмалар фаолияти ўз аъзо-ларининг яшаётган жойи билан чекланади. У ихтиёрий ва мустақил уюшма бўлиб, моддий жихатдан ҳам ўз-ўзини таъминлайди. Диний ишларни бошқариш, диний мол-мулк ва пул маблағлари билан боғлиқ вазифаларни бажариш, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш учун диний уюшма аъзолари ўз орасидан ижроия органини сайлайди. Диний ташкилот бу динга ишонувчиларнинг ва диний жамоаларнинг уюшмасидир.

Диний ташкилотлар орасидаги диний муносабатларга турли динларга эътиқод қилувчи ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари ва идоралари, уларнинг аъзолари ўртасидаги муносабатлар киради.

Диний ташкилотлардан ташқаридаги муносабатлар кишиларнинг ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларидаги хатти-ҳаракатлари диний меъёрлар билан белгиланадиган вақтда вужудга келади.

Диний муносабатларнинг бу учала шакли, бир-биридан мутлақо ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди, булар орасида боғлиқлик, ўзаро алоқадорлик мавжуд. Жамиятда ижтимоий муносабатлар ривожланган сари бу диний муносабатлар ҳам такомиллашиб бораверади.

Диний ташкилотларнинг ички муносабатлари, айниқса тоат-ибодатга, диний маросимчиликка тааллуқли муносабатлар “муқаддас” ёзувларда баён қилинган бўлиб, диндор учун мажбурий (фарз) ва турғунроқ (барқарорроқ) ҳисобланади. Бунга исломдаги намоз ўқиш, рўза тутиш, христианликдаги чўқинтириш, нон ва вино тотишлар мисол бўлади. Диний муносабатларнинг бу жабҳаларда бош руҳонийларнинг, раҳбар идораларининг дастурлари ҳам катта аҳамиятга эга. Тоат-ибодатга, диндорлар орасидаги ўзаро муносабатларга тааллуқли бўлган бу дастурлар ҳар бир янги ижтимоий вазиятнинг тақозоси натижасида қисман янгиланиб ҳам туради. Айрим давлатларда, жойларда тоат-ибодат, маросимчиликка оид бўлган талаблар бир этник, миллат бирлигига мансуб диндорлар учун мажбурийлик даражасига кўтарилади. Динга ишонмайдиган бундан мустаснодир.

Диний ташкилотлараро муносабатлар олдингисига нисбатан тез ўзгарувчан; кўп ҳолларда улар сиёсий, ҳуқуқий вазиятлар билан бевосита боғлиқдир. Диний муносабатларнинг бу жабҳаси ривожланган мамлакатларда дунёвий моҳиятга эга бўлган ҳуқуқий қоидалар билан белгиланади. Масалан, республикамизда диний уюшмалар давлатимиз қабул қилган виждон эркинлиги ҳақидаги қонунга бўйсунишга мажбурдирлар. Унга итоат этмаган ёки уни бузган уюшмалар тарқатиб юборилади. Ҳозирги диний экстремистик уюшмалар шулар жумласидандир.

Диний муносабатлар энг тез ўзгарувчан муносабатлар бўлиб, бевосита диний эҳтиёжлар билан боғланмаган, айтиб қўйиш мумкин, қонун ва ҳуқуқий ижтимоий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган, кишиларнинг хатти-ҳаракатларини диний қарашлар, панд-насихатлар, одатлар орқали белгилаш, йўналтириш натижасида вужудга келади. Диний муносабатларнинг бу тури ўз моҳиятига кўра кўпроқ дунёвий масалаларни ҳал этиб боришга қаратилган. Чунки дунёвий давлатларда диний ташкилотлар, давлатдан ажратилган бўлса-да жамиятдан ажратилмаган.

Диний ташкилотлардан ташқаридаги диний муносабатлар доираси жамият ривожланган сари торайиб боради. Бунинг натижасида ҳукукий, сиёсий, ахлоқий муносабатлар, шунингдек ижтимоий меҳнат билан боғлиқ жараёнлар бевосита дин таъсиридан озод бўла бошлайди ва дунёвий мазмунга эга бўлади. Риожланган мамлакатлардаги ҳозирги сиёсий, ҳукукий, иқтисодий-ижтимоий шароитлар бунга мисол бўлади. Диний ташкилотлардан ташқаридаги диний муносабатлар ижтимоий вазиятлар билан белгиланганлиги туфайли ижтимоий-тарихий ходиса деб ҳисобланади.

Диний ташкилотлар ўзларининг нисбий мустақил хусусиятларига эга бўлган ташкилотлар сифатида биринчи бор тарихда синфий жамиятда вужудга келган. Бунинг сабаби ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатнинг бир-биридан ажралиши натижасида руҳонийликни махсус касб қилиб олган кишилар гуруҳининг пайдо бўлишидир. Шу нуқтаи назардан дин фақатгина мафкура, таълимот, дастур, даъватгина эмас, ташкилот ҳамдир. Бундай ташкилотлар ҳукмрон бошқарув системаси ва буни амалга оширувчи давлат билан ҳам муайян муносабатда бўлади. Бу муносабатлар давлат идоралари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ёки уларга қарши курашишдан бошлаб, то давлат идораларининг вазифаларидан баъзиларини бевосита бажариш шакллариғача бўлади.

Диний ташкилотларнинг фаолиятлари фақатгина диний таълимотнинг мазмуни билан чекланмайди. Бу фаолият қандай ижтимоий кучлар ва ҳаракатларнинг қўлида эканлигига боғлиқдир. Диний ташкилотлар фаолиятидаги ижобий ёки салбий жихатлар мавжудлиги, зиддиятлар, келишмовчиликлар ёки ғамхўрликлар ғоясини илгари суриш ҳам ана шу билан белгиланади.

Диний ташкилотлар вужудга келган дастлабки даврларданок улар фақатгина кишиларнинг бевосита диний эҳтиёжлари, яъни тоат-ибодатга тааллуқли масалалар билангина шуғулланмаган; айни замонда жамиятнинг хўжалик, сиёсий, ҳукукий, айниқса ғоявий, ахлоқий жабҳаларида ҳам фаол иштирок қилган. Баъзи хорижий мамлакатларда бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда. Чунончи, қадимги Месопотамияда ибодатхоналар шаҳарлар марказларида жойлашган бўлиб, хунармандчилик ишлари билан шуғулланган. /алла сақланадиган омборхона вазифаларини ҳам ўтаган. Умуман халқ хўжалиги ишларини юритувчи марказлар бўлган. Шунинг учун ҳам бу ерда ёзувларга эҳтиёж пайдо бўлган ва бунинг натижасида ёзувлар ҳам дастлаб ибодатхоналарда вужудга келган.

Жамиятни демократиялаштириш натижасида вужудга келган янги шароит диний ташкилотлар фаолиятида янги қирраларнинг вужудга келишига ва кенг ёйилишига, унинг халқ орасига оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилинишига ҳам сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг хайрия, маданий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилиш масаласи билан фаол шуғулланаётганлиги ҳам ҳозирги кунда катта аҳамиятга эга. Бу йўналишдаги фаолиятларни фақатгина диндорлар эмас, динга ишонмайдиганлар ҳам қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Чунки бу фаолият кишиларда меҳр-оқибатнинг қарор топиши, халқнинг маънавий, жумладан ахлоқий меросига бўлган қизиқиши ортиб боришига ҳам сабаб бўлади. Маънавий ўрганиш орқали халқ, қолаверса, ҳар бир киши ўз-ўзини англайди.

Юзага келган янги шароитда диний ташкилотлар ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш, бошқа дунёвий ижтимоий уюшмалар каби оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўрта аср шароитларида ҳам монастирь, мачит ва мадрасалар дунёвий билим ва маориф, хатто хўжалик ишлари билан шуғулланганлар. Бу вазият диний ташкилотларнинг жамиятда тутган мавқеининг юқори даражада бўлишига сабаб эди. Масалан Ўрта Осиёда вақфлар ана шундай вазифаларни бажарган.

Ҳар бир тарихий даврнинг диний ташкилотлар фаолиятлари ўзларига хос хусусиятларига эга. Буларнинг муайян кўринишидаги фаолиятлари жамиятнинг ижтимоий тузилиши, мавжуд синфлар орасидаги муносабатлар, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражалари, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ахлоқий вазиятлар, ҳукмрон ғоялар, илм-фанларнинг ривожланиш даражалари ва бошқа шу кабилардан иборат бўлган муҳим вазиятларга боғлиқдир. Шунинг учун диний ташкилотларнинг фаолиятларига ҳар бир тарихий шароитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндошмоқ зарур.

Диний ташкилотлар мустақил тус олган ҳозирги шароитда уларнинг фаолиятлари асосан диндорларнинг диний эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқдир. Бу ташкилотлар бошқа ижтимоий ва сиёсий уюшмалар, партия, касаба уюшмалари, хотин-қиз, ёш, ижодий ташкилотлари шакллана бориши мобайнида улар билан муайян тарзда алоқа ўрнатишга интилади. Руҳонийлар, оддий диндорлар ҳам шу ташкилотларга уларнинг Низом ва Уставларига бўйсунуш шarti билан аъзо бўлишлари мумкин. Бу уюшмалар ўз моҳияти билан диний бўлмасда жамиятда ёки мамлакатлараро муносабатларда турли таъсир ўтказишда диний ташкилотларга хизмат қилиши мумкин. Хорижий Европа мамлакатларидаги христиан сиёсий партиялар, халқаро ислом ташкилотларининг фаолиятлари бунга яққол мисол бўлади.

Ҳозирги диний идора моддий жихатдан ўз қарамоғидаги мусулмонларнинг ихтиёрий садақалари, мусулмонларга диний хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ тўловлар, матбуот тарқатиш ҳисобидан таъминланади. 1945 йилда ташкил топган Бухородаги Мир Араб мадрасаси билан бирга 10 дан ортиқ мадрасалар ва Тошкентдаги Ислом маҳади (Олий ўқув юрти 1917 йили ташкил топган) диний ходимлар тайёрлайди. Диний бошқарма ўзининг рўзнома, ойнома ва диний тақвим-календарларига эга. У хориждаги ўнлаб диний ташкилотлар билан алоқа қилади; тинчлик учун фаол кураш олиб боради.

1998 йили Тошкентда очилган Олий Ислом университети исломшунос кадрларни тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ислом билан боғлиқ кўпгина халқаро ташкилотлар ҳам бор. Булар ўз даражалари, ҳаракатларига кўра қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

1. Ҳукуматлараро Ислом Конференцияси Ташкилоти - ИКТ. У 1969 йили тузилган.

2. Ҳукуматлар аралашмайдиган ташкилотлар: буларга сиёсий, жамоат арбоблари аъзо бўладилар ва ишларида иштирок этадилар.

3. Соф диний ташкилотлар, диний мафкуравий марказларни бирлаштирувчи ислом ташкилотлари. Буларнинг вакиллари асосан динни тарғиб қилиш билан шуғулланадилар.

Ижтимоий эҳтиёжларнинг маълум бир даврдаги муайян тури бўлган диний эҳтиёжлар, у билан боғлиқ бўлган диний ташкилотларнинг фаолияти ижтимоий вазиятлар билан белгиланади. Демак, диний ташкилотлар, уларнинг фаолиятлари ҳам ижтимоий-тарихий ходисадир.

Руҳонийлар ва барча диндорлар жамиятнинг сиёсий ҳаётида, масалан сайловларда иштирок этишга ҳақлидирлар. Диний ташкилотларнинг фаолиятидаги бу янги вазият 1991 йил 14 июндаги Ўзбекистон Олий Кенгаши қабул қилган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар” ҳақидаги қонунда, унинг Олий Мажлисининг XI сессияда қабул қилинган янги таҳририда ҳамда 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган. Бироқ диндорлар ва диний уюшмалар диндан сиёсий мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Мамлакатимизда дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг таъминланиши натижасида кўпмиллатли халқимизда ҳеч қайси дин вакиллариининг диний нафсониятлари камситилмайди; диний ҳиссиётларни авж ҳам олдирмайди; дин фуқароларининг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Тил билан дил бирлиги, ҳалол меҳнат билан кун кечириш, оилани Боғиш, тарбиялаш, инсофли, диёнатли, адолатпарвар бўлиш, саҳийлик, мурувватлилик, ўз халқи, унинг маданияти ҳақида қайғуриш, миллий ифтихорнинг оёқости қилинишига йўл қўймаслик фақат иймонли одамларгагина хос фазилатлардир. Зеро, иймонли одамлар ўз хатти-ҳаракатларини ўлчайдиган мезон - муайян ғоявий, ахлоқий қадриятга эга бўладилар.

Диний иймон эгаси бўлган шахс учун асосий орзу диний ибодатлар, маросимларни бажариш, диний панд-насихатлар асосида ҳаёт йўналиштини белгилаб, реал дунёда бахтиёр бўлиш ва охиратда жаннатдан жой олишдир. Илмий ҳақиқатлар атрофида иймони шаклланган шахслар учун эса асосий идеал (юксак орзу) ҳаётнинг маъноси реал, бирдан-бир дунёда чинакам инсоний муносабатлар, умумий фаровонлик ва адолатни қарор топтириш учун курашда бахтиёрликка, эл-юртининг иззат-икромига сазовор бўлиб, ҳаётида ўзидан яхши ном қолдириб, авлодлар қалбида умрини давом эттириш, яъни ижтимоий абадийликка мушарраф бўлишдир. Диний маънодаги имон билан дунёвий (илмий) маънодаги имон, эътиқод орасидаги тафовут ана шундадир.

Жамиятни демократик асосда қайта қуриш, ундаги ҳамма муносабатлар чинакам инсонпарварлик асосларида шакллантиришнинг зарур шартларидан бири диний ва дунёвий иймон эгаларининг ана шу тарихий вазифани ҳал этиш учун ягона бир иттифоқ бўлиб ҳаракат йўналишини белгилашига ҳам кўп жихатдан боғлиқ. Чунки ҳамма динда, жумладан исломда ҳам бу дунё муаммоларига назар-писандсиз қараш қаттиқ қораланади. Ҳар бир дин аҳли ўз эътиқодида турган ҳолда жамиятни демократлаштириш, инсонийлаштириш учун дунёвий иймон, эътиқод эгалари билан бирлашиб, ахлоқсизликка, ўғирлик, товламачилик, мансабини суиистеъмол қилиш, босқинчилик, порахўрлик, тамағирлик, тошбағирлик, умуман иймонсизликнинг барча кўринишларига қарши курашни кучайтирсалар, яшаб турган умумий уйимиз - жамиятимиз тезроқ покланиши, ҳамма соҳада ибратли ишлар қарор топиши мумкин ва лозим.

Иймон, эътиқод, одоб-ахлоқ масалалари бўйича диний ва илмий қарашларнинг қай бирини танлаш, мақуллаш ҳар бир кишининг виждонига ҳавола бўлиб қолиши ўринлидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги Қонун ҳам, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари Декларацияси” ҳам шуни талаб этади. Дин аҳллари билан маданият намояндалари иймон, эътиқод, одоб-ахлоқ масалалари бўйича кенг мунозаралар олиб боришлари мумкин. Бу тадбирнинг афзаллиги шундаки, бундай мунозараларга одамлар, хусусан ёшлар жуда қизиқиб қарайдилар. Мунозара соғлом вазиятда, томонларнинг муаммони аниқ тасаввур этганлари ҳолда ўтиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мунозарада томонлар ўзининг ҳақлигини намойиш этиш ниятида ўзаро бир-бирларига таъна тошлари отишдан тийилишлари лозим бўлади. Бундай мунозаралар аниқ далил, исботланган ғоя, тасдиқланган факт, ёрқин мисол, илмий ҳулоса, ишончли таълимот, конкрет фикрга асосланган бўлиши керак. Мақсад одамнинг чин инсонга айланиб боришида имон-эътиқод ва одоб-ахлоқнинг ижобий мавқеи, актив ролига қаратилса, томонларнинг ўзаро поёни йўқ, демак, самарасиз тортишувлардан холи бўлишлари учун имкон туғилади.

Инсон учун хос бўлган дунёқарашлар турлича (илмий, диний, фалсафий, ғайриилмий ва б.) бўлади. Биз, диний дунёқараш ҳақида юқорида баён этганмиз.

Илмий ҳақиқатлар атрофида шаклланган илмий дунёқарашга эга бўлган шахсларнинг асосий идеали (юксак орзуси), ҳаётнинг маъноси шу объектив оламда чинакам инсоний муносабатлар, умумий фаровонлик ва адолатни қарор топтириш учун курашда бахтиёрликка, эл-юртнинг иззат-икромига давом эттириш, яъни ижтимоий абадийликка мушарраф бўлишдир.

Бундай дунёқарашга эришиш учун ёшлар мактаблардан бошлаб фан асосларини пухта ўрганишлари табиат, жамият ва инсоният ҳақидаги объектив қонуниятларни илмий асосда таҳлил қила олиш қобилиятига эга бўлишлари лозим. Айни вақтда илм-фан, маданият ва маърифат билан чамбарчаслиги доимо ёдда тутилади.

Илмий дунёқарашни шакллантиришда маънавий меросимиз, миллий қадриятларимиз, ўзлигимизни англашимизнинг ўрни бекиёсдир.

Минг йиллар мобайнида шаклланган маънавий ва миллий қадриятлар ҳозирги мустақиллик даврда яратилган маънавий покликни таъминлашга кўмаклашади. Бундай қадриятларни ўрганиш, халқнинг ўзлигини англашда, унинг тарихий хотирасини тиклашда, миллат қадр-қимматини жамият ҳаётида ҳис қилишда муҳим имкониятлар яратади.

И.Каримов 1997 йил август ойи охирида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилиши муносабати билан бу шахри азимга бориб, қайтишда Масжиди Калонга ташриф буюрган эди. У ерда бу намозгоҳни таъмирлаш ишлари Бухоронинг 2500 йиллик юбилейига бу ишни тугатиш ишлари жадал давом этаётган эди. Бу эзгуликлардан мамнун бўлган юртбошимиз уста, меъморларга, уларнинг саркорларига қарата бундай деган: “Мустақиллигимизнинг шарофати ўлароқ, динимиз қайтди. Тарихий қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз, бой маданий меросимиз-умуман айтганда, маънавиятимиз чангу ғуборлардан тозаланди... Ҳар бир одам дунёда нима учун яшадим, қандай савобли ишлар қилдим, деган саволни ўзига бериши керак”¹².

Бу соҳада дин арбоблари олдида қандай вазифалар турганини қайд этиб, суҳбатдош юртбошимиз бундай деган эди: “Айниқса, дин арбоблари инсон охиратини ўйлаганда пушаймон бўлмаслиги лозимлигини, бунинг учун эса ҳаётда ўз бурчини бажариб, савобли амаллар қилиб ўтиш зарурлигини кенг оммага тушунтиришлари лозим”. (Ўша жилд., 317-бет.)

“...иктисодиёт билан маънавиятни бир-биридан ажратиб, бирини биридан устун қўйиб бўлмайди”. (317-бет).

Ваҳҳобийлар айрим масжидлардан, айниқса Наманганда ёвузлик мақсадларида фойдаланганлар. Мохиятан масжидларнинг тутган ўрни, бажарадиган функцияси бутунлай бошқача эканлигини уқдириб, И.Каримов бундай деган эди: “Масжидга одамлар покланиб кирадилар. Масжидда доимо самимий, рост гапирадилар. Шуниси қувончлики, мастабид тузум давридаги сохталик, жиддийлик, ғирромликлардан халос бўлиб, одамлар самимият-мўмин, мусулмонликка қайтмоқдалар. Бу ҳам истиқлолимиз шарофатларидан биридир. Мана шундай самимият, маънавий баркамоллик билангина биз ёруғ келажакка етишимиз. Ўзбекистонимиз озод ва обод давлат бўлишига эришишимиз мумкин”¹³.

Инсонпарварлик билан суғорилган халқимизнинг миллий қадриятлари ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга. Узоқ тарих давомида ўзбекларнинг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, ўзаро муносабатлари, ҳамкорлик, ҳамдардлик, вафодорлик, бир-бирига суяниш, яхши қўшничилик, болажонлик, ота-онанинг болага, боланинг ота, онага хурмати, садоқати эъзозланиб келинган. Буларнинг қарор топишида дунёвий билимлар билан бир вақтда ислом динининг асослари Қуръон ва Ҳадисларда олға

¹² Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққёт йўлида. 6-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1998, 316-бет.

сурилган, реал, дунёвий қарашлар, фикрлар ҳам муҳим ўрин тутди. Шу сабабли ўзбек халқининг илм-фан хазинаси, миллий маънавияти, маънавий қадриятларининг қайси томонига назар ташламайлик, уларнинг замирида чуқур ижтимоий, ахлоқий аҳамият касб этадиган инсонпарварлик ғоялари мавжудлигини кўрамиз.

Маълумки, Турон заминида шахс умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида тарбияланган. Инсонни тарбиялашда мардлик ва жасурликка, оқиллик ва билимдонликка катта аҳамият берилиб, ёшларнинг чин инсоний фазилятларни эгаллаб, касб-хунарни бўлишларига доимий эътибор билан қаралган. Шу боис бутун дунёни ўзининг қомусий илмлари билан лол қолдирган Беруний, Ибн Сино, Махмуд Ўшғарий, Мусо Хоразмий, Аҳмад Юғнакий, Форобий каби алломалар, Аҳмад Яссавий, Имом Бухорий сингари уламолар юзага келган, ўзининг бетакрор асарлари билан жаҳон маънавияти хазинасига беназр ва улкан хисса қўшганлар.

Республикамиз мустақиллиги шарофати билан дин ва эътиқод эркинлигининг таъминланиши Ўзбекистон фуқаролари учун ўз тарихи, тажрибаси, маънавий мероси, дини, қадриятларини ўрганиш ва тиклаш учун кенг имкониятлар яратилди. Эндиликда улар маънавиятимизнинг юксалишига салмоқли хисса қўшмоқда. Ёшлар ана шу маънавий меросдан баҳраманд бўлиб, ўз-ўзини англай бошласа, ҳозирги замон фан-техника ютуқларини чуқур ўзлаштирса, унинг фикрлаш доираси кенгайди, илмий дунёқараши шаклланади.

Илмий дунёқараш мақсадларини амалга оширишда исломий таълимотдаги эзгулик даъватларидан фойдаланиш мумкин. Ҳар бир инсон муайян дунёқарашга эга бўлади ва ана шу орқали ўзининг жамиятга, табиатга, ташқи оламга муносабатини белгилайди.

10-мавзу: Миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатлари

Режа:

1. Миссионерликнинг келиб чиқиши, мақсади ва вазифалари
2. Прозелитизм келтириб чиқараётган салбий оқибатлар
3. Диний маърифат ва бағрикенглик

Миссионерлик ҳақида гап кетар экан, аввало ушбу тушунчанинг луғавий ва истилоҳий маъноларини тушуниб олиш муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ушбу сўз латин тилидаги «missio» феълидан олинган бўлиб, «юбориш», «вазифа топшириш», миссионер эса "вазифани бажарувчи" деган маъноларни англатади. Миссионерлик эса белгиланган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият мажмуини билдиради.

Турли луғатлар ва манбаларда миссионерликка кўплаб таърифлар берилган. Уларнинг деярли барчасида миссионерликка хос хусусиятлар атрофлича тавсифланган. Жумладан, ҳар йили қайта нашр этиладиган "Жаҳон китоби" энциклопедиясида "Миссионер бирор диний гуруҳ томонидан бошқаларни ўз динига тарғиб қилиш ва киритиш учун юборилган инсон", — деган фикр қайд этилган. 2005 йилда Москвада нашр этилган "Кирилл ва Мефодийнинг катта энциклопедияси"да эса «Миссионерлик бирор диний бирлашма вакилларининг ўз эътиқодини бошқа дин вакиллари орасида ёйиш ҳаракати», — деган таъриф келтирилган.

Умуман олганда, турли луғатлар ва манбаларда баён этилган таърифлар бири-бирига жуда яқин ва ўхшаш бўлиб, уларга таянган ҳолда қуйидаги хулосани чиқариш

мумкин: миссионерлик — бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилишни англатади.

Миссионерлик билан бир қаторда прозелитизм ҳақида ҳам гапиришади? Унинг моҳияти нимада?

Прозелитизм тўғридан-тўғри бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга қаратилган ҳаракатларни англатади. У ўз моҳиятига кўра миссионерликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Прозелитизм келтириб чиқараётган салбий оқибатларни айрим ҳаётий мисолларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, бизга қўшни бўлган айрим давлатларда христиан динини қабул қилган кишилар вафот этганда жасадни қабристонга қўйиш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқмоқда. Майитнинг мусулмон ота-оналари ўз фарзандларини христиан мазоҳига дафн этишни хоҳламаганлари, мусулмонлар эса христиан дини вакили жасадини ўз мусулмон биродарлари ётган жойга қўйишни истамаганликлари натижасида келишмовчиликлар юзага келмоқда.

Шунингдек, христиан динини қабул қилган киши ўз ўғлини хатна қилдиришни хоҳламагани, унинг отаси эса, ўз набирасини мусулмон урф-одатларига кўра хатна қилдиришни истагани туфайли ота-бола ўртасида жанжаллар келиб чиққани ҳам маълум.

Христиан ёки бошқа динни қабул қилган қизнинг турмушга чиқиши ҳам муаммога айланмоқда. Оилада қизнинг ота-онаси мусулмон. Албатта, улар ўз қизларини мусулмон кишига турмушга чиқишини истайдилар. Аммо христианликни қабул қилган қизга мусулмон кишининг уйланиши амри маҳол.

Юқоридаги каби мисолларни яна давом эттириш мумкин. Аммо шуларнинг ўзи ҳам миссионерликнинг таркибий қисми бўлган прозелитизм ҳаракатлари бошқа динни қабул қилган туб миллат вакиллари оилаларида низолар ва жанжалларнинг авж олишига ҳамда христианликнинг айрим йўналишлари вакилларига нисбатан душманлик ҳиссиётларининг пайдо бўлиши орқали динлараро низоларнинг келиб чиқишига замин яратиши мумкинлигини яққол тасаввур қилиш имконини беради.

Христиан миссионерлиги қандай ғоявий-ақидавий асосларга таянади?

Маълумки, христианликнинг айрим йўналишларида "Миссионерлик ҳар бир диндор учун шарт", - деб ҳисобланади. Исо Масихнинг ўзига 12 ҳаворийни танлаб олиши ва уларни Исроилнинг қишлоқлари бўйлаб даъват қилиш учун юборгани ҳақида Марқдан ривоят қилинган "Инжил"да келтирилган куйидаги сўзлар бундай қарашлар учун асос қилиб олинади:

"... 15. Исо шогардларига деди: «Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар».

Бундай даъват Маттодан ривоят қилинган «Инжил»да ҳам мавжуд. Унда Исо ҳаворийларга яқинлашиб, шундай дегани қайд қилинади:

"19. ...барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан чўқинтиринглар.

20. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсаларга амал қилишни уларга ўргатинглар..."

Юқоридаги каби чақириқларни «Инжил»дан яна кўплаб топиш мумкин. Аммо миссионерлар ўз фаолиятини ташкил этишда асосан қайд этилган далилларга таянадилар.

Шу ўринда адолат юзасидан бир фикрни алоҳида қайд этиш лозим. Кўпчилик ҳолларда муайян дин доирасида шаклланган у ёки бу кўрсатмалар, ақидалар конкрет тарихий шарт-шароит билан боғлиқ бўлади ва ўз даври учун тўғри ҳисобланади, Вакт, шароит ўзгариши билан ўзининг бирламчи аҳамиятини йўқотган бундай кўрсатмалар ўша даврдаги тарихий вазиятни тушуниш ва баҳолашда қимматдорлик касб этади.

Миссионерлар ўз фаолияти учун асос сифатида "Инжил"дан келтирадиган юқоридаги сўзлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Зеро, Исо Масих томонидан қилинган бундай даъватлар кўп ҳудодилик ўрнига яқка ҳудодиликни тарғиб қилиш билан боғлиқ эди. Бугунги кунда жаҳон аҳолисининг мутлақ кўпчилиги яқкаҳудодиликка асосланган ўз динларига эътиқод қилади. Шундай экан, қайд этилган кўрсатмаларни миссионерлик билан шуғулланиш учун ғоявий асос қилиб олиш тарих ҳақиқатига зид эканини таъкидлаш зарур.

Миссионерлар бундай фаолиятни Исонинг ўзи бошлаб берган эди, деб таъкидлашни хуш кўрадилар. Уларнинг бундай даъволари нечоғлиқ тўғри?

Бундай қарашлар қачонлардир содир бўлган тарихий воқеаларни ғараз мақсадларда бузиб талқин қилиш ҳосиласидир. Миссионерлар, одатда ўз қарашларини асослаш учун Луқодан ривоят қилинган "Инжил"да Исо Масихнинг ўз шогирдларини турли кишлоқларга юборгани ҳақидаги қуйидаги сўзларни келтирадилар:

"6. Шогирдлар жўнадилар. Кишлоқдан-кишлоққа ўтиб бориб, ҳаммаёқда Хушхабарни тарғиб қилар... эдилар".

Айнан ушбу сатрларни миссионерлар турли жойларга миссионерларни жўнатишни Исонинг ўзи бошлаб берган ва илк миссионерлар ҳаворийлар бўлишган эди, деб талқин қилишади. Аммо Исо Масихнинг бу даврдаги фаолияти фақат яҳудийларгагина қаратилган эди. Бу инкор этиб бўлмайдиган тарихий ҳақиқат эканини "Инжил"даги қуйидаги сўзларда ҳам кўришимиз мумкин:

"...5. Исо бу ўн икковини жўнатиб, буйруқ берди: «Мажусийлар йўлига оёқ босманглар ва самарияликларнинг бирон шахрига кирманглар.

6. Аксинча, адашган қўйларга ўхшаган Исроил халқи оддига боринглар".

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Исо ва унинг шогирдлари томонидан амалга оширилган даъватлар Иерусалим (Қуддус) шахри чегарасидан чиқмаганини кўзга кўринган христиан тарихчилари ҳам эътироф этадилар. Аммо замонавий миссионерлар, уларнинг мақсадларига хизмат қилмагани учун, бундай фикрларни билиб билмасликка олишга, тарихий ҳақиқатдан кўз юмишга ҳаракат қиладилар.

Миссионерлар христианликнинг Исроил ҳудудидан ташқарига ёйилишини ҳам илк миссионерлар фаолияти билан боғлашади. Шу тўғрими?

Нотўғри. Тарихчилар христианликнинг Қуддус шахри чегарасидан ташқарига чиқишини 37-йилда христианларнинг қувғин қилиниши билан боғлайдилар. Қувғинга учраган христианлар ҳозирги Исроил ҳудудининг жануби ва шимолида жойлашган қадимги Иудея ва Самария вилоятлари бўйлаб тарқаб, ҳамма жойда ўз динларини тарғиб қила бошлаганлар. Бу воқеа "Инжил" таркибига кирувчи «Ҳаворийлар» китобида қуйидагича акс этган:

"4. Шу орада тарқалиб кетганлар Инжил Хушхабарини тарғиб қилиб юришди".

Ҳатто Қуддус черковининг асосан хўжалик ишлари билан шуғулланадиган, энг қуйи — диакон (юнонча — Шакопоз-хизматчи) лавозимини эгаллаган ходимлари ҳам ўзларининг маъмурий ишларидан ажралиб, моҳир "хушхабарчи"ларга айландилар. Улардан энг машҳури «Даъватчиларнинг отаси» номини олган диакон Филиппдир. Айнан у Самария ўлкасида фаолият юритган, унинг пойтахти Себаста шахрида жуда кўплаб кишиларни христианликка киритиб, оммавий чўқинтирган.

Шундай бўлса-да, диакон Филипп ва унга ўхшаган кўпгина хушхабарчилар, Исо Масих таълимоти яҳудийларгагина тааллуқли, деган ёндашувдан келиб чиқиб, асосан яҳудийлар орасида тарғибот ишларини олиб борганлар.

Бироқ кейинроқ илк христиан "даъватчилари" аста-секин Ўрта денгиз бўйлаб Аппенин ярим оролига ҳам кириб боришади. Рим империясида уларга салбий муносабат билдирилса-да, улар империянинг марказий ҳудудлари ва пойтахтига кўчиб келишда давом этаверишган.

IV асрга келиб "даъватчилар" хатти-ҳаракатлари натижасида христиан дини Рим империясида давлат динига айланди. Христиан "даъватчилари" аста-секин Европанинг шимолий ҳудудларига ҳам кириб бордилар ва христианлик Рим империясининг улкан ҳудуди бўйлаб эски динлар устидан ғалаба қозонди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юқоридаги каби қарашлар турли тушунчалар мазмунини атайлаб чалкаштириб, тарихий воқеликни бузиб талқин қилиш натижасидир. Чунки христианлик энди пайдо бўлган бир шароитда фаолият олиб борган "даъватчилар" (гарчанд уларга нисбатан ҳам "миссионер" сўзини қўллаш кенг тарқалган бўлса-да) билан бугунги "миссионерлар" орасида кескин фарқ борлигини ва уларни асло бир қаторга қўйиб бўлмаслигини унутмаслик лозим. Зеро, ўз даврида христианликнинг фаол тарафдорлари томонидан "даъватчилик" ишларининг олиб борилиши, ўз таълимотларини тарқатишга ҳаракат қилишлари табиий бир ҳол эди. Бугун дунёнинг диний манзараси ўзининг аниқ шаклу шамойилига, турли халқлар асрлар давомида шаклланган диний-миллий қадриятларига эга бўлган бир даврда илк "даъватчилик"дан фарқли равишда миссионерлик миллат, жамиятни диний асосда бўлиб юборишга қаратилган бузғунчиликнинг бир кўринишига айланиб қолганини алоҳида таъкидлаш зарур. Миссионерларнинг аҳолисининг 90 фоиздан ортигини исломга эътиқод қиладиган Ўзбекистонда фаолият олиб боришга интилаётгани ҳам бундай бузғунчиликка ёрқин мисол бўла олади.

Дастлабки миссионерларнинг фаолияти ҳақида нима дейиш мумкин?

Рим қўшинлари билан бирга юриб, босиб олинган ҳудудлар халқлари орасида христианликни тарғиб қилган кишиларнинг фаолияти замонавий миссионерликнинг илк кўринишлари эди, дейиш мумкин. Европа қитъасида христианликнинг тарқалишига катта ҳисса қўшган энг машҳур миссионерлар қаторига 400-йилларда Ирландияда христианликни тарғиб қилиб, ушбу диннинг оролда тарқалишига улкан ҳисса қўшган, авлиё мақомида эътироф этиладиган Патрикни, шунингдек, Бонифаце, Сан Хосе ва Жан де-Бребеф каби руҳонийларни киритиш мумкин.

Миссионерлар фаолияти натижасида христианлик 400-500-йилларда Африкада мустаҳкам ўрнашиб олди ва ўз даври учун анча қудратли бўлган масихий қиролликлар пайдо бўлди. Улардан энг машҳури Ҳабашистон империяси эди. Ушбу қироллик катта ҳудудларни, ҳатто Арабиетон ярим оролининг жанубини босиб олиб, арабларни масихийликка ўтказмоқчи бўлган эди.

Папа Буюк Грегори VII асрда Августин бошчилигида Британияга миссионерларни жўнатади. Шу тариқа миссионерлик кенг жуғрофий кўлам касб этиб борди.

"Салб юришлари" номини ожан урушлардан ҳам асосан миссионерлик мақсадлари кўзланган дейишади. Шу тўғрими?

Дарҳақиқат, XI-XIV асрларда Рим Папаси бошчилигида "Муқаддас Ер", яъни Қуддус шаҳрини озод қилиш баҳонасида амалга оширилган, аслида босқинчилик билан бойлик орттиришга қаратилган урушлар, яъни "Салб юришлари"дан ҳам асосан миссионерлик мақсадлари кўзланган эди. Тарихдан шу нарса маълумки, салбчилар Қуддусни эгаллаб олгач, шаҳардаги масжидларга ўт кўядилар, насронийликни қабул қилишни истамаган кўплаб кишилар қиличдан ўтказилади. "Муқаддас Ер"ни озод қилиш шиори остида руҳонийлар бутун Европа христианларини оёққа турғиза олганлар ва ҳар бир христиан бу юришларда қатнашишни ўзига шараф, деб билган.

Бундан ташқари Буюк географик кашфиётлар даврида Рим черкови янги халқларни инжиллаштириш учун бир қатор миссионер гуруҳларни янги қитъага йўллади ва христианлик Америка бўйлаб тарқала бошлади. Бунда асосан католик миссионерлари ҳиндулар ва эскимослар орасидаги фаолиятлари билан ажралиб турдилар.

XV-XVI асрларда Испания ва Португалия мустамлака империялари ташкил топгач, миссионерлик католик черкови доирасида ўз фаолиятини кучайтириб, янги ерларни забт этишнинг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилди. Католикларнинг турли йўналишларига мансуб миссионерларнинг ошкора ёки махфий равишда Америка, Африка халқларини забт этишда қатнашганлари бунга далил бўла олади.

XIII—XVI асрларда христиан миссионерлиги Ҳиндистон, Хитой ва Японияга ҳам кириб борди. Японияда миссионерлик шу даражада ривожланиб кетдики, XIX аср ўрталарида япон императори барча миссионерларни айғоқчи сифатида кунчиқар мамлакатдан ҳайдаб юборди. Мазкур мисол ва Африканинг бир қатор қабилалари тилида "миссионер" сўзининг "қотил" сўзининг синоними сифатида ишлатилиши ҳам миссионерликнинг раҳм-шафқатга асосланиши ҳақидаги фикрларнинг чўпчак эканини кўрсатади.

Бугунги кунда машҳур диншунос олимлар сифатида эътироф этиладиган айрим кишилар ҳам аслида илк христиан миссионерлари бўлган дейишади. Бу ҳақда нима дейиш мумкин?

Бундай ёндашув "машҳур диншунос олим" сифатида эътироф этиладиган айрим кишиларнинг аслида ким бўлганини, уларнинг қандай шароитда "дунё таниган диншунос мутахассисга" айланганини билмаслик, уларнинг фаолиятини бир ёқлама баҳолашнинг натижасидир. Масалан, Уильяма Джонс (1746—1794) санскрит тилини биринчи бўлиб ўргангани, Франц Боппом (1791—1867) эса санскрит тили луғатини тузгани тарихий ҳақиқат.

Таниқли диншунос сифатида эътироф этиладиган Жозеф Лафито (1681—1746) — Шимолий Америкада, Шарль де Бросс (1709-1777) — Ғарбий Африкада инсон қадами етиши қийин бўлган жойларгача бориб, ибтидоий ҳаёт кечирадиган халқларнинг тили, дини, урф-одатлари тўғрисида ноёб маълумотлар йиғишгани ҳам рост. Маттео Рикки (1552—1610) эса Хитойда айнан шундай фаолият билан шуғулланган эди. Улар ўз фаолиятларининг ҳосиласи сифатида иш олиб борган минтақаларидаги диний қарашлар ҳақида асарлар ҳам ёзиб қолдиришган. Ж. Лафитонинг "Ёввойи америкаликлар урф-одатларининг ибтидоий давр урф-одатлари билан қиёси" (1723), Ш. де Бросснинг "Фетиш худолар ҳақидаги трактат" (1760) номли асарлари фикримизнинг исботи бўла олади.

Аммо улар бу ишларни қандай мақсадларни кўзлаб амалга оширган эдилар? Нима учун босиб олинган Осиё, Африка ва Америка мамлакатлари ҳудудларини географик ва этнографик тадқиқ қилиш, маҳаллий халқлар учун ёзувлар, луғат ва дарсликларни яратиш билан шуғулланган эдилар? Уларнинг миссионерлик фаолияти самарали бўлганининг сабаблари нимада? Улар таҳлил қилган диний қарашлар, урф-одат ва маросимлар бутунлай йўқ бўлиб кетганини қандай изоҳлаш мумкин? Агар ана шу саволларга тўғри ва холис жавоб берадиган бўлсак, ёзиб қолдирган асарларининг бугунги кундаги қимматидан қатъи назар, уларни диншунос, ўлкашунос деб эмас, балки христианликни ёйиш жабҳасида сезиларли ютуқларга эришган миссионерлар сифатида эътироф этиш керак бўлади.

Христианлик доирасида кенг тармоқ отган миссионерликнинг ташкилий асослари ҳақида нима дейиш мумкин?

Миссионерлик ривожланиб боргани сари тегишли ташкилий асослар ҳам яратиб борилган. Хусусан, 1662 йилда Папа Григорий XV католик миссионерларига раҳбарлик қилиш учун Диний тарғибот конгрегациясини (1668 йилдан Халқларни "Инжил"га эътиқод қилдириш конгрегацияси) таъсис этгани фикримизнинг исботи бўла олади. Рим Папаси Пий XII 1957 йилда миссионерликка даъват руҳи билан суғорилган "Фидеи Донум" (итальянча - "Эътиқод инъоми"), Иоанн XXIII 1959 йилда "Принцепс посторум" (итальянча - "Йўлбошчилар учун низом"), Павел VI 1967 йилда

"Популорум профессио" (итальянча - "Халқларнинг ривожланиши") номли номларни эълон қилгани ҳамда II Ватикан соборида (1962-65) миссионерлик масалаларига бағишлаб махсус декрет ишлаб чиқилгани ҳам бу йўлдаги ишлар тадрижий ташкил этилганини кўрсатади.

XX асрга келиб, ўз ҳолича миссионерлик билан шуғулланган ташкилотларни бирлаштириш йўлида ҳаракатлар бошлаб юборилди ва илк халқаро протестант миссионерлик тузилмалари шакллантирилди. Биринчи бутунжаҳон протестант миссионерлари конференцияси 1910 йилда Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида бўлиб ўтди. Кейинроқ эса «Халқаро миссиялар кенгаши» тузилди. Бу кенгаш «Бутунжаҳон черковлари кенгаши»га аъзо бўлиб, протестант миссионерлигининг фаолиятини йўналтириб турувчи асосий ташкилот ҳисобланади.

Миссионерлик муассасалари йирик капитал ва ерларни тасарруфларига олиб, ўз мамлакатлари сиёсатини ўтказишда фаол иштирок этдилар. Маърифат тарқатиш, тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини монополлаштириб олиб, шу йўл билан христианлик тарғиботини кучайтирдилар.

Ҳозирги кунда миссионерлар ўз ташкилий асосларини яратишда асосан наشريётлар, хайрия ва нодавлат нотижорат ташкилотлари мақомидан фойдаланишмоқда. Бундан ташқари баъзи ташкилотлар тиббий уюшмалар ниқоби остида фаолият олиб боришмоқда.

Ўрганиш айрим халқаро ташкилотлар ўз ҳукуматлари томонидан молиялаштирилган дастурларга биноан МДХ давлатларидан талаба ва ўқувчиларни у ёки бу мамлакатга юбориб, уларни диндор фуқароларнинг оилаларига жойлаштириш ва шу йўл билан бир йил давомида уларни прозелитларга айлантиришдек мақсадларни кўзлаб фаолият олиб борганини кўрсатади. Мазкур мисол миссионерлик билан шуғулланадиган ташкилотлар эътиқодий ўзгартишлар объекти қилиб танланган давлатларга ўз ҳукуматлари қўллаб-қувватлашига таяниб, кириб боришга ҳаракат қилаётганликларини ҳам кўрсатади.

Миссионерликни фақат христианликка хос, деб билиш тўғрими?

Адолат юзасидан ҳам, ҳақиқатни таъминлаш нуктаи назаридан ҳам, миссионерликни фақат христиан дини билан боғлаш тўғри бўлмайди. Миссионерлик ўзига хос ва узоқ тарихга эга. Жумладан, бундай ҳаракат дастлаб буддавийлик доирасида милоддан аввалги III асрдан бошлаб ёйилган.

Бугунги кунда эса миссионерлик фаолияти билан фаол шуғулланишга ҳаракат қилаётганлар орасида баҳойлар, кришначилар билан бир қаторда "Қуёшга топинувчилар" ("Солнцепоклонники") каби янги пайдо бўлган секталар борлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Шундай бўлса-да, бир ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. «World Book» энциклопедиясида келтирилган маълумотларга кўра, дунёдаги умумий миссионерларнинг 2/3 қисмини христиан миссионерлари ташкил этади. Хусусан, протестантлик замонавий миссионерликнинг асосий ҳомийси бўлиб турганини алоҳида қайд этиш лозим.